


А.Я. ЯШНАРБЕКОВ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СУД ТИЗИМИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

А.Я. ЯШНАРБЕКОВ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СУД ТИЗИМИ

ТОШКЕНТ 2011

Тошкент давлат юридик институти Ўқув-услубий кенгашининг қарорига кўра, 2011 йил 24 февраль, 7-сонли баённома нашрга тавсия этилди.

УДК: 341:347.99

67.71

Я96

Яшнарбеков А.Я.

Хорижий мамлакатларда суд тизими / Рисола.

–Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 92 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

ББК 67.71

Масъул муҳаррир: М.К.Нажимов

юридик фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Ф.П.Ҳайитбоев

юридик фанлари номзоди, доцент

Ж.М.Абдуллаев

юридик фанлар номзоди

Мазкур рисола “Ҳозирги замон асосий ҳуқуқ тизимлари” фани асосида тайёрланган бўлиб, унда хорижий мамлакатларда суд тизимининг тузилиши ва унинг ҳуқуқий тизимдаги ўрни билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, англо-саксон, роман-герман, мусулмон ва бошқа ҳозирги кундаги мавжуд ҳуқуқий оиласаларга кирувчи айrim ривожланган давлатларнинг суд тизимини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Рисолани тайёрлашда мамлакатимизда ва хорижда эълон қилинган юридик адабиётлардан фойдаланилган.

Ушбу рисола олий юридик ўқув юртлари талабалари ва китобхонларнинг кенг доирасига мўлжалланган.

© Яшнарбеков А.Я.

© Тошкент давлат юридик институти, 2011 йил.

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, жамиятнинг маънавий янгилаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ривожланиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотлар жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, ўтган йиллар давомида ушбу йўналишлар бўйича юксак натижаларга эришилди. Айниқса, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинаётгандигини эътироф этиш лозим.

Суд-ҳуқуқ соҳасига оид ўзига хос муайян тамойиллар мавжудки, улар мазкур йўналиш доирасида юзага келадиган фаолиятни самарали ташкил этилишида асосий пойdevор вазифасини ўтайди. Шу жиҳатдан олганда, ушбу тамойилларни ўзида мужассам этган ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасини собиқ Иттифоқ давридаги салбий ҳолатлардан батамом халос қилган 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бу борадаги муҳим ўрнини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий ижтимоий қадрият, деб эълон қилинган ва давлат зиммасига уларга риоя этилишини ҳамда ҳимоя қилишини таъминлаш вазифаси юкландган. Давлатнинг мазкур функциясини амалга оширишда ҳокимиятнинг барча тармоқлари иштирок этишини эътироф этган ҳолда, ушбу механизмда суд органларига алоҳида эътибор берилишини қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд ҳокимиятига бағишланган XXII бобида судьялар мустақиллигини ва республикада одил судловнинг бошқа принципларини амалга оширишни кафолатловчи муҳим қоидалари мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида юкорида қайд этиб ўтилган конституциявий қоидалар негизида ишларни судда юритиш, мустақил суд тизимини ташкил этишнинг қонунчилик асослари яратилди. Хусусан, 1993 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг, 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, шунингдек 1995 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини

бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тұғрисида¹ги, 1995-1997 йилларда – Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал ва Хұжалик процессын кодексларини күрсатып үтиш мүмкін. Суд-хуқук тизимини испоҳ қилишнинг кейинги босқичида янги таҳрирдаги “Судлар тұғрисида”ги, “Адвокатура тұғрисида”ги, “Адвокатлар фаолиятининг кафолатлари тұғрисида”ги, “Прокуратура тұғрисида”ги (янги таҳрири) каби қонунлар қабул қилингандығын алоҳида эътироф этиш лозим.

Фуқароларда судга нисбатан уларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида ижобий муносабатни шакллантириш, суд юрисдикциясини кенгайтириш, қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлашда суднинг ролини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг Кенгаши томонидан республикада суд испоҳотини янада ривожлантируш Дастири тасдиқланды. Қолаверса, 1997 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Судьялар уюшмасини таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилиніши, Уюшма Уставининг тасдиқланиши ҳамда судьялар одоби қоидаларининг тасдиқланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенттің судларни ихтисосластириш, яғни умумий юрисдикция судларини фуқаролик ва жиноят ишлари билан шуғулланувчи судларга ажратыш тұғрисидеги Фармони суд тизимини испоҳ қилишда жуда катта аҳамиятта эга бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда юқорида күрсатып ўтилган қонунчилик ҳужжатларида суд ҳокимияти органларининг асосий вазифалари сифатида инсон ва фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг манфаатларини, конституциявий тузумни ва мамлакатимизда қонун устуверлигини таъминлаш эканлигини хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. Бугунги кунда бу борадаги давлатнинг фаолияти ва уннинг ижтимоий вазифаси аввалги тоталитар тузумдаги фаолиятдан бутунлай фарқ қиласы. Уннинг ҳимоя обьекти негизида ва фаолиятининг марказий йұналишларининг асосида, биринчи навбатда инсон ва фуқаролар манфаатлари ётади.

Шу ўринда, мамлакатимизда хуқуқий давлат барпо этиш вазифаси кўп жиҳатдан одил судловни амалга ошириш соҳасида туб ўзгартиришлар қилишни ва уни давлат ҳокимияттінинг чинакам мустақил ва эркин тармолигига айлантиришни тақозо этаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Бу борада Республикаимиз Президенти И. А. Каримов асосли равишда қайд этганидек, аввалимбор, ўтган йиллар мобайнида

¹ Қаранг: Шарифходжаев М., Абдумажидов Г., Шодиев Н., Рахимов Ф. Сила – в справедливости // Труд, 2001. – 28 сентябрь.

мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни шакплантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган, суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалиётга татбиқ қилинди. Булар қуидагиларда ўз ифодасини топади:

а) судларнинг жиной, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди;

б) қонунчиликка биноан суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институти жорий этилди;

в) тергов-суриштирув ва кишиларни ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланди.

Иккинчидан, суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди. Суд қарорларини ижро этиш бўйича департамент фаолият кўрсатмоқда.

Учинчидан, прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчилик нормаларига зарур ўзгартишлар киритилди. Умуман, суд органлари, давлатимиз раҳбарининг фикрича, “жазоловчи идора эмас, биринчи навбатда, фуқаролар манфаатини, жумладан, уларни давлат тазиқидан ҳам ҳимоя қиласидан орган бўлиши керак. Тасаввур қилиб кўринг, одамларнинг онгидаги чуқур илдиз отган қарашларни ўзгартириш, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, бутун адлия идоралари давлат манфаатларини эмас, фуқароларнинг ҳуқуқ, ва манфаатларини ҳимоя қилишига эришиш учун қанчалик катта, аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни амалга ошириш даркор”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бўлган қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг ҳал қилувчи вазифаси бўлиб келаётганини борасида тўхталиб ўтилди².

¹ Қаранг: Каримов И. А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. Б. 143

² Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъзуза. 2010 йил 12 ноябр. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

Шу билан бирга, мамлакат жиной қонунчилигини эркинлаштириш бўйича муҳим чоралар амалга оширилди. Бунда МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, Республикаизда Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари қабул қилинганлигини кўрсатиб ўтиш жоиз. Мазкур қонун хужжатлари собиқ Иттифоқ давридаги жиноят ва жиноят-процессуал қонунлардан тубдан фарқ қилиб, уларда инсон ҳуқуқлари, ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият, деб эътироф этилди. Мамлакатимизда демократик жараёнлар чукурлашиб боргани сари Жиноят Кодексининг моҳият ва мазмуни ҳам замон талаблари асосида такомиллашиб ва ривожланиб келмоқда. Хусусан, Республикаиз Президенти И.А.Каримовнинг 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида "Адолат – қонун устуворлигида" мавзусида қилган маъruzalariдаги назарий ва амалий йўл-йўриклардан келиб чиқиб, жиноий жазолар либераллаштириш мақсадида, Жиноят Кодексига ўзида инсонпарварлик тамойиллари ни мужассамлаштирган муҳим ўзгартиришлар киритилди. Шу асосда жиноятларнинг янги таснифи ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ оғир ва ўта оғир жиноятларнинг бир қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар доирасига киритилди ҳамда илгари ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг баъзилари эса, маъмурӣ ҳуқуқбузарлик, деб ҳисобланадиган бўлди.

Шу билан бирга, жиноий жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси чиқарилди. Бинобарин, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида қаралаётган бугунги кунда, ҳуқуқбузарликка нисбатан иккита жазо бериш ҳамда мол-мулкни мусодара қилиш жазосининг ҳуқуқбузар оиласининг умуман айбдор бўлмаган бошқа аъзоларига таъсир этиши инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид ҳисобланади. Бу борада, Президентимиз И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганлариdek, "бошқа турдаги жиноий жазоларга кўшимча сифатида қўлланадиган ушбу жазо туридан шўролар даврида кенг фойдаланилган эди. Бундан кўзланган мақсад битта: яъни, одамни бутунлай синдириш, руҳан эзиш, уйидан, рўзгоридан айириш ва яна энг номақбули оиласи, фарзандларини асосий тирикчилик манбаидан маҳрум этиш эди".

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишни содир этганлар, етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирларида, уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги тўғ-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б. 41

рисидаги янги қоида жиноят қонунига киритилди. Жазо тайинлашни либераллаштириш мақсадида киритилган ўзгаришлар, умуман олганда, Жиноят Кодексидаги жиноятларнинг 187 таркиби бўйича жарима санкцияларини қўллаш, судларга жазони жиноятнинг оғирлигига қараб мос равишда тайинлаш ва озодликдан маҳрум қилиш чорасини қўлламаслик имкониятини берди.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, одил судловни амалга ошириш шакли бўлган ярашув институти жорий этилди. Ушбу янгиликнинг моҳияти томонларнинг ярашганликлари муносабати билан айбдор шахсларни жиноий жавобгарлиқдан озод қилишда намоён бўлади. Дастреб, 26 та жиноятга нисбатан ярашилганлик институти қўлланилган бўлса, бугунги кунда 30 та жиноятга нисбатан ушбу институтнинг қўлланилиши қонунда белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги белгиланди. Таъкидлаш жоизки, бундай қоидалар МДҲга кирувчи бирорта давлатнинг жиноят қонуларида мавжуд эмас.

Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида қилган маъruzасида инсон ҳукукларини таъминлашни янада юкори босқичга кўтариш мақсадида, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш; шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳукуқини судга ўtkазиш; жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш вазифаларини белгилаб берар экан, уларни бугунги ижтимоий-иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Бу борадаги ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида, 2005 йил 10 марта “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича дастур ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-24-сонли қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzада белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўл-йўриклиари кўрсатилди. Қарордаги асосий эътибор демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимидағи ислоҳотларни жадаллаштириш ва бу тизимни янада такомиллаштириш, жиноят қонунчилигини инсонпарварлик, адолат, фуқаролик жамияти мезонларига мос равишда эркинлаштириш каби масалаларга қаратилди.

2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Президент фармонининг қабул қилиниши инсон ҳукуқларини таъминлашга қаратилган, дунё ҳамжамияти олдида мамлакатимиз шон-шуҳрати, обрўйини оширадиган ва юксакка кўтарадиган оламшумул тарихий ҳужкат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ўта оғир жиноятларга нисбатан тайинланадиган фавқулодда жазо чораси ҳисобланган ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар сонини камайтиришга ҳаракат қилинди. Бу масала тадрижий йўл билан босқичма–босқич амалга оширилди. Тоталитар тузум даврида қабул қилинган 1959 йилги Жиноят Кодексида 33 та модданинг санкциясида ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, мустақиллик йилларида қабул қилинган 1994 йилги Жиноят Кодексида 13 та, 1998 йилда Жиноят Кодексига киритилган ўзгаришлардан кейин 8 та, 2001 йилда қабул қилинган жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонунига мувофиқ 4 та, 2003 йилнинг декабридан эса 2 та жиноят таркиби учун, яъни, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ҳамда терроризм учун ўлим жазоси сақланиб қолинди. 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонга ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунга биноан, 2008 йил 1 январдан мамлакатимизда ўлим жазоси бутунлай бекор қолинди. Ушбу исплоҳотларнинг туб мазмун-моҳияти инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унда инсонпарварлик тамойиллари ўз аксини топган ва у халқаро ҳукуқ меъёрларига тўла мослиги билан ҳам аҳамиятлидир. Агар бу борада жаҳон тажрибасини таҳлил қиласидиган бўлсак, Италия давлати 225 йилда, айрим Европа давлатлари 100 йилдан кўп вақт ичida ўлим жазосини бекор қилишга эришган. МДҲ давлатлари жиноят қонунларининг қиёсий таҳлилига тұхталадиган бўлсак, мамлакатимиз Жиноят Кодексининг барча нормаларига инсонпарварлик ғоялари сингдирилганligининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, МДҲга кирувчи қатор давлатларнинг жиноят қонунларида умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан биргаликда, ўлим жазоси ҳам назарда тутилган. Масалан, Россия Федерацияси ЖК 6 та моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш, 5 та моддасида ўлим жазоси; Қозогистон ЖК 18 та моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш, 18 та моддасида ўлим жазоси; Тоҷикистон ЖК 5 та моддасида умрбод озодликдан маҳрум, 5 та моддасида ўлим жазоси; Қирғизистон ЖК 3 та модда-

сида ўлим жазоси; Туркманистан ЖК 13 та моддасида ўлим жазоси ўз ифодасини топган.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотлар демократик андозаларга ва ҳалқаро хукуқ нормаларига тўла мос ҳолда шаклланиб бормоқда. Бинобарин, демократик тараққиёт йўлини танлаган ва жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган давлатимизнинг миллий хукуқий тизимида инсон хукуqlарига, демократия ва ижтимоий адолат ғоялари ўз ифодасини топгандир.

Бу борада хукуқшунос олим М.Х.Рустамбоевнинг қуидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир: “Ўзбекистон Республикасида суд-хукуқ ислоҳотининг концептуал қоидаларини амалга ошириш жараёнининг таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда суд ҳокимияти инсон ва фуқаро эркинликлари, конституциявий тузум, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хукуqlари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ўз ваколатларини амалга оширувчи давлат ҳокимиятининг эркин, мустақил ва кучли тармоғи сифатида қарор топиши йўлида дадил қадамлар ташланди. Хукуқий давлатда суд ҳокимияти давлатчиликнинг негизи, жамиятда ижтимоий тотувлик, хукуқ-тартибот ва барқарорликни таъминловчи институт ҳисобланади”¹.

Шу билан бирга, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ривожи суд-хукуқ соҳасига оид тегишли қонунчилик ва амалиётни доимий тарзда шакллантириб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда, “ижтимоий тараққиёт одимлари, жамиятимизда рўй берадиган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган демократик жараёнлар суд-хукуқ тизимига жорий қилинаётган ислоҳотларни танқидий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштиришни ва қатъиятлик билан олиб боришни талаб этмоқда”².

Хусусан, судларни янада ихтисослаштириш учун келажакда бир қатор ишларни амалга ошириш лозим. Бу ишлар жумласига қуидагиларни киритиш мумкин: биринчидан, фуқаролик судларини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш ҳамда ишларни кўриш учун шарт-шароитлар яратишни янада такомиллаштириш; иккинчидан, туманлараро судлар ўрнига ҳар бир туманда фуқаролик судларини ташкил қилиш; учинчидан, низоларнинг турларига қараб

¹ Рустамбаев М.Х. Современное состояние и перспективные задачи судебно-правовой реформы в Республике Узбекистан: Материалы международного симпозиума «Традиционное право Узбекистана и Японии». – Т., 2002. – С.10

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмок қерак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. -Б.32

судьяларни ихтисослаштириш ва уларнинг малакаларини замон талаблари асосида доимий ва тизимли ошириб бориш; тўртинчидан, ишни кўриш жараёнида судьянинг процессуал нуқтаи назардан тўлиқ мустақил бўлишини таъминлаш ва бошқалар.

Суд-хукуқ соҳасини ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишлари бўйича амалга оширилаётган демократик испоҳотлар билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш, ушбу испоҳотларнинг туб мақсади инсон хукуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва кафолатлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Албатта, мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва такомиллаштириш борасида биз турли мамлакатларнинг тажрибасидан ҳам унумли фойдаланишимиз керак. Зоро, хукуқий давлат куриш йўлидан бораётган турли мамлакатларда суд тизимини ташкил этишнинг ўзига хос механизмлари мавжуд. Уларнинг қонунлари ва анъаналари бир-биридан фарқ қиласди, аммо, бундан қатъи назар, дунё хукуқий харитасидаги етакчи хукуқ оилаларига мансуб ривожланган давлатлар суд тизимининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва шу асосда уларнинг илғор тажрибаларини мамлакатимиз миллий хукуқ тизимига сингдириш амалга оширилаётган суд-хукуқ испоҳотларининг муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Шу жиҳатдан олганда, мазкур рисолада ҳам хорижий мамлакатларда суд тизимининг тузилиши ва унинг хукуқий тизимдаги ўрни билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган. Бунда, англо-саксон, романо-герман, диний-анъанавий ва бошقا ҳозирги кундаги мавжуд хукуқий оилаларга кирувчи айрим ривожланган давлатларнинг суд тизимини ёритишига алоҳида эътибор қаратилган.

Рисолани тайёрлашда мамлакатимиз ва хорижда эълон қилинган юридик адабиётлар ҳамда интернет материаллари атрофлича ўрганилган ҳамда таҳлил этилган. Албатта, битта рисолада таҳлил этилган давлатлар суд тизимларининг барча хусусиятларини қамраб олиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, мазкур рисолада ҳам суд ҳокимиятининг ташкилий-хукуқий механизmlарини барча жиҳатлари очиб берилмаган бўлиши мумкин. Лекин рисола баён этилган масалалар китобхонларнинг, айниқса, бўлғуси хукуқшуносларнинг хукуқий дунёқарашини бир қадар кенгайишига ҳисса кўшади, деб умид қиласми.

1. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР СУД ТИЗИМИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Суд органларининг таркиби. Суд органлари ўз таркибига қуидаги бир қатор давлат хизматчиларини қамраб олади: прокурорлар (судлар қошида), суд терговчилари, суд девонхонаси ходимлари, суд мажлиси котиблари ва бошқалар. Хорижий мамлакатларнинг кўпчилигига судьялар, прокурорлар ва суд терговчилари умумлашган ҳолда магистратлар, деб юритилади. Бошқалар эса суд органлари хизматчилари сифатида эътироф этилади. Судларнинг кўпчилик ходимлари у ёки бу мақомда суд жараёнида иштирок этишлари мумкин (масалан, айбловни қўлловчи прокурорлар, мажлис баённомасини юритувчи котиблар). Лекин суд мажлисида асосий рол судьяга тегишли бўлади. Шу жиҳатдан олганда, судьяларга юқори талаблар қўйилади. Чунки, улар кишиларнинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган муайян ваколатларга эгадирлар. Судья касбий талабларга (олий юридик маълумот ва одатда бошқа хукуқшунослик билан боғлиқ лавозимларда муайян муддат иш стажига эга бўлиш) жавоб бериши, юқори даражада аҳлоқий сифатларга эгалиги (нафақат муқаддам судланмаганлиги, балки доф тушмаган обрў-эътиборга ҳам эга бўлиши), муайян ҳаётий тажрибага эга бўлиш (одатда, кўпчилик мамлакатларнинг қонунчилигига судьялик лавозимини эталлаш учун юқори ёш цензи белгилаб қўйилган бўлади) кабилар киради.

Таъкидлаш жоизки, муайян суд муассасаларида судьяларнинг сони бир биридан жиддий тарзда фарқ қиласи. Ишларни биринчи инстанция тартибида кўриб чиқадиган туман, муниципалитетлараро судлар ва суд округлари судларида ўн ёки ундан ортиқ судьялар фаолият юритишлари мумкин. Масалан, Германиянинг 5 та адлия федерал судларининг ҳар бирида ўртача 21 нафар, АҚШ Олий судида 9 нафар, Япония Олий судида 15 нафар, Ҳиндистон Олий судида 17 нафар судья фаолият юритади.

Хорижий мамлакатларда судлар таркибини шакллантириш. Хорижий мамлакатларда судлар турли хил усуллар билан шакллантирилади. Хусусан, АҚШнинг кўргина штатларида судьялар фуқаролар томонидан сайланади.

Тоталитар режимли айrim социалистик давлатларда қуйи судларнинг судьялари фуқаролар ёки вакиллик ҳокимият органлари томонидан сайланади. Лекин, кўпчилик давлатларда судьялар корпусининг асосий қисми тайинланади ва шу билан бирга, судларнинг юқори таркиби ҳокимиятнинг турли тармоқлари иштироқида шакллантирилади. АҚШда Олий суд аъзолари президент томонидан

сенатнинг розилиги асосида тайинланади. Японияда бош судья Министрлар кабинетининг тақдимиға кўра, император томонидан тайинланса, Олий суднинг бошқа аъзолари эса кабинетнинг ўзи томонида, лавозимларига тайинланади. Италия ва Францияда судьялар танлов асосида судларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, яъни магистратура олий кенгаши томонидан тайинланади. Буюк Британияда судьялар лорд-канцлер (амалда аддия вазири) томонидан танловсиз, унинг қошидаги комиссиянинг маслаҳати асосида тайинланадилар. Судьялар одатда умрбод ўз вазифаларига тайинлансалар-да, улар ўз лавозимларини амалда муайян ёшга етгунча эгаллаб туришлари мумкин (Буюк Британияда 72 ёш, Японияда 65 ёш) ёки муайян муддатга (одатда 5-10 йил) тайинланадилар. Социалистик типдаги давлатларда судьялар муайян муддатга, одатда 5 йилга тайинланадилар. Шу билан бирга, судьялар ўз лавозимларидан қўйидаги ҳолатларда, яъни жиноят, нолойиқ ҳатти-ҳаракатларни содир қилганларида муддатидан илгари ҳам четлаштирилишлари мумкин.

Социалистик мамлакатларда халқ маслаҳатчилари фуқароларнинг хизмат жойларида ўтказиладиган мажлисларда очиқ овоз бериш йўли билан сайланадилар. Ассизлар, шеффенлар, қасамёд қилдирилган суд маслаҳатчилари (айрим мамлакатларда 70 ёшдан ошмаган фуқаролар) номзодлари муниципал кенгашлар томонидан обрўли фуқаролар орасидан тузиладиган рўйхат асосида ва кейинчалик куръа ташлаш йўли билан танланиб суд мажлиси таркибиға киритиладилар. Муайян ишлар бўйича қасамёд қилдирилган суд маслаҳатчиларини ташлаш суд жараёни иштироқчилари билан келишилган ҳолда, судьянинг қарори асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Прокурорлар ва суд терговчилари айрим мамлакатларда юқоридаги тартибда вазифаларига тайинлансалар-да (фақат умрбод эмас), бошқа мамлакатларда қатъий марказлаштирилган ва бўйсунув тартибда бош прокурорлар томонидан тайинланадилар.

Магистратларга айниқса, судьялик лавозимига номзодларга юқорида таъкидланганидек, юқори талаблар қўйилади. Хусусан, юқори ёш цензи қонун билан белгиланади (масалан, Украина Конституциясига кўра, 25 ёшдан кам бўлмаган), айрим ҳолатларда эса одатта кўра, мазкур масала ҳал этилади (масалан, Францияда 40 ёшга етмаган шахсларни судьялик лавозимига тайинламаслик қабул қилинган). Юқоридагилар билан бирга, хорижий мамлакатлар қонунчилигига судьялик лавозимини эгаллаш учун номзодлар бир қатор босқичларни ўташлари лозимлиги кўзда тутилган. Ушбу босқичлар муайян муддатни талаб этганлиги учун номзодларнинг

ўз-ўзидан ёши кичик бўлиши мумкин эмас. Хусусан, Германияда олий юридик ўкув юртини тугатган ва давлат (назарий) имтиҳони топширган номзод судда узоқ муддат давомида стажировкадан ўтган бўлиши, яъни девонхона ходими, суд терговчиси каби лавозимларда фаолият юритиши лозим бўлади. Шундан кейин номзод судья ва бошқа суд ходимлари олдида амалий имтиҳонни топшириши талаб этилади. Имтиҳондан ўтган номзодларга судья унвони берилади. Лекин шу билан бирга, уларга судья лавозими берилмасдан, фақат ушбу лавозимга номзодлар рўйхатига киритиладилар (ушбу рўйхат федерал адлия вазирлиги ҳамда ўлкаларнинг адлия вазирликлари томонидан юритилади). Ўз навбатида, судья унвони берилган номзодлар тегишли лавозимга тайинланишларигача адлия органларида бошқа лавозимларда муайян муддатга ишлаб туришлари лозим.

Хорижий мамлакатларда судъяларнинг мақоми. Юкорида судъялар мақомини белгиловчи айрим жиҳатлар тўғрисида, яъни уларни лавозимларига тайинлаш масалалари юзасидан тўхталиб ўтилди. Судъялар мақомининг мухим хусусияти бўлиб, уларнинг алмашилмаслиги тамойили ҳисобланади. Бу судъяларнинг муддатидан олдин ўз лавозимларидан бўшатилмаслигини англатади. Қонунда белгилаб қўйилган ёшга етганлик, жиноят содир қилганлик ёки номуносиб хатти-ҳаракат қилиш ёхуд ўз ихтиёрига кўра, истеъфога чиқиш ҳолатлари бундан мустаснодир.

Судъяларнинг алмашинилмаслиги тамойили шунингдек, ҳокимият тепасида сиёсий кучларнинг ўзгарган ҳолатда ҳам судъялар мақомига таъсир этмасликни назарда тутади. Социалистик давлатларда судъялар худди депутатлар каби уларни сайлаган сайловчилар ёки тегишли вакиллик органлари томонидан муддатидан олдин чақириб олинишлари мумкин.

Судъялар ўз фаолиятларида мустақил бўлиб, улар фақат қонунга бўйсунадилар. Шунингдек, улар сиёсатдан ва партиялардан холи тарзда фаолият юритадилар. Одатда, судъялар бирор-бир партияга аъзо бўлишлари, сиёсий тадбирлар ва иш ташлашларда иштирок этишлари мумкин эмас. Судъяларга бир вақтнинг ўзида бир неча мансабни эгаллашга ҳам йўл қўйилмайди. Хусусан, улар тадбиркорлик ва бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Суд муассасаларида шунингдек, қариндошлик алоқаларининг бўлиши ҳам инкор этилади. Қонун судъяларнинг ўз лавозимларида турган вақтларида уларга бериладиган моддий рағбатлантирилишларнинг ҳам камайишига йўл қўймайди.

Суд органлари тизими. Суд органларининг тизими муайян давлатнинг тузилиши, яъни федератив ёки унитар шаклига қараб

турлича бўлиши мумкин. Унитар тузилишга эга бўлган давлатларда одатда, умумий судларнинг ягона тизими мавжуд бўлади. Федератив давлатларда ҳам ягона тизим мавжуд бўлса-да (масалан, Канада), айрим бундай шаклдаги давлатларда федерал судлар тизими билан бирга, федерация субъектларининг алоҳида суд тизими ҳам фаолият юритиши мумкин (масалан: АҚШ). Агар бундай тизим мавжуд бўладиган бўлса, федерал судлар фақат федерал қонунларни кўлладиган бўлсалар, федерация субъектлари судлари эса, федерал қонунлар билан бирга, ўзлари мансуб бўлган субъектларнинг ҳам қонунчилигини татбиқ этадилар.

Деярли барча давлатларда турли хил бўғиндаги умумий судлар фаолият юритадилар (аҳолисининг сони ўн минг кишидан кўп бўлмаган Науру, Тувалу каби кичик давлатлардан ташкари). Тегишли ишлар аввало, биринчи инстанция судларида кўриб чиқилади (сулҳпарвар судлар, полиция судлари, туман судлари, суд округлари судлари ва бошқалар). Кўпгина мамлакатларда иккинчи инстанция тартибида маҳсус аппеляция ёки юқори судлар иш кўрадилар. Биринчи инстанция суди қарорлари устидан мазкур судларга шикоят билан мурожат қилиш мумкин. Аппеляция судларида биринчи инстанция тартибидаги жараён қайта тақорланади, шу билан бирга, ушбу инстанцияда янги гувоҳларни жалб этиш ва кўшимча далилларни тақдим этиш имконияти мавжуд. Кейинги инстанция бу кассация инстанциясидир. Мазкур инстанцияда ишлар юқори турувчи суд, олий суд ёки расман кассацион, деб номланадиган судларда кўриб чиқилади. Улар фақат профессионал судлар таркибида, ташкил топган бўлиб, бунда ишга алоқадор фактлар, далиллар эмас, балки тегишли ишнинг суд жараёнида қонун талабларига риоя этилган ҳолда, олиб борилган ёки борилмаганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, юқорида қайд этиб ўтилган тартиб айрим мамлакатларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Хусусан, Олий судлар Конституцияда ёки қонунда белгилаб қўйилган тартиб ва масалалар юзасидан ишларни биринчи инстанция тартибида ҳам кўриб чиқиш ваколатларига эга. Биринчи инстанция судлари жиноий ва фуқаролик ишларининг деярли кўпчилигини кўриб чиқадилар. Сулҳпарвар судлар эса, ижтимоий аҳамияти юқори бўлмаган жиноий ишлар ҳамда даъво қиймати кам бўлган айрим фуқаролик ишларини якка тартибда кўриб чиқиб ҳал этишлари мумкин.

Судларда ўз-ўзини бошқарув. Юқорида таъкидланиб ўтилгандек, суд ҳокимияти маҳсус юқори турувчи органга эга бўлади. Ушбу орган судларнинг фаолиятини назорат қилади, уларни лаво-

зимиға тайинлаш, озод этиш, бир жойдан иккінчи жойға ўтказиш, мансаб даражасини күтариш, уларға нисбатан интизомий жавобгарлықни белгилаш каби масалаларини ҳал этади. Мазкур органлар хорижий мамлакатларда турлича номланади. Хусусан, Италия, Франция ва Руминия каби давлатларда улар Магистратура олий кенгаши, Болгарияда – Олий суд кенгаши, Албанияда – Одил судлов олий кенгаши, Украина – Олий адлия кенгаши, деб юритилади. Одатда бундай орган таркибига Олий суд раиси, Адлия вазири, Бөш прокурор киради. Шу билан биргә, унинг таркибини муайян қисми давлат бошлиғи томонидан тайинланса, бошқа қисми судьяларнинг умумдавлат миқёсидаги съездидә сайлаб қўйилади (бундай амалиёт асосан постсоциалистик мамлакатларда кўпланилади).

Одил судлов ва суд ҳокимиятини амалга оширишнинг конституциявий тамойиллари. Суд ҳокимияти маҳсус суд жараёни асосида якка судья ёки суд коллегияси томонидан амалга оширилади. Айрим мамлакатларда судья суд жараёни доирасидан ташқарида бўлган бошқа тусдаги ваколатларга ҳам эга бўлади. Масалан, Швецияда судья мажбурий тартибда мулкни инвентаризациядан ўтказиш, Украина – суд қарори эълон қилингунга қадар, муайян мулкни бегоналаштиришни ман этиш, АҚШда суд (маъмурӣ) буйруқларни чиқариш ҳуқуқлари кўзда тутилган. Бундай буйруқлар билан шунингдек, газеталарни тарқатишини тўхтатиб қўйиш (лицензиядан маҳрум қилмаган ҳолда), иш ташлашни тўхтатиб қўйиш (уни ўтказишни умуман ман этмаган ҳолда), жамоат жойларида оммавий йиғинларни ўтказишни суд қароригача муайян муддатта қолдириш мумкин.

Таъқидлаш жоизки, деярли барча мамлакатларда судларнинг фаолияти Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган тамойиллар асосида амалга оширилади. Бунда айрим тамойиллар умумий характер касб этса, бошқалари кўпроқ жиноий жараёнга нисбатан татбиқ этилади. Чунки, ушбу жараёнда инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Умумий конституциявий тамойиллар қаторига қуйидаги-ларни киритиш мумкин:

1) Одил судловни фақат судлар томонидан амалга оширилиши, бунда бошқа мансабдор шахслар ва давлат органлари одил судлов функциясини ўзларига ўзлаштириб олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

2) Судьяларнинг мустақиллiği ва фақат қонунга бўйсунишлари. Ҳеч қайси давлат органи, мансабдор ёки бошқа шахс судга у ёки бу ишни қандай ҳал этиш юзасидан кўрсатма бериш ҳуқуқига

эга эмас. Судьялар барча ишларни қонун асосида ва ўзларининг шахсий эътиқодларидан келиб чиқиб ҳал этишлари лозим. Агар юқори турувчи суд қуий инстанциянинг қарорини бекор қиладиган бўлса, бунда у мазкур судга ишни қандай ҳал қилиш лозимлиги юзасидан кўрсатма бермасдан, балки уни бошқа таркибдаги суд коллегиясига юборади. У эса ўз навбатида, мазкур ишни ўзининг эътиқодидан келиб чиқиб ҳал қиласди.

3) Судга эркин мурожаат қилиш. Тегишли қонун йўқлиги ёки унинг ноаниклиги сабабли, муайян ишларни кўриб чиқишга қабул қилишдан бош тортисх мумкин эмас. Бунда суд тегишли даъвони қабул қилиши ва кўриб чиқиши шарт (у фақат таъллуқлилик ва судловлилик нуқтаи назаридан ишни қайтариши мумкин).

4) Одил судловни жамоавийлик (коллективллик) асосида амалга оширилиши. Сулҳарвар, полиция ёки бошқа судьялар фақат майда ҳуқуқбузарликларнигина якка тартибда кўриб чиқишлари мумкин.

5) Суд жараёнини томонлар тушунадиган тилда ёки давлат ҳисобидан таржимон билан таъминлаш асосида юритиш.

6) Ошкоралик, яъни судларнинг очиқ, оммавий тарзда фаолият юритиши. Ёпиқ суд мажлисларини фақат давлат сири, томонларнинг жинсий ҳаётига оид масалалар кўрилаётган бўлсагина ўтказилишига йўл қўйилади.

7) Суд қарорларини аппеляция, кассация, назорат тартибida шикоят бериш ва қайта кўриб чиқиш имкониятининг мавжудлиги. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, англо-саксон ҳуқуқий оиласига мансуб мамлакатларда фақат аппеляция, романо-герман ҳукуқ оиласига мансуб давлатларда аппеляция ва кассация, Австрия ва Германияда – аппеляция ва ревизия инстанцияларида ишлар қайта кўриб чиқилади.

8) Суд хатолари учун давлатнинг маъсуллиги. Давлат жисмоний ёки юридик шахсга одил судловни нотўри амалга оширилиши ва суд қарорларининг хато чиқарилганлиги оқибатида етказилган зарарни қоплайди. Албатта бунда, давлат регресс даъво ҳуқуқига эга бўллади. Яъни давлат жабрланувчига тўлаган суммани айбдор судьядан (агар унинг айби исботланадиган бўлса) қайта ундириб олади.

Юқоридаги тамойиллар билан бирга, хорижий мамлакатларнинг конституцияларида жиноий жараён соҳасига оид бўлган маҳсус тамойиллар ҳам кўзда тутилган. Бундай тамойиллар қаторига куйидагиларни киритиш мумкин: айбланувчининг ишни қасамёд қилдирилган маслаҳатчилар иштироқида кўриб чиқиши талаб қилиш ҳукуқи; адвокат ёрдамидан гумон қилинувчини ушланган ёки

хибсга олинган вақтдан бошлаб фойдаланиш хукуки; айбсизлик презумцияси; ҳеч кимнинг битта жиноят учун тақроран жазолан-маслиги; одил судловни амалга оширишда ноқонуний йўллар билан эгалланган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги; жавоб-гарликни ўрнатувчи ёки оғирлаштиришни кўзда тутадиган қонуннинг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган тамойилларнинг айримлари жиноят жараёнига ҳамда фуқаролик ишларига таъллуклидир.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи органлар ва мансабдор шахслар. Хорижий мамлакатларда тегишли норматив ҳужжатларида суд ҳокимиётини амалга оширишга кўмаклашувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг фаолият йўналишлари муайян даражада белгилаб қўйилган. Гап бу ерда прокурорлар, терговчилар, адвокатлар, нотариуслар, суд полицияси, суд ижроочи-лари ҳақида кетмоқда. Мазкур субъектларнинг ваколатлар доираси маҳсус қонунлар билан тартибга солинади.

Прокуратура жиноят содир қилган шахсларни жиноий таъқиби билан шуғулланади. У давлатнинг вакили сифатида фаолият юритиб, судларда давлат айбловини қўллади, жазони ўташ муассасалари, қонунийликнинг ҳолати устидан назоратни амалга оширади. Айрим хорижий мамлакатларда прокуратура Адлия вазирлиги қошида фаолият юритади (масалан, АҚШда Бош прокурор вази-фаси Адлия вазири зиммасига юклатилган). Испания, Италия, Украина каби давлатларда прокуратура алоҳида тизим сифатида парламентга ёки президентга ҳисобдор орган сифатида ташкил этилган. Францияда прокурорлар судлар қошида фаолият юритиб, яхлит иерархик тизимни ташкил этмаган. Буюк Британияда прокуратура умуман мавжуд эмас. Ушбу мамлакатда прокурорларнинг функцияларини адвокатлар корпуси амалга оширади.

Терговчилар айрим мамлакатларда прокуратурага бўйсуниб, у билан бирга яхлит тизимни ташкил этса, бошқа давлатларда судлар қошида ёки тергов қўмитаси типидаги алоҳида тизим сифатида фаолият юритадилар.

Хорижий мамлакатларда адвокатура – мустақил ва ўзини-ўзи бошқаришга асосланган ташкилот сифатида ташкил этилган. Адвокатура коллегиялари округ ва олий судлар қошида фаолият юритади. Айрим социалистик ва постсоциалистик давлатларда адвокатура ягона ташкилот сифатида ташкил этилган, шу билан бирга, англо-саксон хукукий оиласига мансуб мамлакатларда ҳам олий малакага эга бўлган адвокатларнинг умумдавлат миқёсидаги ташкилоти мавжуд (масалан, Буюк Британия). Гарб давлатларининг

айримларида адвокатура хусусий ҳукуқнинг ташкилоти эмас, балки оммавий корпорация сифатида, Адлия вазирлиги назорати остида фаолият юритади.

Суд полициялари судлар қошида ташкил этилган бўлиб, улар асосан, мажлис залида тартибни сақлайдилар, айланувчи ва судланувчиларни кўриклайдилар, судъянинг бошқа кўрсатмаларини бажарадилар.

Суд ижрочилари суд қарорларини ижросини таъминлайдилар, хусусан, фуқаролик-хукуқий муносабатларида мулкни рўйхатга олишни амалга оширадилар. Нотариуслар амалга оширалаётган битимларни, юридик фактларни, ҳодисаларни гувоҳлантирадилар ва тасдиқлайдилар ҳамда айрим судгача бўлган функцияларни бажарадилар.

Суд жараёнининг турлари. Хорижий мамлакатларда суд ва квазисуд (одил судловнинг айрим вазифаларини амалга оширувчи)ларнинг бир қанча турлари мавжуд.

1) Судгача ишларни кўриб чиқувчи органлар, масалан, Франция ва Италияда медиатор ва консилиатор (воситачилар ва яраштирувчилар). Улар одатда ўз лавозимларига маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари – муниципалитетлар томонидан ҳуқук асосларидан хабардор бўлган истеъфодаги давлат ҳизматчилари орасидан тайинланадилар. Ўз навбатида, мазкур шахслар кўшнилар ўртасида келиб чиқадиган майда низолар, ижара ҳақини ундириш каби ишларни кўриб чиқадилар. Ҳиндистонда ҳалқ судлари ташкил этилган бўлиб, улар юқоридаги каби ишлар билан бирга, транспорт билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар юзасидан ҳам ишларни кўриб ҳал этадилар. Собиқ Иттифоқ даврида ва ҳозирги социалистик давлатларда ўртоқлик судлари ташкил этилган бўлиб, улар айрим майда низолар ва ҳукуқбузарликларни кўриб чиқсанлар. Агар томонлардан бирортаси ушбу судларнинг қарорларидан норози бўладиган бўлса, ушбу қарорлар биринчи инстанция суди томонидан тасдиқлангандан кейингина юридик кучга эга бўлган.

Юқоридаги қайд этиб ўтилган судларга ўхшаш бўлган органлар АҚШда ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг функцияларини тегишли муассасалар қошида ташкил этилган маъмурий судлар, Буюк Британияда маъмурий трибуналлар амалга оширадилар. Шу билан бирга, ушбу судлар нафақат маъмурий ишларни, балки бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқадилар (масалан, Буюк Британияда ушбу судлар уй-жой тўловлари, соғлиқни сақлаш, меҳнат, солиқ соҳасидаги низоларни ҳам кўриб чиқадилар). Трибунал аъзолари бўлиб, давлат ҳизматчилари эмас, балки жамоат арбоблари, юристлар ҳисобланадилар. Маъмурий судлар ва трибуналларнинг қарор-

лари устидан судга (давлат) шикоят қилиш мумкин. АҚШда эса, ушбу қарорлар тегишли муассасанинг бошлиги томонидан бекор қилиниши кўзда тутилган.

2) Жиноий ишлар, фуқаролик ва меҳнат низоларини кўриб чикувчи умумий юрисдикция судлари. Маъмурий судлар мавжуд бўлмаган айрим постсоциалистик давлатларда ушбу судлар маъмурий адлияга тегишли бўлган муайян функцияларни амалга оширадилар. Хорижий мамлакатларда умумий судларни ташкил этишнинг қуйидаги тўртта моделини кўрсатиб ўтиш мумкин: англо-саксон, романо-герман, социалистик ва испом хуқуқий оиласлари доирасида.

Англо-саксон моделида Олий суд бошчилигидаги ягона суд тизими мавжуд (шу билан бирга, АҚШда судларнинг федерал тизими билан бирга, яна штатларнинг суд тизими ҳам фаолият юритади. Бунда уларнинг ҳар бирига федерация Олий суди ёки штат Олий суди бошчилик қиласди). Англо-саксон моделида ишларни кўриб чиқищда асосан суд прецедентидан фойдаланилади. Ушбу ҳолат ўз навбатида, қонунчиликнинг ролини анча сусайтиради. Ушбу моделда судьянинг суд жараёнидаги роли пассив бўлиб, у асосан мажлисни олиб боради ва жиноят ишларида судланувчининг айборлиги тўғрисидаги масалани ҳал этмайди. Чунки, ушбу тизимда судья ва қасамёд қилдирилган маслаҳатчиларнинг ваколатлари ажратилган.

Романо-герман моделида одатда ягона суд тизими мавжуд бўлмасдан, балки у ярим тизимлилик характерга эга. Ихтисослашган суд тизимларида ўзларининг олий органлари мавжуд бўлади. Шу жиҳатдан олганда, уларнинг ҳаммаси бирлашиб, умумий судларни намоён қиласдилар. Масалан, Германияда бешта Олий федерал судлар ташкил этилган. Судларни ташкил этишнинг ушбу тизимида асосий хукуқ манбаси бўлиб қонунчилик ҳисобланади, суд прецедентлари эса, жуда кам кўпланилади. Олдинги ўринларда таъкидлаб ўтилганидек, ушбу моделда аппеляция билан бирга, шикоят тартибининг кассация ва ревизия шаклларидан фойдаланилади. Судья суд жараёнида фаол иштирок этиб, нафақат ишга оид муайян далилларни баҳолайди, балки уларни ўзи ҳам тўплайди. “Халқ судьялари”, “Тегишли малакага эга бўлмаган судьялар” (ассизлар, шеффенлар) судьялар билан биргаликда, жазоларни белгилашда иштирок этадилар.

Суд тузилишининг социалистик моделига қуйидаги хусусиятлар хос: барча даражадаги судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг сайлаб қўйилиши; маъмурий-худудий бирликларнинг чегаралари билан суд округлари чегараларининг бир-бирига мос келиши (маҳ-

сус суд округлари ташкил этилмайди). Махаллий кенгашлар томонидан сайланган суд ушбу орган фаолият юритадиган худуд доираси учун ваколатли ҳисобланади.

Судларни ташкил этишнинг ислом модели шахсий характерга эга бўлиб, бунда фақат ушбу динга эътиқод қилувчилар ёки бундай судда ишларни кўришга розилик билдирган шахсларга оид масалалар кўриб чиқилади. Ислом суд тизимида халқ маслаҳатчилари, ассизлар, қасамёд қилдирилганлар суди мавжуд эмас. Суд жараёни шариат нормалари асосида амалга оширилади. Бунда фуқаролик ва жиноий жавогарликлар ўзига хос шаклларда намоён бўлади. Айрим мусулмон давлатларида суд қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби мавжуд эмас. Қарорлардан норози бўлган томонлар олий диний мансабдор шахсга мурожаат қилишлари мумкин. Одатда бундай шахс бўлиб, монарх ёки айрим мамлакатларда, хусусан Нигерияда юқори турувчи мусулмон судлари ҳисобланади.

3) Maxsus судлар. Бундай судлар тизимиға ҳарбий, вояга етмаганлар ишлари, меҳнат, ер ва сув низолари, даъво, тижорат ишлари бўйича судлар киради. Бундай судларда судьялар юридик маълумот билан бирга, бошқа маълумотларга ҳам эга бўладилар (масалан, вояга етмаганлар ишлари бўйича судларда педагогик маълумот). Меҳнат низолари бўйича судларда айрим касаба уюшмалари вакиллари ҳам судья сифатида фаолият юритишлари мумкин. Бундай суд жараёнида ишлар қисқа муддатларда маслаҳатчилар иштирокисиз профессионал судьялар коллегияси томонидан кўриб чиқилади. Ушбу судлар умумий судларнинг бўлинмалари сифатида фаолият юритиб, ўзларининг юқори турувчи суд тизимларига эга бўлмайдилар (Германияда maxsus судларнинг иерархик тизими мавжуд).

4) Бошқарув соҳасида фуқароларнинг ҳукуқларини бузилиши билан боғлиқ масалалар бўйича фуқаролар билан мансабдор шахслар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган низоларни кўриб чикувчи маъмурий судлар. Бундай судлар вазирликлар ва бошқа бошқарув органлари қошида ташкил этилади ҳамда одатда яхлит тизимдан иборат бўлади. Хусусан, Франция, Швеция каби мамлакатларда Олий маъмурий судлар ташкил этилган (Францияда – Давлат Кенгashi). Маъмурий судлар тизими айрим постсоциалистик давлатларда ҳам мавжуд.

5) Одат ҳукуки судлари – булар қабила судлари бўлиб, уларда дохийлар ва оқсоқоллар иштирок этадилар. Мазкур судлар қўшнилар ўртасидаги, ер, ўрмон, яйловдан фойдаланиш борасидаги низоларни, оила ҳукуқига киравчи айрим масалаларни қабила одатлари асосида кўриб чиқадилар. Ушбу судлар жиноят ишларини

кўриб чиқишига ваколатли бўлмайдилар. Уларнинг қарорлари қонунга зид келадиган бўлса, тан олинмайди. Қабила судларининг қарорлари устидан умумий юрисдикция судларига шикоят келтириш мумкин.

Суд тизимида Конституциявий судлар, шунингдек олий мансабдор шахсларнинг конституциявий жавобгарлиги масалаларини кўриб чиқувчи судлар алоҳида ўрин тутади (масалан, Францияда Юқори одил судлов суди, Польшада Давлат трибунали). Айрим мамлакатларда черков судлари ҳам фаолият юритади. Улар руҳонийлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқадилар, айрим ҳолларда эса, қавм аъзоларига нисбатан ҳам жазолар белгилашлари мумкин. Деярли барча хорижий мамлакатларда конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган тартибда ташкил этиладиган, суд тартиби қоидаларидан ташқарида фаолият юритадиган фавқулодда судларнинг ташкил этилиши ман этилган. Шу билан бирга, айрим ҳарбий режим ҳолатидаги мамлакатларда бундай судлар одатда ташкил этилади.

2. АНГЛИЯ СУД ТИЗИМИ

Англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатларда судлар тизимини күрадиган бўлсак, улар қўйидагилардан иборат: Канада Олий суди ва Канада федерал суди; АҚШда Олий суд, шунингдек, алоҳида штатлар даражасида штатларнинг Олий судлари; Англияда Тож суди, Юқори суд, Апелляцион судлар ва Лордлар палатасининг Апелляцион қўмитаси ҳамда Махфий кенгашнинг суд қўмитаси.

Лордлар палатаси бугунги кунда Апелляция суди йўл қўйган хатоларни тузатиш бўйича муҳим функцияларни бажариб келмоқда. Фақат, 1995 йилнинг ўзида Лордлар палатаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича қарорларнинг 39%га яқини ва жиноий ишлар бўйича 25%ни (Лордлар палатаси томонидан кўрилган Апелляция суди қарорлари устидан берилган шикоятларнинг умумий сонидан ҳисобланганда) бекор қилинганлигини айтиш етарли. Айрим йилларда бу кўрсаткичлар яна ҳам юқори бўлган.

Махфий кенгаш Суд қўмитаси. Мазкур қўмита 1833 йилги "Суд қўмитаси тўғрисида"ти Қонун асосида ташкил топган. Аслида Махфий кенгаш мустамлака давридан мерос бўлиб қолган қадимий муассаса ҳисобланади. Британ империяси ҳукм сурган вақтларда Махфий кенгаш Лондонда жойлашган бўлиб, у британ мустамлакалари ва доминионларидаги судларга нисбатан олий апелляция суди функциясини бажарган.

Бугунги кунда Махфий кенгаш Суд қўмитаси апелляция эски тартибининг сақланишини мақбул топган собиқ британ ҳудудлари-даги суд ҳокимияти қарорлари устидан берилган апелляцияларни кўриб чиқади. Буларга Сингапур, Янги Зеландия, Ямайка, Барбадос, Тринидад - Тобаго, Шри-Ланка ва бошқалар киради (жами бўлиб 25 та ҳудуд назарда тутилади). Британия бошлилик қиладиган ҳамдўстлик таркибига кирувчи бошқа мамлакатларда бундай тартиб уларнинг суверенитети билан сиғиша олмаслигини таъкидлайдилар. Масалан, Канада ва Хиндистон 1949 йилда, Австралия – 1986 йилда ушбу тартиба риоя қилишдан воз кечди.

Махфий кенгаш суд қўмитаси ваколатлари судлар ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлари устидан берилган шикоятларни кўриш билан боғлиқ. Унга англикан черкови суди қабул қилган ҳужжатлар устидан берилган шикоятларни кўриш ҳам тааллуқли ҳисобланади. Махфий кенгаш Суд қўмитаси таркибида судьялар фаолият кўрсатадилар. Вақти-вақти билан унинг фаолиятида Махфий кенгаш юрисдикциясини тан олган Ҳамдўстликка кирувчи мамлакатларда мавжуд суд корпусининг энг машҳур вакиллари иштирок этадилар.

Олий суд. Англия суди ва Юқори судга 1873 йилдан бошлаб, Англия ва Уэльс Олий судини ташкил қилган тузилмалар сифатида қараб келинмоқда. 1971 йилги “Судлар тұғрисида”ги Қонун билан Олий Суднинг яна бир бўлинмаси – Тож суди жорий этилиб, у ассизлар суди ва кичик сессиялар судлари ўрнига ташкил этилган. Ассизлар ва кичик сессиялар судларидан фарқ қилиб, Тож суди – бу ягона суд ҳисобланади. Унинг бўлинмалари жойларда мавжуд бўлиб, улар маҳаллий судлар тоифасига кирмайди. Катта Лондон Тож судининг суд маҳкамаси Марказий жиноят суди ёки Олд Бейли сифатида танилган.

Англия Олий суди умумий ҳуқуқ ва адолат ҳуқуқи судлари билан боғлиқ дуализмни бартараф этишга йўналтирилган испоҳотлар натижасида вужудга келган. Ушбу судларни ташкил этишдан мақсад низоларни ҳал қилувчи ўта чалкаш ва бир-бири билан қўшилиб кетган компетенцияларга эга бўлган кўп сонли органларнинг фаолият кўрсатишига чек кўйиш ҳисобланган. Ушбу ҳолат 1925 йилги “Олий суд тұғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган. Ҳозирда Олий суд фаолияти 1981 йилдаги “Олий суд тұғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Олий суд фаолиятини тартибга солувчи қонунлар консолидация қилинмаган бўлиб, эндиликда улар суд тузилиши масалаларинингина эмас, балки, одил судловни амалга оширишнинг процессуал жиҳатларини ҳам тартибга солади.

Тож суди ўз мавқеига кўра, Англия судлари тизимида Юқори судга tengлашади. Шу боис, 1971 йилдан бошлаб, Олий суд амалда қуйидаги уч суд орқали яъни, Апелляция суди, Юқори суд ва Тож судидан иборат таркибда мавжуд бўлиб келмоқда. Қуйида уларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз:

а) Апелляция суди – Англия суд тизимининг Лордлар палатасига нисбатан иккинчи ва қуий турувчи апелляция бўғин судидир. Апелляция суди ҳамма қуий турган судлар қарорлари устидан шикоят берилиши мумкин бўлган асосий суд муассасасидир. Апелляция суди 28 судьядан иборат. Улар Лордлар палатасидаги ўз ҳамкасларига нисбатан кучли таъсирга эгалар.

1966 йилда Англия суди ташкилий жиҳатдан иккита мустақил бўлинмаларга: фуқаролик ишлари бўйича ва жиноий ишлари бўйича бўлинмаларга ажратилган. Фуқаролик ишлари бўйича апелляция судини Баш лорд-судья бошқаради. Жиноий ишлар бўйича Апелляция суди раиси деган лавозим номининг келиб чиқиши узоқ ўтмиш билан боғлиқ, у яна суд архиви сақловчиси, деб ҳам номланади.

Анъанага кўра, Апелляция судлари бўлинмаларининг раҳбарлари Лордлар палатасининг аъзолари ҳисобланмайдилар. Ҳар йили

Фуқаролик ишлари бўйича Апелляция судида Юқори суд, графликлар судлари ва ихтисослашган судлардан келган 1700 тага яқин ишлар кўрилади. Жиноий ишлар бўйича Апелляция судида ҳар йили 7 мингта иш кўрилади. Қиёслаш учун маълумот: Лордлар палатаси йилига 100 тадан ортиқ бўлмаган ишларни кўради.

Фуқаролик ишлари бўйича бўлинмага графликлар судлари, Юқори суд, Монополияга қарши суд, шунингдек Мехнат низолари бўйича трибунал ва бошқа кўп трибуналларнинг қарорлари устидан берилган шикоятлар келиб тушади.

Жиноий ишлар бўйича бўлинмада, Тож суди юрисдикциясидаги судларнинг ҳукмлари ва бошқа қарорлари устидан берилган шикоятлар кўриб чиқилади. Апелляция суди қуи суднинг қарорларини кўллаб-кувватлаши ёки бекор қилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда жиноий ишлар бўйича бўлинмада жараён ички ишлар вазири ёки суд ишларида Тож номидан иш кўрувчи ҳукумат аъзоси бўлган Бош атторней ташабbusи билан бошланиши мумкин. Жиноий ишлар бўйича бўлинмада кенгашувчи судьялар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва тартиблар фуқаролик ишлари бўйича бўлинмадаги қарорлар ва тартиблардан жуда оз фарқланади. Бирок таъкидлаш ўринлики, Фуқаролик ишлари бўйича бўлинмадан фарқ қилиб, Жиноий ишлар бўйича бўлинмада ягона қарор қабул қилинади ва судьяларнинг алоҳида фикри ўқиб эшиттирилмайди.

Апелляция суди учта, баъзида иккита судьядан, шунингдек бешта ва ундан кўп сондаги судьялардан иборат таркибда иш кўради. Улар орасида лордлар увононига эга бўлган судьялар ҳам бор. Апелляция судида ишларни кўриш тартиби ишнинг моҳиятига кўра, далилларни ўрганиш ёки суд мажлисига гувоҳлар, экспертиларни чакириш ва уларни тинглаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда олиб борилади.

Жиноий ишлар бўйича бўлинмада Тож судининг чиқарган ҳукмлари устидан ҳукуқ масалалари юзасидан ва тайинланган жазо қисми билан боғлиқ апелляциялар кўрилади. Яқин вақтларгача Апелляция суди биринчи инстанция суди тайинлаган жазони фақат камайтириши мумкин эди. 1988 йилдаги Жиноий ишлар бўйича одил судлов тўғрисидаги қонун билан Англия судига баъзи вазиятларда биринчи инстанция суди ҳукмини тайинланган жазони кўпайтириш масаласи нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳукуки берилди.

Апелляция суди шунингдек, даъвогарга ундирилиши лозим бўлган зарарни қоплаш ёки компенсация суммасини ўзгартириши мумкин. Агар иш материалларини ўрганиш жараёнида биринчи

инстанция суди мұхокамасининг предмети бўлмаган янги далилларнинг мавжудлиги аниқланса, унда Апелляция суди ишни янгитдан кўриш учун юбориши мумкин.

Апелляция суди қарори судьяларни тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан таништириш асосида қабул қилинади. Бундан ташқари, судьялар адвокатларнинг, агар лозим топилса, бошқа шахсларнинг ҳам тушунтиришларини тинглашлари мумкин. Англия судининг қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

б) Юқори суд – бу ташкилий жиҳатдан учта турли суд – Қироллик курсиси суди, Юқори суд канцлер бўлими ва Оилавий ишлар бўйича Юқори суд бўлинмасининг бир муассасага оддий бирлашувидан ташкил топган суд органидир. Юқори суднинг ҳар бир бўлинмаси ўз функциялари ва компетенциясига эга, бироқ баъзида улар бир хил бўлиши ҳам мумкин. Юқори суд асосан мерос ҳақидаги низолар, никоҳни бекор қилиш ва денгиз ишлари билан шуғулланади.

Юқори суд предмет компетенциясининг бундай турли-туманлиги сабаблари тарихи XII асрдаги инглиз судларининг иккىёкламалиги билан тушунтирилади. Бироқ, Юқори суд юрисдикцияси судьялар ўртасида эмас, балки фақат унинг бўлинмалари ўртасида тақсимланган, Юқори суд судьялари улар амалда ишлайдиган бўлинмаларига қараб ажратилмайдилар. Улар ўз бўлинмаларига қараб эмас, балки Юқори судга тааллуқли бўлишлари билан ажралиб турадилар.

Юқори суд 1873-1875-йиллардаги “Суд ислоҳоти тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ ташкил этилган. Анъянага кўра, Юқори суд судьялари жойларда сайёр суд мажлисларини ўtkазиш амалиётини жорий қилганлар. Булар “сайёр” судлар шаклида иш юритган. Генрих II ўтказган суд ислоҳоти натижасида сайёр судларга “ассизлар суди”, деган янги ном берилди. Айнан ассизлар суди асрлар давомида Англия умумий ҳуқуқини шакллантирган ва ривожлантирган. 1971 йилги “Судлар тўғрисида”ги Қонун ассизларни тутатган, бироқ унда Юқори суд мажлислари шунингдек, бутун Англия ва Уэльс ҳудуди бўйича жойлашган унинг 45 та бўлимларида бўлиб ўтиши мумкинлиги белгиланган. Юқори суднинг суд мажлислари ўтказиладиган шаҳарлар лорд-канцлер қарорлари билан белгиланади.

Юқори суд ҳам биринчи, ҳам апелляция инстанция суди тартибида иш кўради. Иш Юқори суд мажлисида биринчи марта ва моҳият бўйича кўриб чиқилаётганда, судья жараённи якка тартибда олиб боради. Жиноий ишдаги фуқаровий даъво қисмига оид чиқа-

рилган Тож суди ёки магистрат суди қарори устидан берилган апелляция шикояти муҳокамаси тўғрисида гап кетгандан шуни айтиш керакки, бунда ишни Юқори суднинг икки ва ундан ортиқ судьялари кўрадилар.

Қироллик курсиси суди – Юқори суднинг энг йирик бўлинмаси ҳисобланади. Унинг таркибига 63 нафар судья киради. Ушбу суднинг марказий биноси Лондоннинг Стрэндида жойлашган, унинг жойлардаги маҳкамалари 27 провинция шаҳарларида мавжуд. Қироллик курсиси суди бўлими тузилмасига шунингдек, Денгиз ишлари бўйича суд, Тижорат суди киради.

Қироллик курсиси суди Юқори суднинг бошқа бўлинмаларига нисбатан кенгроқ юрисдикцияга эга. У ҳам фуқаролик ишлари, ҳам жиноий ишлар бўйича биринчи инстанция, ҳам апелляция инстанция суди сифатида фаолият кўрсатади. Бу ерда биринчи инстанция бўйича қоидага кўра, энг мураккаб ва чалкаш фуқаровий ишлар кўрилади.

Қироллик курсиси судига келиб тушган ишларнинг аксарият қисми контрактлар бўйича низоларни ҳал қилиш, шунингдек катта микдордаги пул маблағлари билан боғлиқ вазиятлар билан алоқадордир. Масалан, бу ишлаб чиқариш ва транспортдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида етказилган заарлардан келиб чиқувчи даъволар ёки машҳур шахслар ва таниқли кишилар иштироқидаги фуқаровий низолар бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Қироллик курсиси судига яна бир муҳим функция – суд назорати функцияси берилган. Ушбу ваколатлар асосида, Қироллик курсиси суди бошқа судлар қарорлари ҳамда бошқарув органлари ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан назоратни амалга оширади. Шу тариқа фуқароларнинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ва суд ҳимоясига бўлган шахсий ҳукуқларининг энг муҳим конституциявий кафолатларидан бирини амалга оширишнинг самарали механизми таъминланади. Суд назоратини амалга оширишнинг процессуал воситаюари бўлиб, инглиз ҳукуқининг хабеас корпус бўйруғи ва прерогатив бўйруқлар ҳисобланади.

Хабеас корпус бўйруғи – бу Юқори суднинг қонунга зид қамоқقا олинган, тиббий муассасага жойлаштирилган ёки бошқа шаклда озодлиқдан маҳрум қилинган шахсни зудлик билан озод қилиш тўғрисидаги бўйруғидир. Конституциявий ҳукуқларнинг бузилишини эътиборга олган ҳолда, унинг процессуал ечими шаклида Хабеас корпус бўйруғи инглиз парламенти томонидан 1679 йилда жорий этилган. Ўша даврда қамоқдан озод қилиш тўғрисидаги суд бўйруғи “habeas corpus”, деган лотинча ифода билан бошланган.

Айнан таржима қилингандай бу “сен танани топиб келишинг керак”, деган маънони беради. Бу шаклда Англия суди тегишили органга қўлга олинган шахснинг белгиланган вақтда ушланганлигининг қонунийлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилиш учун уни судга олиб келиш вазифасини юклаган.

Прерогатив бўйруқ – бу ўз ваколатларини амалга оширишда адолатсизликка йўл қўйган кўйи турувчи суд, трибунал ёки бошқа орган (масалан, маҳаллий ҳокимият органлари)га нисбатан мажбурий фармойишдир. Ҳаммаси бўлиб/ уч турдаги прерогатив бўйруқ (ордер)лар назарда тутилади.

Мандамус суд бўйруғи – бу суд ёки бошқа органга қаратилган талаб бўлиб, унга кўра/ ушбу орган умумий ҳуқуқ қоидалари билан белгиланувчи мажбуриятларни бажариши лозим. Бўйруқ судьяларга ҳам бошқа шахсларга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин.

Суд тақиқи – бу муайян ҳаракатларни содир қилишни тақиқловчи Юқори суднинг кўйи суд ёки суд трибунали учун мажбурий бўлган фармойишидир. Суд тақиқи муайян суд ёки суд трибунали ўз юрисдикцияси чегарасидан чиқиши мумкинлигини тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлган вазиятга нисбатан қўлланилади. Ҳозирги вақтда суд тақиқи факат суд қарорига эмас, балки хусусий шахслар ва ташкилотларга нисбатан ҳам берилиши мумкин.

Сертиорари ордери – бу Юқори суднинг ишни кўйи суд, суд трибунали, тегишили ҳокимият органи ёки мансабдор шахсдан ишни талаб қилиб олиш тўғрисидаги бўйруғидир. Бўйруқнинг номи лотинча “certiorari volumus” – “бизга маълум қилишингизни истаймиз” иборасининг қисқа шаклидан иборат.

Юқори суд Қироллик курсиси суднинг юрисдикцияси иккинчи инстанция бўйича ҳам ишларни кўриш, яъни апелляция суди сифатида чиқиш ҳуқуқи билан тўлдирилган. Кўйи турувчи судлар қарорларидан ташқари, бу ерда маҳсус суд тартибида, агар даъвогар фикрича, ижро ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари уларнинг ваколатлари доирасидан четга чиқиб амалга оширилган ёки мамлакат қонунчилиги билан кўриқланадиган унинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ бўлса, булар устидан берилган шикоятлар ҳам кўрилиши мумкин.

Сертиорарининг бажарилмаслиги судга ҳурматсизлик учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

Юқори суднинг Канцлер бўлими – бу компетенциясига адолат ҳуқуқи нормалари асосида ишларни ҳал қилиш ваколати киритилган суддир. Юқори суд Канцлер бўлими доирасида бир неча маҳсус судлар фаолият юритади, улар қаторига Корпорациялар

ишлари бўйича суд ҳам киради. Ушбу суд корпорацияларнинг тузилиши ҳамда корпорациялар ва компаниялар фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар тўғрисидаги ишларни кўради. Канцлер бўлими таркибида яна маҳсус суд ҳисобланувчи Патент суди ҳам мавжуд.

Юқори суднинг Канцлер бўлимида ҳаммаси бўлиб 17 нафар судья бор. Улар солиқлар, ипотека, банкротлик, васиятлар ва вафот этган мулк эгаларининг хоҳишига мувофиқ ер мулкларини бошқариш, акционерлик хуқуқи, трастлар (ишончли мулк хуқуқи) ва гаров мажбуриятлари бўйича низолар, шунингдек молия (масалан, солиққа тортиш бўйича) ва мулкчилик соҳасида вужудга келувчи баъзи бошқа низолар билан боғлиқ ишларни кўриш билан шуғулланадилар.

Бўлимни лорд-канцлер бошқаради. Юқори суд Канцлер бўлимининг юрисдикциясига тааллуқли ишлар мислсиз кўп миқдордаги пул маблағлари билан боғлиқ бўлиши ёки миллий молиявий манфаатларга дахл қилиши мумкин. Алоҳида ишлар бўйича Юқори суд Канцлер бўлимининг юрисдикцияси Қироллик курсиси суди юрисдикцияси билан мос келиши мумкин.

Оилавий ишлар бўйича Юқори суд бўлинмаси. Бўлинма 1970 йилда таъсис этилган. Унинг таркибида 20 га яқин судьялар ва суд раиси фаолият юритади. Ушбу бўлимда фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар, никоҳни бекор қилиш жараёнлари ва ҳомийлик масалалари бўйича ишлар, шунингдек ота-оналар ўртасида фарзандлар тақдири ва собиқ эр-хотинлар ўртасида мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги низолар кўрилади. Бўлинма судьялари анъана тарзида никоҳ ва ота-она мажбуриятлари институтларига бўлган консерватив қарашлари билан ажralиб турадилар. Бўлинма компетенцияси магистрат судлари ва графликлар судларига хос бўлган оилавий ишлар бўйича компетенция билан мос келади. Ягона фарқ шундаки, магистрат судларининг юрисдикцияси никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишларга тааллуқли бўлмайди.

Юқори суднинг ҳар қайси бўлинмасини унинг раиси бошқаради. У мазкур бўлинманинг лавозим бўйича қуий турган судьяларининг ишига раҳбарлик қилади. Юқори суднинг барча судьялари лорд-канцлер тавсияси бўйича қиролича томонидан тайинланади. Булар 10 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга барристерлар бўлиши керак. Юқори суднинг бирор-бир бўлинмасига у ёки бу барристернинг судья сифатида тайинланиши унинг хуқуқий амалиётнинг қайси йўналишида ихтисослашувига боғлиқ бўлади. Юқори суд судьяларининг умумий сони Тожнинг маҳсус қарори билан белгиланиб, у 85 кишидан ошмаслиги керак.

Юқори суд судьялари яккабошчилик ёки 2-3 судьядан иборат ҳайъат таркибида (ишларни апелляция инстанциясида қўришда) ишларни кўрадилар. Қасамёд қилдирилган маслаҳатчиларнинг иштироки диффамация (кимнингдир шаънини булғовчи маълумотларни матбуотда чоп этганлиги), озодликдан ноқонуний маҳрум қилиш ва фирибгарлик каби ишларда йўл қўйилади.

Кўрганимиздек, Англияда суд ҳокимиётини ташкил этишнинг ушбу тизими судлар кўрадиган ишларнинг характеристига қараб, уларнинг ихтисослашуви ёки изчил тарзда жиноий ишлар ёки фуқаролик низоларига қараб бўлинишни назарда тутмайди. Шунингдек, судларни биринчи ва апелляция инстанцияларига қатъий бўлиш ҳам йўқ. Ушбу ҳолат Юқори суднинг Қироллик курсиси суди мисолида яққол қўринади. Мазкур суд муҳокамасида ҳам жиноий, ҳам фуқаролик ишлари қўрилади. Фуқаровий юрисдикция соҳасида Қироллик курсиси бўлинмаси бир вақтнинг ўзида ҳам биринчи инстанция суди, ҳам графликлар судлари қарорлари устидан берилган апелляцияларни кўрувчи апелляция инстанцияси сифатида иш қўриши мумкин. Ишларнинг кўпи куйи судлар – магистрат судлари ва графликлар судлари даражасида қўрилади.

в) **Тож суди** - жиноят ишларини кўрадиган суд органи. Ҳозирги қўринишда, у 1971 йилдаги “Суд тўғрисида”ги Қонун асосида ташкил қилинган. Аввал қўрсатилганидек, Тож суди Олий судга киравчи унинг таркибий тузилмавий қисмларидан бири бўлиб, етарли даражада кенг суд тузилмасига эга. Унинг таркибида Англия ва Уэльсининг барча йирик шаҳарларидағи 93 та суд маҳкамалари, шунингдек Лондондаги кўча номи билан танилган бутун дунёга машҳур Олд Бейлидаги марказий жиноий суд мавжуд. Бироқ, унинг 93 та маҳкамаси ягона суд органи сифатида намоён бўлади. Аслида ҳам шундай, Тож суди – бу биргина суд ва унинг судьялари бутун Англия ва Уэльсда иш қўришлари мумкин.

Тож суди – бу Англия суд тизимининг шундай бўғиники, унда биринчи инстанцияда энг жиддий жиноий ишлар қўрилади. Зарур ҳолларда Тож суди юрисдикцияси апелляция инстанцияси тартибида ишларни қўришга татбиқ этилиши мумкинлиги ҳам истисно қилинмайди. Шу билан бирга, апелляция судларида биринчи инстанция бўйича ҳар йили қўриладиган жиноий ишларнинг умумий ҳажмида Тож суди томонидан қўриладиган ишлар бор-йўғи 2-3 фоизни ташкил қиласиди. Шунга қарамасдан, айнан Тож суди билан Англия Жиноий суди тенглаштирилади. Зоро, Тож судини Англия жиноий одил судловининг “кўзгуси” десак янглишмаймиз.

Жиноятнинг характеристи ва жиддийлигига қараб Тож судида жиноий иш Юқори суд судьялари томонидан (коида бўйича бу

қотиллик содир этилганда) ёки округ судьялари ёхуд рикордер – барристерлар ёки солиситорлар орасидан тайинланадиган ва графликлар судларида йилига 20 кунгача судья мажбуриятини бажарувчи судьялар томонидан кўрилиши мумкин.

Англия суд тузилишининг хусусиятлари шундаки, Тож суди мажлисида жиноий иш моҳияттан кўрилаётган бўлса, унда қасамёд қилдирилган маслаҳатчилар иштирок этишлари лозим бўлади. Бироқ, Тож суди – бу фақат албатта қасамёд қилдирилган маслаҳатчилар суди эканлигини англатмайди. Дастребаки тергов босқичида айбланувчи ўз айбини тан олган ҳолларда қасамёд қилдирилган маслаҳатчиларга эҳтиёж туғилмайди ва Тож суди ишни уларнинг иштирокисиз кўради. Қасамёд қилдирилган маслаҳатчилар судига бўлган хукуқдан Тож судида кўрилиши лозим бўлган ишлар бўйича фақат 30 га яқин айбланувчилар фойдаланадилар. Қолган ҳолларда судьяга фақат иш материалларини ҳамда айбланувчи ва судланувчининг айбни тан олганлигини эътиборга олиб жазо тайинлаш масаласини ҳал қилиш қолади.

Шундай қилиб, Тож суди бир вақтнинг ўзида ҳам биринчи инстанция суди, ҳам апелляция суди сифатида намоён бўлиши мумкин. Унинг ваколатлари доирасига айбланувчи судгача ўзини айбли, деб тан олмайдиган энг жиддий жиноятлар билан боғлиқ жиноий ишларни кўриш киради. Буларга оғирлаштирувчи ҳолатлардаги қотиллик, номусга тегиш, ўт қўйиш, куролли босқинчилик, фирибгарлик, йирик ўғирлик ва баъзи бошқа баъзи жиноятлар киради. Тож судида хавфли ёки оғир жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлмаган иш, масалан, майда ўғирлик ишининг кўрилиши истисно қилинмайди. Бунинг учун айбланувчи томонидан шундай бўлишига мойиллик билдиришнинг ўзи етарли ҳисобланади.

Унча катта ижтимоий хавфга эга бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишларни Тож судида кўриш заруриятининг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида Парламентга бир неча бор таклифлар билан мурожаат қилинган. Шундай таклифни Қироллик курсиси суди раиси ва бошқа обрўли судьялар билдирганлар. Бироқ, бундай тартибни қайта кўриб чиқишга бўлган барча уринишлар бирор натижага олиб келмаган, чунки, Парламент ҳар кимнинг ўз ишини, агар гап, албатта, жиноятларнинг муайян турини содир этганлик тўғрисида кетаётганда, қасамёд қилдирилган маслаҳатчилар суди томонидан кўриб чиқилиши хукуқига эга бўлиши мумкинлигини тан олади.

Тож суди ҳам апелляция инстанцияси сифатида иш кўриши мумкин. Унда магистрат судларининг хукмлари, шунингдек қамоқقا олиш ва судга бериш тўғрисидаги магистрат қарорлари устидан берилган апелляция шикоятлари кўрилади. Бироқ, бу билан Тож

судининг компетенцияси тугамайди. Бу ерда баъзи фуқаровий ишлар ҳам кўрилиши мумкин. Хусусан, Тож судида муҳокама предмети бўлиб, унга магистрат судлари томонидан букмекерлик тўғрисидаги, қимор ўйинлари бўйича ва рухсат берувчи тизим бўйича қабул қилинган қарорлар устидан берилган шикоятлар шулар жумласидандир. Апелляция инстанциясида ишларнинг қайта кўрилиши доимо қасамёд қилдирилган маслаҳатчиларсиз амалга оширилади, суд таркибига эса, судъялардан ташқари иккитадан тўрттагача магистратлар киради (улар профессионал юристлар ҳисобланмайдилар).

Графликлар судлари. Ушбу ҳудудий судлар 1846 йилда ташкил қилинган. Уларнинг сони 270 тага яқин. Графликлар судларининг жорий этилиши Англияда XIX аср ўрталарида юзага келган фуқаровий суд иш юритиш тизимидағи камчиликлар билан изоҳланади. Ҳаддан зиёд кўп ҳаражатлар талаб қилиниши, тарафлар учун жиддий нокурайликларнинг мавжудлиги ва ортиқча марказлашув мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини одил судловга мурожаат қилиш имкониятини йўққа чиқарди. Графликлар судларининг жорий этилиши туфайли, фуқаровий ишлар бўйича суд иш юритиш тизими арzonлашди, одил судловга аҳолининг мурожаат қилиш имконияти ортди. Ҳудудий суд конфликтлар ва низоларни ҳал қилишнинг оммавий ва ҳамма учун қулай воситасига айланди. Шу жихатдан олганда, ушбу судларини Юқори судга муқобил суд сифатида баҳолаш мумкин.

Графликлар судлари факат фуқаровий-ҳукуқий юрисдикцияга эга бўлиб, ўз ҳудудларида амалда ҳар қандай фуқаровий-ҳукуқий низоларни кўра оладилар.

Графликлар судларининг фаолияти 1984 йилги "Графликлар судлари тўғрисида"ги Конун билан тартибга солинади. 1981 йилдан бошлаб, графликлар судлари ваколатлари доирасига куйидаги тоифадаги ишларни кўриш киритилган:

- зарар миқдори 5 минг фунт стерлингдан кўп бўлмаган контрактлардан келиб чиқувчи ва зарар ётказилиши билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича низолар;
- солиқка тортилувчи йилига 1 минг фунт стерлингтacha даромад келтирувчи кўчмас мулк тўғрисидаги низолар;
- даъво суммаси 30 минг фунт стерлингдан кўп бўлмаган адолат ҳукуқига тегишли ишлар бўйича низолар (масалан, ишончли мулк, гаров, мажбуриятларни аслича бажариш);
- қиймати 30 минг фунт стерлингтacha бўлган ер участкалари билан боғлиқ низолар;

- қиймати 15 минг фунт стерлингдан кўп бўлмаган мулкни денгизда қутқарганлик учун мукофотлаш тўғрисидаги ишлар;
- ҳар қандай миқдордаги пул маблағларини ундириш билан боғлиқ низолар, агарда тарафлар ўртасида бундай низоларни графликлар судларига бериш тўғрисида битим тузилган бўлса ва у амалдаги хукуқка зид келмаса;
- оиласавий низолар;
- кўчмас мулк билан боғлиқ васиятномалар бўйича низолар, агар мерос қилиб қолдирилаётган ер қиймати 30 минг фунт стерлингдан зиёд бўлмаса;
- статут хукуқи асосида вужудга келадиган турли ишлар, масалан, 1974 йилги “Истеъмол кредити тўғрисида”ти Қонун қоидаларига мувофиқ, ҳар қандай ишлар;
- компанияларнинг банкротлиги ва тугатилиши тўғрисидаги ишлар, шунингдек, деңгиз ишлари бўйича низолар;
- ирқчиликка асосланган дискриминация тўғрисидаги ишлар;
- унча катта миқдорда бўлмаган даъво талаблари билан боғлиқ ишлар.

Бундан ташқари, графликлар судларида 25 минг фунт стерлинг зарар миқдори билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича ва контрактлар тўғрисидаги ишлар кўрилади ва ундан кўп сумма билан боғлиқ ишлар қоида бўйича Юқори судда кўрилиши лозим. Бироқ, ишнинг молиявий жиҳатлари ёки оммавий манфаатларга боғлиқлиги, унинг мураккаблиги ёки зудлик билан қарор қабул қилиш зарурияти эътиборга олиниб, даъво талаби 25 минг фунт стерлинг гача бўлган ишлар Юқори суд томонидан ҳам кўриш учун қабул қилиниши мумкин.

Магистрат ёки яраштирувчи судлар. Ҳозирги магистрат суди Англияда XIV асрда вужудга келган. Суд ҳокимиётининг мазкур органи ўз ривожланишида кўп ўзгаришларни бошидан кечирди. Масалан, XV асрда энг оғир жиноятларни кўриш учун графликларнинг яраштирувчи судьялари ўз сессияларига йилига тўрт марта йигила бошлаганлар. Натижада яраштирувчи судьяларнинг “чораклик сессияси” суди деган тури шаклланди. “Чораклик сессиялари” судида кўрилиши лозим бўлмаган ишлар жамланма ишлаб чиқариш тартибида яраштирувчи судлар томонидан кўрилган. Бундай судлар “кичик сессиялар судлари”, деган ном олган.

Ҳозирги магистрат судининг фаолияти 1980 йилги “Магистрат судлари тўғрисида”ти Қонун билан тартибга солинади. Магистрат судлари – бу қуий бўғин судларидир. Улар Англия суд тизимининг энг оммавий суд органлари ҳисобланади. Расмий суд статистика маълумотларига кўра, ҳар йили магистрат судларида қайд

қилинаётгән барча суд ишларининг 95-98 фоизи кўриб чиқилади. Ҳаммаси бўлиб, Англия ва Уэльсда 30 мингдан кўп судья-магистратлар фаолият юритади. Улар магистрат судининг 400 дан зиёд бўлимларида мажлис олиб борадилар.

Таъкидлаш лозимки, магистрат судлари – бу фақат Европа хукукий тизимларида амал қилувчи яраширувчи судларнинг бошқача номланишидир. Магистрат судининг юрисдикцияси етарли дара жада кенг. Кўриладиган ишларнинг тааллуклилигига кўра магистрат суди икки томонлама юрисдикцияга эга, яъни у ҳам жиноий, ҳам фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширади.

Магистрат судининг жиноий-хукукий юрисдикцияси. Қоида бўйича магистрат судларига келиб тушадиган ишларнинг асосий қисмини уларнинг компетенциясига киравчи энг оддий масалалар ташкил қиласди. Кўп ҳолларда булар асосан, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий хукуқбузарликлар ва майда жиноятлардир.

Магистрат суди ваколатлари доирасига қуйидаги масалаларни ҳал қилиш киради:

- жамланма иш юритиш ишларини ҳал қилиш, яъни барча кам аҳамиятли хукуқбузарликлар бўйича жиноий ишларни (улар юзасидан суд муҳокамаси қасамёд қилдирилган маслаҳатчиларнинг иштирокисиз олиб борилади);

- судга бериш ва жиноят содир этилиши муносабати билан қамоқقا олиш тўғрисидаги масалаларни кўриш бўйича иш юритиш, тергов бу ҳолларда жамланма иш юритиш тартибида олиб борилмайди, суд муҳокамаси Тож судида қасамёд қилдирилган маслаҳатчилар иштирокида бўлиши лозим;

- суд муҳокамасига тўлиқ суд процедураси (яъни қасамёд қилдирилган маслаҳатчилар иштирокида) тартибида Тож судида, шунингдек, жамланма иш юритиш тартибида, яъни қасамёд қилдирилган маслаҳатчиларсиз магистрат судида йўл қўйиладиган жиноятлар тўғрисидаги ишлар.

Жамланма иш юритишда жиноий иш бўйича магистрат судининг хукми билан тайинланиши мумкин бўлган жазонинг энг кўп муддати 6 ойдан кўп бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш ёки 5 минг фунт стерлинг жарима тайинланиши мумкин.

Магистрат судининг фуқаролик-хукукий юрисдикцияси. Қоида бўйича магистратларга лицензия олиш, солиқса тортиш ва йигимлар масалалари бўйича турли ишлар, даромад солиги юзасидан қарзларни ундириш, суғурта ва коммунал хизматлар бўйича тўловларни ундириш тўғрисидаги ишлар, шунингдек оила ҳуқуқидан келиб чиқувчи низолар (фарзандликка олиш, алмент мажбурият-

лари, алоҳида яшовчи эр-хотинлар мақоми, кичик ёшдагиларга ҳомийлик)ни ҳал қилиш киради. Майда маъмурй ҳукуқбузарликлар учун жавобгарлик түғрисидаги ишларни кўриш ҳам уларга берилиши мумкин.

Магистрат судининг алоҳида бир тури – бу вояга етмаганлар ишлари бўйича суд. У 17 ёшгача бўлган ўсмиirlар ҳукуқбузарликлари түғрисидаги ишларни кўради. Бундай суд таркибида мажбурий тартибда битта аёл-судья киритилган ҳолда учтадан кам бўлмаган судьялар бўлиши шарт. Катта ёшдагилар судларидан фарқ қилиб, бундай судларда очиқ жараёнга йўл қўйилмайди. Вояга етмаганлар ишлари бўйича суд қаттиқ жазоларни кўллашда чекланган, бироқ озодликдан маҳрум қилиш ва жиной жазо билан боғлиқ бўлмаган чораларни тайинлаш ҳукуқига эга, масалан, маҳаллий ҳокимият органлари ёки ота-оналар назоратига бериш, синов муддатини тайинлаш.

Магистратлар - аддиядан кенг ҳукуқларни олган профессионал бўлмаганлар гуруҳидир. Улар алоҳида мақом ва ваколатлардан фойдаланадилар. Ушбу ҳолатнинг келиб чиқишини Европадаги магистратура тарихидан излаш керак. Магистрат судининг келиб чиқиши судьялик курсисини тўлиқ маҳаллий аристократия вакиллари эгаллаган давр хусусияти билан изоҳланади. Шу сабабли, магистрат суди бу қасамёд қилдирилган маслаҳатчиларсиз иш кўрувчи суд ҳисобланади.

Меҳнат низолари бўйича апелляция трибунали. Унинг компетенция ва ваколати, шунингдек функциялари ва тартиблари 1980 йилги “Меҳнат низолари бўйича Апелляциявий трибунал маҳсус қоидалари” билан белгиланади. Мавжуд суд инстанцияларига кўшимча тарзда ушбу суд органини ташкил этиш сўнгги ўн йилликда меҳнат низоларининг, айниқса, ишдан ноқонуний бўшатиш ва ишчи-хизматчиларни дискриминация қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича низолар сонининг кескин ортиши билан изоҳланади. Бундай ишларни кўриш учун Англия судлари тизимиға кирмайдиган маҳсус органлар – трибуналлар (аввал саноат трибуналлари) тузила бошланди.

Коронер судлари. Қатъий тарзда айтилса, бу ҳам суд бўлмаган, тегишли ҳолатларни расмий дастлабки текширувдан ўtkазиш функциясини амалга оширувчи маҳсус органдир. Шу сабабли, Коронер судлари зарурият бўйича ташкил этилади. Судьялардан фарқ қилиб, коронерлар 5 йиллик иш стажига эга бўлган тажрибали барристерлар, солиситорлар ёки врачлар орасидан тайинланади. Коронерларнинг фаолияти 1988 йилги “Коронерлар түғрисида”ги маҳсус қонун билан тартибга солинади.

Коронерлар мажбуриятларига инсон ўлимининг ҳуқуққа зид бўлмаган, бироқ табиий ҳолатлар билан ҳам боғлиқ бўлмаган вазиятларда юзага келиш фактларини расмий текшириш киради. Хусусан, бундай текширув албатта ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодисаларда, шунингдек мажбурий, шубҳали, тўсатдан ёки "сири" вазиятда юз берган ўлим ҳолатларида, турмада сақланаётган маҳкум ёки полиция биносида ҳибсда сақланаётган шахснинг ўлими юз берган ҳоллар (масалан, ушланган ва ҳибсга олингандар томонидан ўз жонига суъиқасд қилиш билан боғлиқ барча ҳолатлар)да ўтказилиши лозим.

Коронер бу турдаги ҳолатларни тергов қилиб, ўлим сабаби ва ҳолатларини аниқлаши лозим. Бунинг учун, у жасадни патолого-анатомик экспертизасини тайинлаш, ўлим факти ва ҳолатларини тергов қилиш, жасадни эксгумация қилиш ҳуқуқига эга.

3. АҚШ СУД ТИЗИМИ

Хокимият ваколатлари бўлиниши тамойили ва хукуқ ҳукмронлигига асосланган давлат ҳокимияти тизимида суд органлари мустақил ва кенг ҳокимият ваколатларига эгадир. Судлов ҳокимияти эҳтимол бўлган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг Конституцияга зид актлари ва фаолиятларига қарама-қарши кучга эга бўлган функцияни амалга оширади. Шу билан бирга, у фуқаролар ҳукуқ ва эркинликлари ҳимоясини ва конституциявий қонунийликни таъминлайди. Судлар нафақат қонун ва актларни амалда кўллайдилар, балки ҳукуқ ижодкорлиги билан ҳам шуғулланадилар. АҚШ ташкил топган кундан эътиборан судларга иқтисод, фуқаролик ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидағи турли туман даъво ва низоларни кўриб чиқиш имконияти деярли чекланмаган ваколатлар доирасида берилган. АҚШда демократик процессуал кафолатлар юқори даражада ривожланган суд тизими ташкил этилган. Бу мамлакатни баъзида судлар мамлакати, деб ҳам аташади. Америка судларининг нафақат тўла мустақиллиги, балки давлат ҳокимияти ва аҳолининг ушбу органларга бўлган ишончи ҳам буни тасдиқлайди. Судларнинг обрўси фуқаролар ва давлат органлари томонидан суд қарорларининг сўзсиз бажарилиши билан ифодаланади. Олий суд қонун ва мажбурий актларнинг Конституцияга зидлигини аниқлаши асосида амалдаги ҳукуқ тизимидан улар зудлик билан чиқариб ташланади. Олий суднинг қонуний кучга кирган ҳар қандай қарори умуммажбурий характеристера гэта ва ҳеч ким уни шубҳа остига олиши мумкин эмас. Суд амалиётининг ривожига суд қарорларининг прецедентлик хусусияти муҳим аҳамият касб этишига қарамай, прецедентлар статут (низом) ҳукуқига, яъни ёзилган қонунларга аста-секин ўз ўрнини бўшатиб беради. Шунингдек, суд органлари қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг алоҳида ҳукуқларига аралashiши мумкин эмас.

Суд ҳокимиятининг конституциявий асослари. АҚШ Конституция мамлакатда ягона Олий суднинг амалда бўлиши ва куйи турувчи судлар сонини аниқлаш Конгрессга боғлиқлигини эътироф этади. Шу асосда қатъий марказлашган, ягона федерал суд тизими ўрнатилган бўлиб, федерация даражасида бўлган ҳар қандай Олий суд органларини ташкил этиш тақиқланади. Судьяларнинг ўзгармаслиги ҳам мустаҳкамланган. Уларнинг қатъий ижобий хулиқи ўз лавозимларини сақлаб туришларига асос бўлади. Судьяларни моддий рағбатлантириш улар хизмат лавозимида бўлган пайтда камайтирилиши мумкин эмас. Судларнинг юрисдикцияси конституциявий жиҳатдан жуда кенг мустаҳкамланган. Улар

ишларни ҳуқуқ манбаларини чекламаган ҳолда: оммавий ҳуқуқ, адопат ҳуқуқи, Конституция, қонун ва битимлар бўйича кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Суд ҳокимияти низоларнинг деярли барча турига, жумладан, томонлардан бирини АҚШ ташкил қилган, икки ёки ундан ортиқ штатлар ўртасида, бирор штат ва бошқа штатларнинг фуқаролари ўртасида, турли штат фуқаролари ўртасида, фуқаролар ва чет давлатлар ўртасида, фуқаролар ўртасида юзага келадиган баҳсларга татбиқ этилади.

Конституцияда яна шу нарса белгилаб қўйилганки, импичментдан ташқари барча жиноятлар қасамёд қилинган маслаҳатчилар иштироқидаги суд мажлиси томонидан ҳал қилинади. Бундай муҳокамалар жиноят содир этилган штатнинг ўзида олиб борилиши керак, жиноят бирор штатдан ташқарида содир этилган ҳолларда муҳокама жойи қонун билан аниқланади. 1789 йилда Конгресс томонидан қабул қилинган суд тизими ҳақидаги қонун мавжуд.

Суд тизими. АҚШда икки хил суд тизими мавжуд бўлиб, биринчиси Федерал тизими ва иккинчиси штатлардаги суд тизимларидир. АҚШда аҳолининг ҳар 400 тасига битта ҳуқуқшунос тўғри келади ва дунёда бу кўрсаткич бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Бир йилда тахминан 25 миллионга яқин суд процесси ўтказилади.

АҚШ федерал суд тизими қўйидаги учта бўғиндан иборат:

1. Олий суд
2. Аппелляция судлари (уларнинг сони 13 та)
3. Округ судлари (уларнинг сони 94 та)

Ҳарбий судлар Федерал суд тизимининг алоҳида бўғинини ташкил этади. Федерал судлар Конгресс қарорига асосан тузилади, бу суд судьялари эса, Сенатнинг розилиги билан умрбод муддатга Президент томонидан тайинланади.

Барча ишлар биринчи инстанцияда федерал қонунчилик асосида умумий юрисдикцияли округ судларида (жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича) кўриб чиқилади. Уларнинг сони штатларда бир нечта бўлиши мумкин, айрим ҳолларда улар биттани ташкил қиласди. Шунингдек, округларда божхона, солиқ, федерал ҳокимиятга қарши даъволарни кўриб чиқувчи судлар ва бошқа маҳсус судлар ҳам мавжуд.

Аппелляция судлари (3 тадан 8 тагача бўлган штатга битта) округ ва маҳсус судлар чиқарган қарорларга нисбатан берилган шикоятларни кўриб чиқади. Божхона судлари учун алоҳида аппелляция судлари ташкил этилган.

АҚШ суд тизимида Олий суд алоҳида аҳамият касб этади. У Президент томонидан Сенат розилиги асосида тайинланадиган раис, 9 нафар аъзодан иборат. Олий суд томонлардан бири чет

мамлакатлар дипломатик ходимлари ёки штат ҳисобланган ишлар бўйича биринчи инстанцияда фаолият олиб боради, лекин асосан, аппелляция тартибидаги ишларни кўриб чиқади (суд тизимида алоҳида кассация институти мавжуд эмас). Олий суд мамлакатда Конституциявий назорат институти ҳам ҳисобланади.

Олий суд фаолиятининг ташкилий шакли коллегиалликка асосланмаган. Олий судда кўриладиган барча ишлар унинг аъзолари томонидан алоҳида тартибда кўриб чиқилади. Жараён узоққа чўзил-маслиги учун ҳар бир судья ишни гувоҳлар ва бошқа иштирокчи-ларсиз кўриб ҳал этади ҳамда қарор судьяларнинг кўпчилик овози билан чиқарилади. Кўпчиликка қўшилмаган судьялар ўзларининг алоҳида фикрини баён қилишлари мумкин.

Штатлардаги судлар ишларни тегишли штат ва федерал қонунчилик асосида кўриб ҳал қиласидилар (охирги инстанция штат олий суди, ишларнинг Конституциявийлик масалалари бўйича АҚШ Олий суди ҳисобланади). Штатлардаги суд тизимлари хилма-хил бўлиб, кўпинча учта бўғиндан иборат (Айдаҳо штатида истисно тариқасида 2 та бўғин):

Куйи судларга: ҳакамлик судлари, полиция судлари, мэрия судлари киради ва улар майда ва кам аҳамиятли жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқадилар. Судьялар ўз лавозимларига сайдовлар (2-3 йилга) асосида эга бўладилар. Аксарият бундай судьялар юридик билимга эга бўлмайдилар. Улар хужжатларни тасдиқлаш, никоҳни расмийлаштириш, ҳукуқбузарларга жарима солиш ва у қисқа муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини белгилашлари мумкин. Шунингдек, муҳим ишларни юқори поғонадаги судларга юбориш ваколатига эгалар.

Умумий юрисдикцияли судлар: графлик, шаҳар, округ судлари. Ушбу судлар штатлардаги кенг кўламдаги жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқадилар. Судьялар кўпинча, аҳоли томонидан сайланади, улар таркиби асосан малакали юристлардан иборат.

Штат Олий суди. Штатлар олий суди губернатор томонидан тегишли штат Сенатининг розилиги билан 7-14 йил муддатга (айрим ҳолларда умрбод) 3-16 таркибдан иборат судьяларни тайинлаш орқали шакллантирилади. Бу суд куйи турувчи суд бўғинлари қарорларига нисбатан апелляция юрисдикциясига эга ҳамда уларда қонун хужжатларини конституциявийлиги юзасидан конституциявий назоратни амалга ошириш ваколати мавжуд.

Штатларда алоҳида маҳсус судлар: вояга етмаганлар ишлари бўйича, меҳнат, қирғоқ бўйи судлари мавжуд.

4. БРАЗИЛИЯ СУД ТИЗИМИ

Бразилия Конституцияси судларни ташкил этиш ва ваколат доирасини белгилаш масалаларини бошқа ҳар қандай давлат конституцияларига нисбатан батафсилроқ тартибга солади. Бразилияning суд тизими англо-саксон ҳукуқ оиласининг айрим элементларини эътиборга олган ҳолда, Рим ҳукуқига асосланади. Бразилияда суд органлари ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи бўлиб, улар маъмурӣ ва молиявий мустақиллик асосида фаолият юритадилар. Судлар фаолияти давлат бюджетининг алоҳида моддаси билан молиялаштирилади ва ушбу маёналарни суд органларининг ўзлари мустақил тасаруф этадилар. Барча судлар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

Бразилияда федерал суд тизими ва штатлар суд тизими мавжуд бўлиб, улар марказлаштирилган ҳолда фаолият юритадилар. Бразилия Конституциясининг 92-моддасига биноан, суд ҳокимияти органларига: Федерал Олий суд; Одил судлов юқори суди; ҳудудий федерал судлар ва федерал судлар; меҳнат судлари; сайловга оид судлар; ҳарбий судлар; штатлар, федерал округлар ва жойлардаги судлар киради.

Суд тизимининг олий органи Федерал Олий суд ҳисобланиб, у Федерал Сенат розилиги асосида Президент томонидан тайинланадиган 11 та аъзодан иборат. Унинг асосий функцияси – Иттифоқ ва штатлар қонунлари ҳамда бошқа ҳукуқий ҳужжатлар юзасидан конституциявий назоратни амалга оширишdir. Муайян ҳаракатни Конституцияга зидлиги ҳақида шикоят бериш ҳукуқига Республика Президенти, Миллий Конгресснинг ҳар иккала палатаси президиуми, штатлар қонунчилик мажлиси президиумлари, штатлар губернаторлари, Республика Баш прокурори, Миллий Конгрессда вакилликка эга бўлган сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва касбга оид миллий ассоциациялар эгадирлар.

Федерал Олий суди Иттифоқ ва штатлар, Иттифоқ ва федерал округлар, штатлар ва округлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқади. Шунингдек, унинг ваколат доирасига жиноятчиларни экстрадиция қилиш, хорижий давлат, ҳалқаро ташкилотлар билан федерация, штат, федерал округ ҳамда ҳудудлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш ҳам киради.

Федерал Олий суд биринчи инстанция суди сифатида Республика Президенти, Конгресс аъзолари, Федерал Олий суд аъзолари, Республика Баш прокурори томонидан содир этилган жиноят ишларини; давлат вазирлари, юқори судлар, Федерал ҳисоб трибунали аъзолари, дипломатик миссиялар раҳбарлари томонидан содир

этилган жиноят ишлари ва жиноий суюистеъмолчиликларга оид масалаларни; сиёсий жиноятларга оид ишлар ҳамда хабеас корпус ҳамда хабеас дата тартибидаги айрим ишларни кўриб чиқади.

Аппеляция инстанцияси сифатида эса, Федерал Олий суд хабеас корпус ҳамда хабеас дата жараёнларига, қуий турувчи судлар фаолиятига оид фармойишлар чиқаришга (*mandado de segu-ranca*), Олий судлар томонидан чиқарилган тақиқ бўйича (*mandado de injuncao*) ҳамда сиёсий жиноятларга дахлдор бўлган оддий аппеляциялар ишларини кўриб чиқади. Экстраординар аппеляциялар бўйича у биринчи инстанция судлари ёки юқори судлар томонидан чиқарилган қарорлар, шу жумладан, Конституция қоидалари га зид келадиган ҳоллардаги ишларни текшириб чиқади.

1988 йилги Конституция Одил судлов юқори суди (*Superior Tribunal de Justica*)ни жорий этди ва олдин Федерал Олий суди томонидан амалга оширилиб келингган айрим ваколатлар унинг зиммасига юкланди. Ушбу трибуналнинг аъзолари (уларнинг сони 33 та) Сенатнинг маъкуллаши орқали Республика Президенти томонидан тайинланади. Одил судлов юқори суди биринчи инстанция суди сифатида штатлар ва федерал округларнинг губернаторлари томонидан, штатлар ва федерал округлар Одил судлов трибуналлари аъзолари, штатлар, округлар ҳисоб трибуналлари аъзолари содир этган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек штатлар вазирлари ҳужжатларига ва қарорларига нисбатан хабеас дата жараёнини амалга оширишда юзага келадиган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқади. Шунингдек, мазкур суд федерал трибуналлар ўртасидаги, судлар ва федерация маъмурий органлари ўртасидаги одил судловга оид низоларни кўриб чиқади. У федерал суд органлари томонидан кўриб чиқилган жиноят ишларини текшириб чиқади ва вилоят судлари қарорларини бекор қилиши мумкин (айрим ҳолларда Федерал Олий суднинг ҳамда юқори суднинг ваколатлари тўқнаш келади).

Худудий судлар суд ҳокимиютини тегишли худудлар доирасида амалга оширадилар. Улар биринчи инстанция судлари сифатида муайян даражадаги ишларни, шу жумладан, федерал судлар ҳамда прокурорларга дахлдор бўлган ишларни кўриб чиқадилар, шунингдек, аппеляция инстанцияси сифатида намоён бўладилар. Худудий судлар тегишли худудлардан танлаб олинадиган ҳамда Президент томонидан тайинланадиган камида 7 та судьядан иборат таркибда шакллантирилади.

Федерал судларнинг энг қуий бўгини – федерал ҳамда штат қонунларига асосан, жиноят ва фуқаролик ишларининг аксарият қисмини кўриб чиқадиган федерал судлар ҳисобланади.

Умумий судларнинг энг қуи босқичи эса, штатлардаги профессионал ва профессионал бўлмаган федерал судлар ҳисобланниб (ҳар бир штатга бир ёки бир нечта суд округлари тўғри келади), улар биринчи инстанция сифатида аппеляция бериш мумкин бўлган майда жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб ҳал қиласидилар. Бундай судларни ташкил этиш тўғрисидаги қонун 1995 йилда қабул қилинган.

Бразилияда федерал даражада ривожланган маҳсус судлар тизими – Сенат тасдиғи билан Президент томонидан тайинланадиган меҳнат ишлари бўйича трибуналлар ва судлар (Юқори меҳнат суди, худудий меҳнат судлари) фаолият юритади.

Юқоридагилар билан бирга, Бразилияда сайлов адлиясининг қуидаги бўғинлардан ташкил топган маҳсус тизими мавжуд: аъзолари Федерал Олий суд, Президент, Одил судлов юқори суди томонидан тайинланадиган сайлов адлияси юқори суди, миңтақавий сайлов судлари, сайлов судлари ва Кенгашлар ёки сайловчилар хунталари Сайлов адлияси Юқори суди. Шунингдек, ҳарбий судлар сифатида Сенатнинг розилиги билан Президент томонидан тайинланадиган Юқори ҳарбий судлар, миңтақавий ҳарбий судлар ва судьялар фаолият юритади.

Штатлар суд тизими. Штатлар умумий судлари таркибида одил судлов судлари (*Tribunals de Justiça*), биринчи инстанция судлари (*Tribunals de Alada*), ҳакамлик судлари (*Tribunals do Juri*), яраштирув судлари киради. Штатлар маҳсус судлари таркибида эса, – трибуналлар ва ҳарбий масалалар бўйича судлар, меҳнат бўйича судлар ва бошқалар киради. Яраштирув судлари 4 йил муддатга тўғридан-тўғри, умумий ва яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган фуқаролардан иборат бўлиб, уларнинг ваколат доирасига никоҳдан ўтказиш, яраштирув ишлари, юридик тусда бўлмаган низоларни ҳал этиш киради.

Таъкидлаш жоизки, Федерал Олий суд ва бошқа юқори судлар, маҳсус судлар қуи турувчи судларнинг умумий сонини ҳамда улар аъзоларининг сонини ўзгартириш мумкин. Суд органларининг маъмурий ва интизомий ишларини маҳсус орган ҳисобланган магистрата кўриб чиқади.

Судья ёки прокурор лавозимига 10 йиллий юридик тажрибага (стажга) эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин. Федерал судья лавозимига номзодлар Бразилия адвокатлар ташкилоти иштирокида ўтказиладиган сайловда танлов асосида сайланадилар. Бразилия Конституцияси судьяларни 2 йиллик иш фаолиятидан сўнг, ўз лавозимларида умрбод қолишларини кафолатлади. Лекин ушбу 2

Йиллик давр мобайнида судъя фаолият юритадиган суднинг қарори билан лавозимидан озод этилиши мумкин.

Судъянинг тўлиқ нафака тўлаш шарти билан истеъфога чиқиши ишга қобилияти йўқолган ёки 70 ёшга тўлган ва 30 йил меҳнат стажига эга бўлгандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Жамият манфаатлари учун судъяларнинг ўз лавозимидан озод этиш ва истеъфога чиқариш, тегишли суд аъзоларининг 2/3 қисми овози билан ҳамда уларга ўзларини ҳимоя қилиш имкониятини бериш асосида юз беради.

Прокуратура (Ministerio Publico) доимий фаолият юритадиган мустақил институт сифатида хуқуқий тартиботни, демократик режимни, жамият ва шахс манфаатларини ҳимоя қилиш каби функцияларни амалга оширади. Унинг таркиби Республика Прокуратураси ва штатлар прокуратурасидан ташкил топган.

Республика прокуратураси Федерал прокуратура, меҳнат прокуратураси, ҳарбий прокуратура, федерал округлар ва ҳудудлар прокуратурасидан иборат.

Бразилия прокуратураси қайта сайланиш хуқуқи билан 2 йил мuddатга Федерал Сенатнинг мутлоқ кўпчилик овози тасдиғи билан Президент томонидан тайинланадиган Бош прокурор раҳбарлигидаги марказлашган ягона тизимни намоён қилади. Бош прокурорни вазифасидан четлатиш Президентнинг ташаббуси асосида, Федерал Сенатнинг мутлоқ кўпчилиги тасдиғи билан амалга оширилади. Конституцияга кўра қуи турувчи прокурорлар икки йил фаолият юритганларидан кейин умрбод ўз лавозимларида қолишилари мумкин. Ушбу прокурорларни лавозимидан озод этиш фақатгина суднинг қарори асосида амалга оширилади.

Прокуратуранинг асосий функциялари қуйидагилар: жиной ишларни қўзғатиш; конституцияда кафолатланган инсон хуқуқ ва эркинликларини хукумат органлари ва хизматлари томонидан риоя этилишини таъминлаш; давлат ва жамоат мулкини, атроф муҳитни ва ҳамда бошқа индивидуал ва жамоа манфаатларини мухофаза этиш мақсадида фуқаролик терговини бошлаш ва оммавий фуқаролик даяволарини киритиш; конституцияда кўзда тутилган ҳолатларда Республика ёки штатлар ишларига аралашиб; ҳиндуда ахолисининг хуқуқ ва манфаатларини судда ҳимоя қилиш; полиция фаолияти устидан ташки назоратни амалга ошириш; тергов ўтказишни ва полиция суриштируванини бошлашни талаб этиш. Прокуратура органларига давлат органларига юридик жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва маслаҳатлар билан кўмаклашиб ман этилади.

Бразилияning бош адвокатураси Конституциянинг 131-моддасига кўра Республикани судда ва ундан ташқарида бевосита ёки

тегишли органлари орқали вакиллигини амалга оширадиган институт ҳисобланади. У ижро органларига юридик хизмат кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш учун масъулдир. Бош адвокатуранинг раҳбари бўлиб, Республика Президенти томонидан тайинланадиган Республика Бош адвокати ҳисобланади.

Молиявий-иқтисодий назоратнинг олий органи – Федерация ҳисоб трибунали (*Tribunal de Contas*)дир. У Конгрессга назорат ваколатларини амалга оширишда расман ёрдам беради. Ҳисоб трибуналининг таркиби 9 нафар судьядан иборат бўлиб, уларнинг 1/3 қисми Федерал Сенатнинг розилиги билан Республика Президенти томонидан 2/3 қисми эса Конгресс томонидан ўз лавозимларига тайинланадилар. Ҳисоб трибунали судьялари Олий суд аъзоларига берилган кафолатлар, ваколатлар, чекловлар ва имтиёзларга эга бўладилар. Ҳисоб трибунали вазифалари доирасига ноқонуний ёки нотўғри ҳаражатлар қилганлик учун жарималар белгилаш, муайян ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, аниқланган ҳукуқбузарликлар тўғрисида Конгресс ва суд ҳокимиюти органларига хабар бериш киради.

5. ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ

ГФР суд тизими ягона Олий суднинг мавжуд эмаслиги билан фарқланади. Федерал конституциявий суд ва ўлкалар конституциявий судлари давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 95-моддасига кўра, суд юритишнинг кўйидаги турлари мавжуд:

- умумий суд юритиш;
- маъмурий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган суд юритиш;
- молиявий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган суд юритиш;
- меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган суд юритиш;
- ижтимоий ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган суд юритиш.

Умумий суд юритиш. Умумий суд юритиш тартибида фуқаролик, жиноят – ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар ва ишлар кўриб чиқилади.

Фуқаролик юрисдикцияси тизими кўйидаги учта даражадан иборат:

- Участка судлари (*das Amtsgericht*);
- Ўлка (земель) судлари (*die Landgerichte*);
- Ўлка Олий судлари (*das Oberlandesgericht*).

Ишларнинг судловлилиги даъво суммаси билан белгиланади. 5000 еврогача бўлган фуқаролик низолари участка суди судъяси томонидан якка тартибда ҳал этилади. Участка судлари томонидан шунингдек, оила-никоҳ, рақобат ва мерос ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар ҳам кўриб чиқилади. Ана шу мақсадларда участка судлари қошида оила ишлари бўйича судлар, васийлик ишлари бўйича судлар ва шунингдек, мерос масалалари бўйича судлар фаолият юритади.

Иккинчи даражадаги судлар (ўлка судлари) биринчи ва иккинчи инстанция судлари сифатида иш кўрадилар. Бу даражада ўлка судларининг суд юритиши фуқаролик ишлари бўйича палата ҳамда судларнинг якка тартибда иш кўриши асосида амалга ошади. Бунда улар томонидан даъво баҳоси 5000 евродаң ошиқ ишлар кўрилади. Ўлка судлари иккинчи инстанция тартибида участка судларининг шикоят қилинган қарорлари ва ажримлари бўйича фаолият юритади.

Бу даражадаги фуқаролик судларида шунингдек, “аграр судлар” ёки “қишлоқ хұжалик низолари бүйича судлар” мавжуд.

Умумий судловни ташкил этишда үлка Олий судлари үлка судларига нисбатан олганда юқори турувчи инстанция ҳисобланади.

Үлка Олий судларида қарорлар фуқаролик ишларини ҳал қилиш учун ташкил этилған уч нафар профессионал судьядан иборат бүлгап сенатлар томонидан қабул қилинади. Үлка Олий суди таркибида фуқаролик ишлари бүйича, оила ишлари бүйича сенатлар, картел ишлари бүйича суд ва жиноят ишлари бүйича иккита сенат фаолият юритади.

ГФР Олий суди мамлакат ҳудудида умумий юрисдикция бүйича юқори суд ҳисобланиб, у Карлсруэ шаҳрида жойлашған. Мазкур суд фуқаролик ва жиноят ишлари бүйича тағтиш инстанцияси ҳисобланади. Қарорлар фуқаролик ва жиноят ишлари бүйича Юқори Сенатлар томонидан қабул қилинади. Бундан ташқари, беш нафар профессионал судья таркибида иш күрадиган 12 та фуқаролик ишлари бүйича ва бешта жиноят ишлари бүйича сенатлар мазкур суд таркибида фаолият юритади. Одил судловнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида алоҳида мураккаб ишлар бүйича қарорлар ўзига барча федерал судлар сенатларини қамраб олувчи Катта Сенатнинг күшма мажлисида қабул қилинади.

Үлка судлари даражасидаги умумий судлов тизимида хұжалик ва савдо низоларини ҳал этиш учун палата ташкил этилған.

Федерал Конституциявий Суд. Карлсруэ шаҳрида жойлашған Федерал конституциявий суди мамлакатда Асосий қонунга амал қилиниши устидан назоратни амалга оширади. У Федерации билан федерал үлкалар ҳамда алоҳида федерал органлар ўртасидаги низоларни күриб чиқади. Фақат Конституциявий Судгина муайян партия ёки унинг фаолиятини мамлакатдаги демократик мұхитта ёки Конституцияга зидлигини ўрнатиши мүмкін. Бундай ҳолларда Конституциявий Суд ушбу партияни тарқатиб юбориш ваколатига эга. У шунингдек, Федерация ва үлка қонунларини Конституциявийлигини текширади. Агар Конституциявий суд томонидан муайян қонун Конституцияга зид, деб топилса уни құллаш мүмкін эмас. Хар бир фуқаро ўз конституциявий ҳукуқларни давлат томонидан бузилған ёки поймол этилған, деб ҳисобласа конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилиши мүмкін. Федерал конституциявий суди томонидан ташқи сиёсатга оид ишлар ҳам күриб чиқылади. Федерал Конституциявий Суд ҳар бири 8 нафар судьядан иборат иккита сенатдан ташкил топған. Судьяларнинг бир қисми Бундестаг, иккінчи қисми Бундесрат томонидан сайланади. Уларнинг ваколат муддати 12 йил. Уларни бундан ортиқ муддаттаға қайта сайлашға йўл қўйилмайди.

Маъмурий судлар. Бу судлар оммавий-хукукий хусусиятга эга низоларни кўриб чиқади. Уларнинг вазифаси фуқароларни маъмурий органлар ва идоралар билан муносабатларда ҳимоя қилишдан иборат. Маъмурий судлар тизими кўидаги:

1. Кўий инстанция маъмурий суди – Verwaltungsgericht;
2. Юқори ва олий маъмурий суд – Verwaltungsgerichthof;
3. Федерал маъмурий суд – Bundesverwaltungsgericht.

Молиявий масалалар бўйича судлар икки даражага бўлинади:

1. Кўий инстанция судлари – Finanzgericht;
2. Олий инстанция бу Федерал молия суди – Bundesfinanzhof;

Ушбу судлар солиқ декларациялари, даромад солиги бўйича тўлов талабномалари ва бошқа йиғимлар бўйича низоларни кўриб чиқади.

Меҳнат низолари бўйича судлар – Arbeitsgericht. Бу тоифадаги судларга кўидагилар киради:

1. Меҳнатга оид ўлка суди – Landesarbeitsgericht;
2. Федерал меҳнат суди - Bundesarbeitsgericht.

Ушбу судларнинг ваколати доирасига меҳнат хукукий муносабатлар бўйича низолар, корхона низомлари ва тариф сеткалари бўйича низолар ва тортишувлар бўйича, ички меҳнат тартиб масалалари бўйича, хусусан корхонани ташкил этиш ва бошқаришда ёлланма ишчиларнинг вакиллари иштироки бўйича низоларни кўриб чиқиши киради.

Ижтимоий масалалар бўйича судлар – Sozialgericht ҳам икки даражага бўлинади:

1. Ижтимоий масалалар бўйича худудий судлар – Landssozialgericht;
2. Ижтимоий масалалар бўйича Федерал суд – Bundessozialgericht.

Ушбу судлар нафақа ва бандлик бўйича низолар, ишсизлик бўйича суғурта, пенсия хукуки, уруш қурбонлари ва ногиронлар хукуки, тиббий ёрдам олиш хукуки бўйича низоларни кўриб чиқадилар.

Германиядаги барча давлат органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда (компаниялар, корхоналарда ва ҳоказо) хукукий ишларни амалга ошириш учун юридик хизмат ташкил қилинган. Юридик хизмат давлат органлари ва компанияларнинг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, у - юридик бўлим, юридик гурух, юрисконсульт шаклида ташкил қилинади.

Юридик хизматнинг хукукий мақоми ва фаолияти маҳсус норматив-хукукий ҳужжатлар билан эмас, балки давлат органлари

ва компанияларнинг ички хужожатлари (низомлар, мансаб йўриқномалари, меҳнат шартномаси) билан тартибга солинади. Лекин, бу Германияда юридик хизматга оид умуман ҳеч қандай норматив-хуқуқий хужожат мавжуд эмас, деган холосага келиш учун асос бўлмайди. Чунки, давлат органлари ва компаниялар фаолиятини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужожатларда, шунингдек процессуал қонун хужожатларида юридик хизмат томонидан амалга ошириладиган хуқуқий ишлар ва унинг фаолиятига оид бошқа нормалар, давлат хизматчилари тўғрисидаги норматив-хуқуқий хужожатларда белгиланган.

Масалан, Германиянинг Бремен шаҳридаги изоляция техники материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияда юридик бўлим ташкил қилинган. Юридик бўлимда бешта ходим, яъни бўлим бошлиғи, иккита юрисконсульт, иккита юрисконсульт ёрдамчиси ишлайди. Юрисконсульт лавозимига университетни битирган ва биринчи имтиҳонни муваффақиятли тутатган юристлар тайинланади.

Юридик бўлимнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: хуқуқий масалалар бўйича компания раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳатлар бериш; шартномаларни (хўжалик ва меҳнат шартномаларини) тузишда иштирок этиш ва уларни хуқуқий экспертизадан ўтказиш; талабнома ишларини юритиш; судларда компаниянинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли хужожатлар ва материалларни тайёрлаш ҳамда уларни адвокатларга тақдим этиш.

Юридик хизмат ходимлари ҳам адвокат мақомини олишлари мумкин, аммо улар компанияда ишлаётган пайтида адвокат сифатида фаолият кўрсата олмайдилар.

Германияда компанияларнинг юридик хизмат ходимлари судларда компания хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга эмаслар. Ушбу вазифани тегишли судларда қатнашиш хукуқига эга бўлган адвокатлар амалга оширадилар. Аммо, суд мажлислари очик бўлганилиги сабабли, юридик хизмат ходимлари ҳам барча фуқаролар сингари унда қатнашишлари мумкин. Адвокатларга компания даъвогар бўлганда даъво аризаларини ёки жавобгар бўлганда, даъво аризасига юзасидан фикрномаларни ёзиш ва уларга илова қилиш учун зарур бўлган барча хужожатлар ва материалларни компания юридик хизмати тайёрлаб беради.

Адвокатларнинг касбий хуқуқ ва мажбуриятлари 1959 йил 1 августда қабул қилинган “Федерал адвокатура тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади. Қонун кучига эга бўлган мазкур Низомга 1994 йил 2 сентябрдаги тузатишлар билан жиддий ўзгартишлар киритилган.

Германияда фуқаролик процесси адвокатнинг мажбурий ра-вишдаги иштироки ёки унинг иштирокисиз амалга оширилади. Германия ФПКнинг 78-§ мувофиқ округ (ландгерихт) ва бошқа барча юқори инстанция судларида тарафлар адвокат орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Агар тарафлар адвокат орқали вакиллик қилиши мажбурий бўлмаган ҳолларда, низо судда тарафларнинг ўзи ёки фуқаролик процессуал муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай шахсни вакил қилиш орқали кўриб чиқилиши мумкин.

6. ФРАНЦИЯ СУД ТИЗИМИ

Францияда суд органларини ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият юритишни таъминлаш борасида катта тарихий мактаб яратилган десак, хато бўлмайди.

Барча демократик давлатларда бўлгани каби Францияда ҳам ҳокимият ваколатлари тақсимланган бўлиб, одил судловни амалга ошириш суд органлари ваколатига киритилган. Франция суд тизими бир қатор хусусиятлари билан бошқа давлатларнинг суд тизимидан фарқ қиласди. Ушбу ҳолат бир тарафдан суд органларининг тарихан шаклланиб келганилиги билан изоҳланса, бошқа тарафдан эса, давлатнинг маъмурий-худудий тузилиши ҳамда мамлакатдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослиги билан тавсифланади.

Франция Конституциясининг саккизинчи бўлими “Суд ҳокимияти тўғрисида”, деб номланади ва унда Франция суд тизими, суд ҳокимиятининг ҳукуқий ҳолати мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, Республика Президенти судлар мустақиллигининг ҳамда судьялар дахлсизлигининг кафолати ҳисобланади. Судларга ўз ваколатларни амалга оширишда Олий магистратура кенгаши кўмаклашади. Магистратларнинг ҳукуқий ҳолати қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Олий магистратура кенгашига Республика Президенти бошчиллик қиласди. Адлия вазири унинг ўринбосари, яъни вице-раиси ҳисобланади. Зарур бўлиб қолганда, Адлия вазири Президент номидан Олий магистратура кенгашига вақтинчалик бошчиллик қилиб туради.

Бевосита Франция суд тизимида келсак, унда қуйидаги учта юрисдикция суди мавжуд: умумий судлар, маъмурий судлар ва ихтисослашган судлар.

Умумий юрисдикция судлари суд тизимининг асосий бўғинини ташкил этиб, катта инстанция судлари, кичик инстанция судлари, апелляция судлари, ассизлар судлари ва кассация судидан иборат. Улар умумий тамойил яъни, фуқаролик ва жиноий одил судловнинг бирлиги тамойили асосида фаолият юритадилар ва фуқаролик ҳамда жиноий ишларни кўришга ваколатли ҳисобланадилар.

Ҳар бир департаментда унинг иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгалиги ва аҳолисининг сонига қараб, камида битта катта инстанция суди мавжуд. Катта инстанция суди фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди сифатида қуйидаги масалалар бўйича иш юритади: шахсларнинг фуқаролик ҳолати ва ҳукуқ лаёқати, кўчмас мулкка оид даъволар ҳамда мулкка нисбатан ундирувни

қарятиш, ихтиrolар ва товарлар белгилари учун патентлар бериш, юридик шахсларнинг мол-мулкини тугатиш. Ушбу ҳолатларда суд даъволар 30 минг евrogача бўлган ишлар юзасидан охирги инстанция суди сифатида қарор чиқаради. 1970 йилдан бошлаб, катта инстанция трибуналида ишлар якка судья ёки судьялар коллегияси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Ушбу судда қуйидаги ихтисослашган якка судьялар мавжуд:

- Суд қарорларини ижросини таъминлаш юзасидан судья. У қарорларни мажбуран ижро этишда вужудга келадиган низоларни ҳал қилади;

- Оилавий ишлар бўйича судья. Ушбу суд 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, муомалага лаёқатсиз вояга етмаган шахслар устидан васийлик ўрнатиш ва тарбия характеристидаги ёрдам кўрсатишга оид ишлардан ташқари, барча унификациялашган оилавий низоларни кўриб чиқади;

- Мулкни олиб қўйиш билан боғлиқ ишларни кўрувчи судья. У давлат томонидан мулқдорнинг мулки олиб қўйилган тақдирда, мулқдорга мулкнинг ўрнини қоплаш учун тўланиши шарт бўлган пул миқдорини белгилайди¹.

Трибунал раиси ўзининг маъмурий мажбуриятлари билан бирга, юрисдикцион ваколатларга ҳам эга. У мақсади бир қатор тадбирлар кўриш ёки рухсат бериш билан боғлиқ бўлган бир томонлама мурожаатларни кўриб чиқади. У яна кечиктириб бўлмас ҳолатларда ёки яқол факт мавжудлиги ҳолатида енгиллаштирилган тартибда қарор чиқаради.

Жиноят ишлари судлови соҳасида катта инстанция трибунали якка судья ёки ҳайъат таркибида иш юритиб, прокуратура томонидан хусусий айблов таркибида тақдим этилган ёки тергов судьяси томонидан берилган оғир жиноятларга оид ишларни кўриб чиқади.

Катта инстанция трибуналининг тергов судьясига жиддийроқ аҳамиятга эга жиноий ишлар юзасидан тергов олиб бориш мажбурияти юклатилган. Ҳақиқатни аниқлаш учун тергов судьясида бир қатор ваколатлар мавжуд: воқеа содир бўлган жойга чиқиш, тинтуб ўтказиш, мулкни хатлаш, сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш. Бундан ташқари, суд ваколатларига шахсни дастлабки қамоқقا ёки суд назоратига олиш ҳамда ишни судга жўнатиш ҳам киради.

Катта инстанция судида жазоларнинг ижро қилиниши бўйича судья лавозими мавжуд бўлиб, уни амалга ошириш вазифаси ушбу суд судьяларидан бирига уч йил муддатга юклатилади. У маҳкумлар устидан назоратни ташкил қилади, маҳкумларни сақлаш

¹ Судебные системы европейских стран. - М.: Международные отношения, 2003. -С.281.

режимини ўзгартириш, уларга таътиллар бериш масалаларини ҳал қиласи ва уларни шартли озод қилиш тўғрисида илтимоснома киритади. У жазони ўтаб чиқсан шахсларга ёрдам бериш хизматига бошчилик қиласи ҳамда озодликдан маҳрум қилинмай жазони ўтаётган шахслар устидан назоратни амалга оширади. Ушбу жиҳат француз жиноий судлов тизимининг бошқа тизимлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Кичик инстанция трибуналлари 1958 йилда ташкил этилган бўлиб, улар барча департамент ва округларнинг асосий шаҳарларида жойлашган. Ушбу куйи судлар ваколатига қиймати 13 минг еврогача бўлган шахсий ва мулкий даъволарни ҳамда қарорлар устидан шикоят қилиш мумкин бўлган, қиймати 30 минг еврогача бўлган даъволарни кўриб чиқиш киради. Булардан ташқари, унинг ваколатига уй-жой ижараси, истеъмол кодекси қоидаларини жорий қилиш, сайловчилар рўйхатини тузиш билан боғлиқ ишларни кўриб ҳал қилиш ҳам киради. Шунингдек, у васийлик ишлари бўйича судья ҳисобланиб, ўз округидаги муомалага лаёқатсиз шахслар устидан васийлик ўрнатади ҳамда уларнинг мол-мулкини бошқариш устидан назоратни амалга оширади.

Жиноят ишлари бўйича кичик инстанция суди вазифасини аҳлоқ тузатиш трибуналлари¹ бажариб, унинг ваколатига жиноий деликтларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш киради. Аҳлоқ тузатиш трибуналларида ишлар уч нафар судья таркибидаги ҳайъат томонидан кўриб чиқилади. Йўл ҳаракати ва ов қилиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ишлар якка судья томонидан кўрилиши мумкин. 1975 йилда айрим катта инстанция судларида иқтисодий ва молиявий хусусиятдаги оғир жиноий деликтларни кўриб чиқишга ихтисослашган ҳайъатлар ташкил қилинган.

Полиция трибуналлари биринчи инстанцияда қонунда жазо сифатида ўн минг еврогача жарима ёки бир кундан икки ойгача қамоқ назарда тутилган ҳукуқбузарликлар билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишга ваколатли ҳисобланади. Уларда ишлар кичик инстанция трибуналиниң якка судъялари томонидан кўрилади.

Аппеляция судлари 1958 йилдан бўён иккинчи погона судлари ҳисобланади. Ҳозирда Францияда юрисдикцияси бир қатор департаментларга тарқаладиган 30 та "Континентал" ҳамда 5 та "денгиз орти" апелляция судлари мавжуд. Ҳар бир апелляция суди ўзи жойлашган шаҳар номи билан аталади. Апелляция судлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича палаталардан иборат. Айримларида кўшимча равища савдо ҳамда ижтимоий масалалар

¹ Изоҳ: Трибуналнинг "аҳлоқ тузатиш" деб номланишининг сабаби шуки, Франция Жиноят кодексининг 1-моддасига кўра, жиноий деликтлар учун қўлланадиган жазолар шундай номланади.

билин шуғулланувчи палаталар ҳам ташкил этилган. Масалан, Париж апелляция судида 25 та, Лионда 7 та палата мавжуд. Улар ўзларининг округидаги биринчи инстанция судлари чиқарган қарорлар устидан апелляция тартибида берилган шикоятларни кўриб чиқадилар. Ишлар камидаги учта судья, айрим фуқаролик ишлари эса, бешта судья иштироқида кўриб чиқилади. Палаталар орасида айблов палатаси алоҳида ўрин тутади. У дастлабки қамоқ устидан назоратни олиб боради, тергов судьясининг барча фармойишлари устидан берилган шикоятлар юзасидан ҳамда ишларни асизлар судига ўтказиш хусусида қарорлар чиқаради. Юқоридагилар билан бирга, ушбу палата суд полицияси офицерлари учун интизомий суд вазифасини ўтайди.

Асизлар суди Франция суд тизимида алоҳида ўрин эгаллаб, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, улар танаффус билан ишлайди, ҳар кварталда 15 кундан иборат сессия ўтказилиб, ушбу вақт оралиғида тўпланган барча ишлар кўриб чиқилади. Асизлар судининг навбатдан ташқари сессияси ишларнинг ҳажми кўпайиб кетганда маҳаллий апелляция суди раиси томонидан Бош прокурорнинг бу ҳақдаги фикрини инобатга олган ҳолда, чиқарган қарори билан чақирилади. Ушбу суд фаолияти доимий бўлмаслигининг сабаби шуки, унинг ишида қатнашувчи “профессионал бўлмаганлар”, яъни касб фаолияти бошқа бўлган шахсларни ўзларининг асосий иш фаолиятларидан узоқ муддатга ажратиб кўйишини олдини олишдир. Иккинчидан, ташкилий томондан асизлар суди бошқа суд ва трибуналлардан тўлиқ мустақил бўлиб, улардан бирининг таркибий қисми ҳисобланмайди. Бундан ташқари, асизлар судида ишлар професионаллар яъни, З та магистратлар ҳамда куръага кўра тайинланадиган 9 кишидан иборат жюрилар томонидан кўрилади. Кўриладиган ишга професионал судьялар сифатида тегишли департамент апелляция судининг ёки катта инстанция трибуналиниң судьялари жалб қилинади. Ҳайъат аъзолари эса, юқорида айтиб ўтилган тартибида танлаб олинадиган оддий фуқаролардан иборат бўлади. Ҳайъат аъзолари судьялар билан биргаликда, шахснинг айборлигини берилган саволларга жавоб бериш орқали ҳал қиласидилар. Айбланувчининг аҳволини оғирлаштирадиган ҳар қандай қарор ҳайъат аъзоларининг 8 тасидан кам бўлмаган овозлари билан қабул қилинади. Унинг асослантирилмаган қарорларига апелляция тартибида шикоят келтириб бўлмайди, улар устидан фақатгина кассация шикояти берилади.

Кассация суди умумий юрисдикция судлари тизимидағи юқори инстанция суди бўлиб, у Франциянинг анъанавий давлат органларидан бири ҳисобланади. Ушбу суд 1789 йилги инқилобдан

аввалги, "эски режим" даврида ҳам мавжуд бўлиб, ўзининг ҳозирги номини 1790 йилда олган. Кассация суди Парижда жойлашган бўлиб, ҳозирда 6 та (бешта фуқаролик ишлари бўйича ва битта жинойи ишлар бўйича) палатадан иборат. Ўз навбатида, фуқаролик ишлари бўйича палаталар фуқаролик ишлари юзасидан биринчи, иккинчи ва учинчи палаталарга ҳамда савдо, молия ва ижтимоий масалалар бўйича палаталарга бўлинади. 1982-1983 йилги декретларга кўра, Кассация судининг таркиби кўйидагилардан иборат: биринчи раис, олтига палата раислари, 84 та суд аъзолари (улар маслаҳатчилар, деб номланади), 36 та маслаҳатчи-маърузачилар, шунингдек Кассация суди қошидаги Бош прокурор, биринчи Бош адвокат ва 19 та Бош адвокатлар. Ушбу суд хизматчилари-нинг яна бир тури бу аудиторлар бўлиб, улар ишларни судда кўришга тайёрлайдилар.

Кассация суди қарори палаталардан бири ёки 3 та палата вакилларидан иборат бўлган аралаш палата ёхуд таркибига суднинг биринчи раиси, палаталарнинг раислари ҳамда ҳар бир палатанинг иккитадан вакили кирувчи Пленум томонидан қабул қилинади. Қарор суднинг камида 5 та аъзоси қатнашган тақдирдагина қабул қилинади. Айрим масалалар бўйича, хусусан, асослантирилмаган шикоятларни рад этиш ёки апелляция суди айлов камерасининг қарори устидан берилган шикоятлари юзасидан қарорлар тегишли палатанинг 3 та судьясидан иборат ҳайъат томонидан қабул қилинади. Агар палаталардан бирида овозлар тенг бўлиб қолса ёки масалани ҳал қилиш бир нечта палаталарнинг ваколатига кирса, иш аралаш палаталар томонидан кўриб чиқилади. Лекин, ҳар қандай ҳолатда тарафлар ўз ишларини судьяларнинг тўлиқ таркибida кўрилишини талаб қилишлари мумкин. Агар 3 та судьядан бири ишни 5 та судья таркибida кўриб чиқиш ҳақида қатъий талаб билан чиқса, унинг талаби бажарилиши шарт.

Кассация суди ваколатига куйи турувчи судларнинг қарорлари устидан берилган кассация шикоятларини кўриб чиқиш киради. Ушбу ҳолатда суд шикоятни факт юзасидан эмас, балки фақат ҳукуқ нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, қонуннинг тўғри ёки нотўғри кўлланилганлигини ҳамда процессуал нормалар бузилган-бузилмаганлигини аниqlайди. Жиноят ишлари юзасидан Кассация суди қонуний ючга кирган ҳамда янги очилган ҳолатлар бўйича чиқарилган ҳукмларни фақат айланувчининг манфаатларини ифодалаган ҳолда кўриб чиқади. Ушбу ишлар юзасидан Кассация судининг чиқарган оқлов ҳукми устидан судланувчиidan ташқари ҳеч ким шикоят қилиш

хукуқига эга эмас¹. Қуйи турувчи суднинг қарори ёки хукмини бекор қилиб, Кассация суди одатда ишни ўзининг тавсиялари билан бирга худди шундай даражадаги бошқа судга янгитдан қайта кўриб чиқиш учун юборади. Агар ишнинг фактик ҳолатлари шубҳа туғдирмаса, Кассация суди ўзининг якуний қарорини қабул қилиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, Кассация суди хукуқ ижодкорлиги билан шуғулланиб, суд амалиётини мувофиқлаштиришга қаратилган қарорларни ҳам қабул қиласди. Бунда жиноят ишлари бўйича палата томонидан чиқарилган қарорлар алоҳида аҳамият касб этади.

Маъмурий судлар тизимиға маъмурий трибуналлар, маъмурий апелляцион судлар ва юқори поғонадаги Давлат Кенгаши киради.

Маъмурий трибуналлар маъмурий низоларни кўриб чиқувчи биринчи инстанция суди ҳисобланади. Ушбу судларнинг судлов округи ўз ичига бир қатор департаментларни қамраб олади. Ҳозирги кунда бундай судларнинг 36 таси мавжуд бўлиб, улар асосан, ҳокимият вакилларининг жавобгарлиги ҳамда фискал ишлар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади. Лекин солиқлар, божхона йигимлари билан боғлиқ ишлар умумий судларнинг судловига тегишлидир. Маъмурий трибуналлар томонидан чиқарилган қарорлар устидан айрим тоифадаги низоларни истисно этганда, маъмурий апелляцион судларга шикоят қилиш мумкин.

Маъмурий апелляцион судлар 6 та бўлиб, улар 1987 йил 31 декабрдаги қонун асосида ташкил этилган. Уларнинг ваколатига маъмурий трибуналлар қарорлари устидан бериладиган шикоятларни кўриб чиқиши киради.

Авлалги Қирол Кенгаши вориси бўлмиш **Давлат Кенгаши** маъмурий адлияниң юқори инстанцияси ҳисобланади. Давлат Кенгашининг асосий функцияси ишларни кассация тартибида кўриб чиқишидир. Лекин, тарихий ва хукуқий сабабларга қўра, у биринчи инстанция ва апелляция суди сифатида ҳам фаолият юритади. Кенгаш регламент характеридаги ҳужжатларнинг қонунийлиги юзасидан биринчи ва охиригина инстанция суди сифатида иш юритади. Ушбу мақсадда, Кенгаш 5 та бўлимдан иборат. Улардан тўрттаси бошқарув соҳасидаги назорат бўйича юрисдикцияли ваколатларни амалга оширади. Уларга ички ишлар, молия, оммавий ишлар ҳамда ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи бўлимлар киради. Бешинчи бўлим 10 та бўлинмадан иборат бўлиб, низо ва зиддиятларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, унда доимий фаолият юритувчи иккита комиссия - ҳисобот-тадқиқот ва

¹ Қаранг: Сухарёв А. Я. Правовые системы стран мира. -М.: Норма, 2003. -С.854.

пенсияларни қайта кўриб чиқиш бўйича Махсус комиссия мавжуд. Кейинги йилларда ҳукумат ва кенгаш бошлиғи ўринбосари бўйруғи билан тадқиқотлар олиб бориш ва маъмурий суд чиқарадиган қарорларни ижро қилиш билан боғлик қийинчиликларни бартарафа этиш мақсадида, маърузалар ва тадқиқотлар янги қисми ташкил этилди. Давлат Кенгаши таркибига Бош вазир, унинг йўқлигида Адлия вазири, бўлимлар бошлиқлари ҳамда давлат маслаҳатчилари киради.

Давлат Кенгаши малакали техник персонал билан таъминланган. Уларга ҳужжатлаштириш бўйича хизматлар, маълумотлар бүроси ва котибият киради¹.

Профессор Г.Брэбаннинг ёзишича, империянинг қулаши даврида маъмурий адлияни сақлаб қолиш масаласи икки марта муҳокамага қўйилган. Чунки, у Наполеон даври ихтироси эди. Шуларга қарамасдан, маъмурий адлия конституциявий инқирозлар даврида ҳам ўз ўрнини сақлаб қолди².

Францияда **ихтисослашган судлар** ҳам мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: Вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар; Савдо трибуналлари; Прюдомлар Кенгаши; Ҳисоб палатаси; Можаролар бўйича трибунал; Ҳарбий трибуналлар; Олий адолат палатаси; Республика адолат палатаси.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳакамлар суди ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган оғир жиноий ишларни кўриб чиқади. Ушбу суд учта профессионал судья ва тўқзиға ҳакамлардан иборат. Ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг жиноий деликтлари ва жиддий ҳукуқбузарликлари билан боғлик ишларни ҳамда ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган ўсмирларнинг оғир жиноятлари билан боғлик ишлар катта инстанция трибуналлари округларида ташкил қилинадиган вояга етмаганлар ишлари бўйича трибуналларда кўрилади. Мазкур трибуналлар вояга етмаганлар ишлари бўйича судья ва иккита халқ маслаҳатчиси (ассессорлар)дан иборат. Ассессорлар Адлия вазири томонидан ёшлар тарбияси муаммоларига қизиқиш билдирган шахслар орасидан тайинланади. Вояга етмаганлар ишлари бўйича судья эса катта инстанция судьялари орасидан уч йилга тайинланади. У вояга етмаганларнинг жиноий деликтлари ва ҳукуқбузарликларини якка тартибда кўриб чиқиш ва уларга нисбатан тарбиявий ва назорат чораларини қўллаш ҳукуқига эга. Судья ва вояга етмаганлар ишлари бўйича трибуналнинг қарори устидан апелляция судининг махсус палатасига шикоят қилиш мумкин.

¹ Қаранг: Le Conseil d'Etat. Son organization, son role. Paris., 1975, -р.14.

² Қаранг: Брэбан Г. Французское административное право. -М.: Прогресс, 1988. -С.363.

Савдо трибуналлари даъво қиймати 13 минг еврогача бўлган савдо операцияларига оид низоларни кўриб чиқувчи охирги инстанция судлари ҳисобланади. Савдо трибуналлари учта судья-консуллардан иборат. Улар тижорат фаолияти билан шугулланувчилар ёки ишлаб чиқариш ҳамда савдо компанияларининг вакиллари орасидан анча мураккаб бўлган тизим асосида икки-уч йил муддатга сайланади. Улар ҳар қандай савдо битимлари иштирокчилари, бирлашма аъзолари ўртасида вужудга келадиган низоларни, шунингдек тижоратчилар, тадбиркорлар ва банкирларнинг мажбуриятларидан келиб чиқувчи низоларни ҳал қиласди. Бундан ташқари, уларнинг ваколатига савдо бирлашмаларининг мақомини ўзгартириш ва уларни тугатиш киради. Улар Францияда 228 тани ташкил этади. Савдо трибуналлари йўқ жойда бундай турдаги ишларни катта инстанция судлари ҳал қиласди. Денгиз савдо судларининг вазифасига эса, Жиноят Кодексининг денгиз савдоси соҳасидаги жиноятларни кўриб чиқиши киради.

Прюдомлар¹ Кенгаши индивидуал меҳнат шартномаларини тузиш, уларни ижро этиш ва бекор қилиш билан боғлиқ низоларни кўриб ҳал қиласди. Ҳар бир департаментда биттадан Прюдомлар Кенгаши фаолият юритиб, улар мураккаб тизим бўйича сайланувчи тадбиркор ва ишчилар вакиллари бўлмиш маслаҳатчилардан иборат. Прюдомлар Кенгашида ишлар ҳар бир тарафдан икки ёки тўрт вакил таркибидаги ҳайъат иштирокида ва кичик инстанция судъяси раислигида кўрилади. 1985 йилда Адлия ва Мехнат вазирликлари ҳузуридаги маслаҳат органи – Олий Прюдомлар Кенгаши ташкил этилган.

Ҳисоб палатаси. Ушбу орган Франция суд тизимида муҳим ўрин эгаллаб, оммавий молиявий хизматларнинг ҳисобларини текширувчи суд ҳисобланади. Унинг жойлардаги миңтақавий ҳисоб палаталари мавжуд бўлиб, улар жамоат ташкилотлари ва муассасаларнинг ҳисботларини текшириш ваколатига эга.

Ҳисоб палатаси миңтақавий ҳисоб палаталари томонидан чиқарилган қарорлар юзасидан апелляция инстанцияси суди вазифасини бажаради. Ҳисоб палатаси қарорлари бўйича Кассация суди сифатида эса Давлат Кенгаши иш кўради.

Юқоридагилардан ташқари, Ҳисоб палатаси ҳукумат ва парламентга давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга оширишда кўмаклашади. Шунингдек, у давлат бошқаруви органлари фаолиятининг тўғри ва самарали амалга оширилишини назорат қилиб боради. Ҳисоб палатаси фаолиятининг натижалари умумлаш-

¹ Изоҳ: “Прюдом” сўзи ростгўй одам деган маънони англатади.

тирилган ҳолда, йиллик ҳисоботда нашр қилинади ва Республика Президентига тақдим этилади.

Ҳисоб палатаси еттига палатадан иборат бўлиб, ишлар биринчи раис раҳбарлиги остида юритилади. Унинг таркибида ҳукумат томонидан тайинланган Бosh прокурор фаолият юритади. Прокуратура вакилларидан ташқари, ҳисоб палатасининг магистратлари алмаштирилиши мумкин эмас.

Можаролар бўйича трибунал суд тизимининг икки тармоғи ўртасида жойлашган бўлиб, умумий ва маъмурий судлар орасида вужудга келадиган ваколатлар тўғрисидаги низоларни ҳал қиласди. Бошқача қилиб айтганда, ушбу трибунал иш маъмурий ёки умумий юрисдикция характеристига эгалиги ва ўз навбатида, бу ишнинг маъмурий трибунал ёки умумий юрисдикция судлари судловига тааллуқли эканлиги масаласини ҳал қиласди. Ишни кўриш давомида Кассация суди ёки Давлат Кенгашида ҳокимият ваколатларининг бўлинини билан боғлиқ бўлган ваколатлар хусусида муаммо туғилса, улар Можаролар бўйича трибуналга мурожаат қилишлари мумкин. Агар ушбу юрисдикциялардан бири муайян ишни кўриб чиқишга ўзини ваколатли, деб ҳисобламаса, ўзининг ваколатларидан бошқасининг фойдасига воз кечиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат негатив можаро, деб аталади.

Можаролар бўйича трибуналда раисликни Адлия вазири амалга оширади. Трибунал кассация судининг тўрт маслаҳатчиси ва тўрт давлат хизматчиларидан иборат бўлиб, фақат истисно ҳолатлардагина тўлиқ таркибида йигилади. Унда прокуратура функцияларини Кассация суди қошидаги Бosh адвокатлар ёки Давлат Кенгаши аъзолари орасидан тенг асосларда танлаб олинган тўрт нафар ҳукумат комиссарлари амалга оширади. Улар ҳукумат вакиллари ҳисобланмайди ва ўз қарорларини мустақил қабул қиласдилар.

Францияда олий мансабдор шахсларни жиноий қилмишлари учун жазолаш мақсадида, Олий адолат палатаси ҳамда Республика адолат палатаси ташкил этилган бўлиб, улар давлатдаги сиёсий судлар ролини бажарадилар.

Олий адолат палатаси парламент томонидан танланган депутатлардан иборат бўлиб, унинг ваколатига Республика Президентини давлатга хиёнат қилиш жинояти учун судлаш киради. Олий адолат палатасининг аъзолари парламентнинг иккала палатаси томонидан депутатлар орасидан тенг миқдорда, яъни ўн иккитадан судьялар ва олтитадан уларнинг ўринбосарлари сайланади. Айбдорлар устидан тергов олиб бориш ва уларни Олий адолат палатасига топшириш масаласи фақат парламент иккала палатасининг биргалиқдаги қарори билан ҳал қилинади.

Республика адолат палатаси 1993 йилда ўтказилган конституциявий ислоҳот натижасида ташкил этилган бўлиб, у Бош вазир, вазирлар ва бошқа хукумат аъзоларини ўз вазифаларини бажариши мобайнида содир этган жиноятлари ва хукуқбузарликлари учун суд ишларини олиб боради. Палата 15 судьядан иборат бўлиб, уларни Сенат ва Миллий Мажлис аъзолари орасидан тенг миқдорда танлаб олинган ўн иккита парламент аъзолари, уч нафар Кассация суди аъзолари ташкил қиласди.

Республика адолат палатасига хукумат аъзоси томонидан унинг ўз мажбуриятларини бажариши пайтида манфаатларига зарар етган, деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс мурожаат қилиш хукуқига эга. Шикоят Кассация судининг учта судьяси, иккита давлат маслаҳатчилари ва ҳисоб судининг иккита маслаҳатчи-мэтрлари кирувчи шикоятлар бўйича комиссияга юборилади. Комиссия ишни текшириб чиқиб, суд тартибини кўзгатиш тўғрисидаги қарор чиқаради ёки кейинчалик ишни Республика адолат палатасида кўришга тақдим қилиш учун шикоятни Бош прокурорга юборади. Иш келиб тушган ҳолатда, Республика адолат палатаси жиноят ва хукуқбузарликларни Жиноят кодекси нормалари асосида квалификация қиласди. Республика адолат палатасининг қарори устидан Кассация судига шикоят қилиш мумкин.

Ҳарбий трибуналлар факат уруш ҳолати даврида фаолият кўрсатади. Уларнинг ваколатига ҳарбий хизматчилар томонидан ҳарбий ёки умумий жиноий қилмишларга оид ишларни кўриш киради. Тинчлик даврида ҳарбийлар томонидан содир этиладиган ҳарбий жиноятлар ва бошқа қилмишлар эса умумий юрисдикцияли жиноят ишлари бўйича судлар судловига тааллуқлидир.

Умумий юрисдикция судлар тизими судьялари ўз лавозимларига Республика Президентининг декрети билан, яъни Кассация суди мансабдор шахслари ва апелляция судларининг биринчи раислари Магистратура Олий Кенгашининг тавсияномаси бўйича, қолган судьялар эса, Адлия вазирининг Магистратура Олий Кенгashi берган ижобий хулосасига асосан берган тақдимномаси бўйича тайинланади.

Маъмурий трибуналлар судьялари Ички ишлар вазирининг Адлия вазири билан келишган ҳолда берган тавсияномаси асосида хукумат декретлари билан тайинланади. Умумий қоидага кўра, умумий юрисдикция судлари судьялари ўз лавозимларига уч босқичли танловда ғолиб чиқиб, магистратура миллий мактабини тутатган тақдирдагина тайинланадилар. Маъмурий судлар судьялари учун эса, магистратура миллий мактабини якунлашларининг ўзи етарли ҳисобланади.

Кассация суди таркибига тайинланиш учун номзодга юқори судьялик лавозимларида ишлаб тажриба орттирган ҳамда университетда профессор сифатида ишлаган бўлиши каби талаблар қўйилган.

Франция Конституциясининг 64-моддасида умумий юрисдикция судьяларининг лавозимидан маҳрум қилинmasлиги тамоили мустаҳкамланган бўлиб, унга асосан, судья томонидан жиддий хукуқбузарлик содир этилганда ёки у оғир касал бўлиб қолган ҳолларда, фақат Магистратура Олий Кенгашигина уни лавозимидан маҳрум қила олади. Судьяни унинг розилигисиз бир лавозимдан бошқасига ўтказиш мумкин эмас. Бу қоида судьянинг юқори лавозимларга кўтарилиши ҳолатига ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Францияда судьяларнинг мустақиллиги 1958 йилги "Магистратура мақоми тўғрисида"ги қонун доирасида таъминланади.

Шу билан бирга, судлар мустақиллигининг кафолати Франция Конституциясининг 64-моддасига кўра, Республика Президенти ҳисобланади. У одил судлов кимларнингдир таъсири ёки босими остига тушиб қолмаслигини кузатиб бориши лозим¹.

Иккинчидан, Магистратура тўғрисидаги қонуннинг ўзи органик хусусиятга эга бўлиб, ҳеч қайси бошқа қонун ёки қонун ости акти унга зид келиши мумкин эмас. Бунда қонун устуворлиги тамоили ифодаланган.

Учинчидан, Францияда судьялар лавозимларига умрбод тайинланадилар ва улар лавозимларидан олиб ташланиши мумкин эмас. Бу улар алмашмасликларининг асосий кафолатларидан биридир².

Суд ва маъмурий округларнинг ҳудудий белги бўйича бир-бирига мос келмаслиги яна бир қўшимча кафолат ҳисобланади. Масалан, апелляция судларининг ваколатлари икки-учта департаментга татбиқ этилади, бу эса, маҳаллий маъмурият мансабдорларининг суд фаолиятига аралашиб имкониятини чеклайди. Бундан ташқари, хукумат судларга нисбатан интизомий санкциялар қўллай олмайди. Уларнинг интизоми устидан назоратни фақат маҳсус орган - Магистратура Олий Кенгashi олиб боради.

Судьялар олтмиш беш ёшга етишлари билан нафақага чиқадилар. Кассация суди судьялари ва унинг биринчи раиси эса 1988 йилда ўрнатилган қоидаларга асосан, олтмиш олти ва олтмиш саккиз ёшда нафақага чиқади.

Магистратура Олий Кенгашига раҳбарликни Республика Президенти амалга оширади, Адлия вазири эса, унинг ўринбосари ҳисобланади. Улардан ташқари, унинг таркибida тўққизта аъзо

¹ Валери Жискар Де Эстен. Власть и жизнь. -М.:Международные отношения,1990. -С.228.

² Боботов С.В. Правосудие во Франции. -М.: ИЧП ЕАВ, 1994. -С.48.

бўлиб, улар Республика Президенти томонидан судьялар ва бошқа давлат хизматчилари орасидан тўрт йил муддатга тайинланади. Аъзоларнинг учтаси Кассация суди судьялари орасидан тайинланishi лозим.

Магистратура Олий Кенгаши судьяларни тайинлашда иштирок этишдан ташқари, уларнинг интизомий жавобгарлиги масаласини ҳам ҳал қиласди. Бу ҳолатда Президент ва Аддия вазири қатнашмайди.

Франция одил судловига хос бўлган ижобий жиҳатлардан яна бири, бу фуқароларнинг Старсбургдаги Инсон хукуқлари бўйича Европа судига шикоят билан мурожаат қилиш хукуқининг мавжудлигидир. Ушбу хукуқни амалга ошириш учун улар давлат ичидағи барча суд инстанцияларидан ўтган бўлишлари лозим.

Умуман олганда, Франция суд тизими мураккаб тузилишга эга бўлиб, унга кирувчи ҳар бир суд органи ўзининг таркиби, иш юритиш тартиби ва бошқа хусусиятлари билан бошқалардан фарқ қиласди. Бугунги кунда Франция суд тизимига хос бўлган жиҳатлар ҳамда ушбу соҳада тўпланган тажриба бошқа давлатлар томонидан намуна сифатида фойдаланилмоқда. Шундай экан, Франциянинг суд тизимини ташкил қилиш борасидаги бой тажрибаси келажакда Узбекистоннинг суд тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

7. ФИНЛЯНДИЯ СУД ТИЗИМИ

Финляндия умумий суд тизимининг юқори бўғини бўлиб, 1918 йилда ташкил этилган Олий суд ҳисобланади. Ушбу орган суд президенти ва 21 нафар судьядан иборат. Олий суд аппеляцион судларнинг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича чиқарган қарорлари юзасидан берилган шикоятларни беш нафар судьядан иборат коллегияларда кўриб чиқади. Энг муҳим масалалар бўйича ишлар пленар мажлисларда мухокама этилади. Олий судда суд қарорлари устидан шикоят беришга одатда, ушбу орган аъзоси бўлган З нафар судьядан иборат коллегия розилиги берилган, суд амалиётининг бирлиги манфаатлари талаб этиладиган ёки жиддий суд хатоларини тузатиш ҳолатлари мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади. Олий суд шунингдек, қонун лойиҳалари бўйича ҳам хулосалар бериши мумкин.

Энг қадимийси 1623 йил Турку шаҳрида ташкил этилган аппеляцион судлар мамлакатнинг турли хил минтақаларида жойлашган 6 та йирик шаҳарда фаолият юритади. Улар президент ва суднинг доимий (айрим ҳолларда вақтинчалик) аъзолардан иборат таркибда ташкил этилган. Аппеляция судлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича қўйи турувчи судларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни З нафар судьядан иборат коллегияларда кўриб чиқадилар. Суд президентининг кўрсатмаси бўйича энг муҳим масалалар бўйича ишлар пленар мажлисларда мухокама этилади. Кўпгина ҳолатларда аппеляция судлари охирги инстанция сифатида майдонга чиқадилар. Чунки, Олий судга ишларнинг чегараланган қисмигина келиб тушади. Улар шунингдек, давлатга хоинлик ва олий мансабдор шахсларнинг жиноятлари бўйича ишларни биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқадилар.

Ушбу судларда биринчи инстанция сифатида кўриладиган ишлардан ташқари, бошқа ишларни кўриб ҳал этиш тартиби ёзма шаклда амалга ошади. Бунда судья судланувчилар, томонлар ва уларнинг вакиллари иштирокисиз тақдим этиладиган ҳужжатларни таҳлил этади ва кейинчалик чиқарилган тегишли қарорлар юзасидан уларга хабар беради. Округ ва шаҳар судлари Финляндия суд тизимининг қўйи бўғини ҳисобланади. Улар юқорида кўрсатиб ўтилган ишлардан ташқари, бошқа деярли барча фуқаролик ва жиноий ишларни биринчи инстанция сифатида кўриб чиқадилар. Ушбу судлар, шунингдек васийликни белгилайдилар, кўчмас мулкни сотиш ва бошқа масалалар бўйича битимларни рўйхатга оладилар.

Округ судлари (уларнинг сони 150 атрофида) қишлоқ худудларида ва 1959 йилдан кейин шаҳар мақомини олган аҳоли пунктларида фаолият юритади.

Шаҳар судлари (уларнинг сони 10 та) йирик шаҳарларда ташкил этилган. Округ судлари профессионал судьялар ва 5-7 нафар профессионал бўлмаган судьялар (асессорлар) дан иборат. Судья ва асессорлар ёндашувлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган бўлса, бундай ҳолатда қарорлар барча асессорларнинг ягона фикри асосида қабул қилинади. Агар асессорлардан бирортаси профессионал судъянинг фикрига қўшиладиган бўлса, суд номидан профессионал судъяларнинг фикри асосида чиқарилган қарор кучга киради.

Шаҳар судлари одатда раис бошчилигида уч нафар профессионал судъядан ташкил топган бўлади. Судъялар сони кўп бўлган йирик шаҳарларда ишлар уч нафар судъядан иборат коллегияларда кўриб чиқлади. Денгизга оид ва бошқа ишлардан ташқари, кўпчилик фуқаролик ишларни кўриб чиқиш жараёнида округ ва шаҳар судлари томонидан ишларни дастлабки тинглашга тайёргарлик амалга оширилмайди ва ёзма хужжатлар томонлар ўртасида алмашинилмайди. Шунингдек, кам аҳамиятли фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган қарорлар устидан шикоят қилиш ман этилган.

Финляндияда умумий судларга қўшимча тарзда маҳсус юрисдикцияга эга бўлган судларнинг бир қатор турлари мавжуд. Хусусан, 1946 йилда ташкил этилган Мехнат масалалари бўйича судларнинг фаолияти жамоа шартномасини бажариш жараёнида юзага келадиган низоларни кўриб чиқишига йўналтирилган. Ушбу суд таркибига 3 нафар профессионал хукуқшунос ва иш берувчилар ҳамда касаба уюшмаларнинг ҳар биридан 3 та вакил киритилади. Мазкур судларнинг қарорлари устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Ходимлар ва ишга ёлловчилар ўртасидаги низолар округ ёки шаҳар судларида кўриб чиқлади.

Сув масалалари бўйича 3 та суд ҳар бири судья – раис ва 2 нафар сув транспорти инженери таркибида сув йўлларидан фойдаланишга рухсат бериш билан боғлиқ низоларни ҳамда айрим фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқади. Уларнинг қарорлари сув ишлари бўйича Аппеляция судида, кейинчалик эса, Олий судда шикоят тартибида кўриб чиқилиши мумкин.

Финляндияда шунингдек, ерга оид низолар бўйича судлар ҳамда истеъмолчиларнинг хукукларини ҳимоя қилиш ва савдо қоидаларини бузгандикка оид ишларни кўриб ҳал этиш юзасидан тузилган маркетинг судлари фаолият юритади.

Суѓурта бўйича суд пенсия ва нафақаларга доир ишларни кўриб чиқади (ушбу судларнинг қарорлари устидан шикоят бериш мумкин эмас). Савдо ишлари бўйича низолар келиб чиқадиган бўлса, уларни кўриб чиқиш учун маъмурий ҳакамлик тартиби кўллани-

лади. Бундай ҳолларда томонлар Хельсинки шаҳридаги Марказий савдо палатаси қошидаги ҳакамлик комиссиясига мурожаат этишлари мумкин.

Финляндияда шунингдек, ривожланган маъмурий адлия тизими ҳам мавжуд. Уни Олий маъмурий суд бошқаради. Ушбу орган президент ва 21 та судьядан иборат ҳолда ташкил этилган. 5 нафар судьядан таркиб топган коллегиялар губерния судлари, деб номланадиган қути турувчи маъмурий судлар ва Давлат кенгаши қарорлари ҳамда вазирларнинг фармойишлари, губернаторларнинг кўрсатмалари устидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқадилар. Зарурат бўлган ҳолатларда Олий маъмурий суднинг пленар мажлислари ўтказилади. Губернияларнинг маъмурий судлари (губерниялар сонига қараб 12 та) 3 нафар судьядан иборат бўлган коллегияларда маъмурий органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқадилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишларнинг кўпчилиги солиқ идораларининг фаолиятига тегишилдири.

Шу билан бирга, на маъмурий, на бошқа судлар парламент томонидан қабул қилинадиган конституциявий ҳужжатларга баҳо беришга ҳақли эмаслар.

Финляндия давлат органлари тизимида адлия канцлери алоҳида ўрин тутади. У Президент томонидан ўз лавозимига умрбод тайинланади. Адлия канцлери ҳокимият органлари (шу жумладан, Давлат кенгаши ва вазирлар) томонидан қонунларга риоя этилишини кузатиб боради, жиноий таъқиб органлари тизимини бошқаради ва Президентнинг ҳукуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият юритади.

Финляндияда парламент омбудсмани мансаби жорий этилган бўлиб, у парламент томонидан 4 йил муддатга сайланади ва унга ҳисобдор бўлади. Омбудсман парламент номидан мансабдор шахслар томонидан қонунларга риоя этилишини кузатиб боради. Истеъмолчиларни муҳофаза этиш тўғрисидаги 1978 йилги қонунга кўра, истеъмолчилар омбудсмани мансаби ҳам жорий этилган. Унга олди-сотди шартномаларини тузиш босқичида ва умуман савдонинг бошқа шаклларида амал қилиниши лозим бўлган қоидаларга риоя этилиши устидан кузатувни ташкил этиш ва бошқа йўллар билан истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя этиш вазифалари юклатилган.

Финляндия судьяларининг аксарияти ўз лавозимларига тайинланиш асосида эга бўладилар. Олий суд ва Олий маъмурий суднинг президентлари Республика Президенти томонидан тайинланадилар. Президент шунингдек, ушбу судлар ва аппеляцион судларнинг

судьяларини юкоридаги мансабдор шахсларнинг тавсиясини эътиборга олган ҳолда вазифасига тайинлайди.

Округ ва шаҳар судларининг профессионал судьялари Олий суд томонидан, асессорлар – муниципал кенгашлар томонидан 4 йил муддатга ўз лавозимларига тайинланадилар. Губерния судларининг судьялари Республика Президенти ёки Давлат кенгаши томонидан вазифаларига тасдиқланадилар. Барча профессионал судьялар умрбод муддатга (70 ёшга етгандан кейин улар истеъфога чиқишлари лозим) тайинланадилар ва фақат суд хукми асосида ўз вазифаларидан озод этилишлари мумкин.

Жиноятларни тергов қилиш одатда полиция томонидан амалга оширилади ва куйи бўғин биринчи инстанция судида жиноий таъқиб қилиш шаҳар прокурори, қишлоқ худудларида округ полицияси бошлиғи ёки унинг ўринбосари, аппеляцион судда ушбу суд қошидаги прокурор томонидан амалга оширилади. Маъмурий суд тизимида давлат вакили, деб аталадиган шахслар ҳам фаолият юритишлари мумкин. Айловни қўллайдиган барча органлар адлия канцлери кузатуви асосида ҳаракат қиладилар.

Полиция, прокурорлар ва суд жиноий ишларни қўзғатиш ёки тўхтатиш (хусусан, агар айбланувчи суд кўриб чиқувисиз кам аҳамиятли жиноятлар учун жарима тўлашга рози бўлса) борасида кенг ваколатларга эгадирлар.

Жиноят жараёнида айбланувчи ва фуқаролик иши қатнаш-чисига адвокатга эга бўлиш хукуқи таъминланган. Шу билан бирга, уларнинг ўзлари ҳам ўз манфаатларини ҳимоялаш ёки шахсий вакилларни судга юбориш хукуқига эгадирлар. Адвокат мақомига фақат Финляндия университетларининг юридик факультетларидан бирини тамомлаган, З йил давомида тажрибали адвокат хузурида стажировкадан ўтган ҳамда Финляндия Адвокатлар Иттифоқига аъзо бўлган шахслар эга бўлишлари мумкин.

Адвокатлар фаолияти устидан умумий назоратни Адлия канцлери амалга оширади. Молиявий қийинчилликни бошидан кечираётган шахслар учун бепул юридик хизмат кўрсатиш тизими мавжуд. Ушбу хизматни ё адвокатлар ёки муниципалитетларнинг ваколатли маслаҳатчилари кўрсатиши мумкин.

8. ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ

ХХРнинг амалдаги Конституцияси ва халқ судлари тұғрисидаги қонунга асосан, халқ судлари – суд ишлари юритиш органлари ҳисобланади. Халқ судлари тизимига түрли даражадаги маҳаллий халқ судлари, маҳсус халқ судлари ва Олий халқ суди киради.

Маҳаллий халқ судлари тизимига күйи, ўрта ва юқори погона судларини ўз ичига олиб, күйи погона судларига уездлар, автоном уездлар, шаҳарлар, шаҳарга бўйсунувчи туман судлари киради. “Халқ судларини ташкил этиш тұғрисида”ги Қонунга мувофиқ, күйи погона судари қуидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга:

- биринчى инстанция суди сифатида жиноят, фуқаролик ишлари, маъмурий ҳукуқбузарлик ишлари;
- фуқаролик низолари ва очиқ кўришни талаб этмайдиган кам аҳамиятли жиноят ишлари;
- халқ ярашув комиссиялари ишларини йўналтириши.

Ўрта погона халқ судларига провинция, автоном туманлар, марказга бўйсунувчи шаҳарлар, провинцияга бўйсунувчи шаҳарлар ва туманлар халқ судлари киради. Ўрта погона судлари қуидаги тоифадаги ишларни кўриб чиқади:

- қонун нормалари асосида ушбу судлар юритувига киритилган ишлар. Бунга биринчى инстанция сифатида давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар, санкциясида ўлим жазоси ёки умрбод қамоқ жазоси кўзда тутилган жиноят ишлари, чет эл фуқаролари содир этган жиноятлар, шунингдек Хитой фуқаролари томонидан чет эл фуқароларининг конституциявий ҳукуқ ва эркинларини поймол этиш билан боғлиқ жиноятлар. Шу билан бирга, чет эл фуқароларига тегишли фуқаролик ишлари, маҳаллий ҳудудга жиддий таъсири бўлган ишлар, Олий халқ суди томонидан ўрта погона судлари ваколатига киритилган бошқа фуқаролик ишларини кўриб чиқади;

- кўйи погона судлари томонидан биринчى инстанция суди сифатида кўриб чиқиш учун юборилган ишлар;
- кўйи погона судлари қарорлари, ҳукмларига келтирилган шикоят ва протестлар бўйича ишлар.

Юқори погона халқ судлари провинция, автоном туман ва марказга бўйсунувчи шаҳарларда таъсис этилиб, улар ваколатига қуидагилар киради:

- қонунга асосан юқори погона судлари юритувига киритилган ишлар, кўйи турувчи судлар томонидан берилган жиддий жиноят ва фуқаролик ишлари ва кўйи турувчи судларнинг қарор, ҳукмларига шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриш;

- ўрта погона халқ судлари томонидан ўлим жазоси тайинланган ва судланувчилар шикоят келтирмаган ҳукмларни текшириш. Бунда ушбу судлар бундай ҳукмларни ўзгаришсиз қолдириши, Олий халқ судига тасдиқ учун жўнатиши, ҳукмни қайта кўриб чиқиши ёки қайта кўриб чиқиши учун қайтариши мумкин;

- ўрта погона халқ судлари томонидан 2 йил кейин ижро этиш шарти билан ўлим жазоси тайинланган ҳукмларни текшириш;

- Олий халқ суди ваколатига асосан, алоҳида турдаги ўлим жазоси тайинланган ҳукмларни тасдиқлаш.

Махсус халқ судлари - алоҳида муассасаларда заруриятга кўра таъсис этиладиган судлар бўлиб, ҳозирги кунда Хитойда ҳарбий судлар, денгиз ишлари бўйича судлар, темир йўл транспорти судлари мавжуд.

Олий халқ суди пойтахт Пекин шаҳрида жойлашган бўлиб, давлатнинг олий суд органи ҳисобланади ва қонунга асосан давлатда олий суд функцияларини бажаради ҳамда қуий турувчи халқ судлари ва махсус халқ судлари фаолияти устидан назорат олиб боради. Олий халқ суди раис, раис ўринбосари, палата раиси, палата раиси ўринбосари ва судъялардан иборат таркибда фаолият кўрсатади.

Олий халқ суди қуийдаги ваколатларни амалга оширади:

- қўйи турувчи халқ судлари ва махсус халқ судлари фаолияти устидан назорат олиб бориш;

- ўлим жазоси тайинланган ҳукмларни тасдиқлаш;

- ҳукуқ нормаларини шарҳлаш ва бошқалар.

Судъяларни танлаш ва тайинлаш тартиби, шакллари, уларнинг ваколат муддатлари, тақдирлаш ва уларни интизомий жазога тортиш, моддий рағбатлантириш тартиби 1995 йил 28 февралда қабул қилинган “Судъялар тўғрисида”ги қонунда белгиланган. XXРда судъялар тизими ўз ичига турли погона халқ судлари раислари, суд раислари ўринбосарлари, суд қўмитаси аъзолари, палата раиси, палата раиси ўринбосари, судъялар, судъялар ёрдамчиларини қамраб олади.

Судъяликка номзодларга қуийдаги талаблар белгиланган: XXР фуқароси бўлиши; 23 ёшдан кичик бўлмаслиги; XXР Конституциясини қўллаб-куватлаши; ижобий сиёсий ва ишчанлик сифатлари ҳамда бенуқсон хулқ-атворга эга бўлиши; мустаҳкам соғлиқга эга бўлиши; олий юридик таълим муассасасини битирғанлиги, камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахс ёки “Ҳукуқ” мутахассислиги бўйича бакалавр илмий даражасига ва камида бир йил меҳнат стажига эга ёки “Ҳукуқ” мутахассислиги бўйича магистр илмий даражасига, ҳукуқ доктори даражасига эга бўлган шахслар.

9. ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИННИГ СУД ТИЗИМИ

1922-1939 йилларда Эрон суд тизимини буткул қайта шакллантириш жараёнида унга дунёвий ҳуқуқ нормалари асос қилиб олинган. Фуқаролик (1927-1935), Фуқаролик ишлари бўйича процессуал (1939), Жазолар тўғрисидаги кодексларнинг (1932), “Хужжатлар ва мулкни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Қонун (1932) нинг амалга киритилиши Эрон ҳуқуқ тизимини дин таъсиридан чиқарган.

Ислом инқилобидан (1979 йил февраль) кейинги даврда Эрон Ислом Республикасининг ҳуқуқий тизими жиддий ўзгаришлар билан қайта шакллантирилди. Ҳуқуқий тизимни қайта шакллантириш жараёнида Куръони Карим қоидалари ва ҳадислар асос қилиб олинди. Суд тизими ҳам ислом қоидалари асосида қайта ташкил этилди.

Эрон Ислом Республикасининг суд тизими – умумий ва маҳсус судлар, шунингдек, Маъмурий адолат суди, Бош инспекция, Юридик полицияларидан иборат. Умумий тартибдаги судларга жиноят ишлари бўйича қуи ва юқори судлар ҳамда фуқаролик ишлари бўйича қуи ва юқори судлар киради. Маҳсус судлар эса, ислом инқилоб судлари, руҳонийлар, ҳарбийлар ҳамда давлат хизматчилари учун ташкил этиладиган судлардан иборат.

Амалдаги қонунчиликка биноан, Эрон Ислом Республикасида суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига жиддий боғлиқ бўлмаган ҳолда, улардан муайян даражада мустақил тарзда, шу билан бирга, ислом уламолари билан мустаҳкам алоқада фаолият юритади.

Суд ҳокимияти Олий Суд, Олий Суд Кенгashi ва қуии судлардан ташкил топган. Бош судья ва бош прокурор ҳуқуқшунос бўлиши билан бирга, исломнинг шиа оқимига мансуб бўлиши керак. Шу билан бирга, Конституция барча судьялар ва прокурорларга дин хизматчилари бўлиш талабини қўймайди, бироқ унинг 167-моддасида кўрсатилишича, судья муайян ишларни дунёвий қонунлар асосида кўриб чиқа олмаса, бунда у шариат нормалари асосида ишларни кўриб чиқиши лозим бўлади. Мамлакат Конституциясига биноан, суд ҳокимиятига қўйидаги мажбуриятлар юклатилган:

- адолатсизлик, жабр-зулм қилиш ҳолатлари бўйича ишларни кўриб чиқиш ва ҳукм чиқариш, низолар ва коллизияларни ҳал этиш, жамиятда адоват муҳитини бартараф этиш, қонунда белгиланган бошқа масалалар бўйича тегишли қарорлар ва зарурий чораларни кўриш;
- мамлакатнинг барча судларида қонунларнинг тўғри ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- жиноятчиларни аниқлаш, уларни таъқиб қилиш ва жазолаш, жиноий жазоларни ижро қилиш (амалга ошириш);

– жиноятчиларни тарбиялаш ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликда белгиланган чораларни кўриш.

Суд ҳокимиятининг раҳбари Эрон Ислом Республикаси суд иерархиясининг (погонасинининг) олий расмий мансабдор шахси ҳисобланади ва ўз лавозимига 5 йил муддатга бевосита мамлакатнинг диний бошлиғи томонидан тайинланади. У муҳоҳид бўлиши (қонуншунос – шиа, диний қонунларни таҳлил қилишда олий даражага эга бўлиши), “суд ишларида компетентли, адолатли ва самарали фаолият юрита оладиган раҳбар бўлиши лозим”.

Эрон Ислом Республикаси Конституциясининг 158-моддасига биноан, унинг мажбуриятлари доирасига қўйидагилар киради:

– мамлакат аддия тизимида Конституциянинг 156-моддасида кўзда тутилган тартибда хизмат вазифалари тақсимотини эътиборга олган ҳолда, тегишли тузилмаларни яратиш;

– судга оид қонун лойиҳаларини тайёрлаш;

– муносиб ва адолатли судьяларни ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва озод қилиш, иш жойини ўзгаририш, уларнинг хизмат даражаларини ва кейинги ўсиш йўналишларини белгилаб бериш ва қонунда кўрсатилган бошқа маъмурий функцияларни амалга ошириш.

Суд ҳокимияти раҳбари Эрон Ислом Республикасининг қўйидаги Кенгашлари аъзоси ҳисобланади:

– Миллий Хавфсизлик Олий Кенгashi;

– Конституцияни қайта кўриб чиқиш бўйича Кенгаш;

– Мувафиқлаштирувчи Кенгаш;

– Мамлакатни бошқариш бўйича мувакқат Кенгаш;

Суд ҳокимияти раҳбари Эрон Ислом Республикаси телерадио-эшиттириш фаолиятини назорат қилиш бўйича Кенгашига ўзининг икки вакилини тайинлаш хукуқига эга. Бундан ташқари, у Экспертлар Кенгashi таркибиға диний қонуншунослар номзодларини таклиф қиласди.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг асосий қонунида суд ҳокимияти раҳбари хизмат фаолиятидаги мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик ўрнатадиган аниқ қоидалар кўзда тутилмаган.

Олий суд кенгashi. Эрон Ислом Республикаси суд иерархиясининг бошида олти нафар аъзодан иборат бўлган Олий суд кенгashi туради. Унинг аъзолари бўлиб, суд ҳокимиятининг раҳбари, олий суд раиси, бош прокурор ва мамлакат бўйича судьяларнинг умумий таркибидан беш йиллик муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган учта судья ҳисобланади. Бунда Олий суд раиси ҳамда Бош прокурор ўз лавозимларига суд ҳокимиятининг раҳбари томонидан Олий суд судьялари билан маслаҳатлашувлар-

дан кейин 5 муддатга тайинланади. Олий суд кенгаши амалда Эрон Ислом Республикаси диний раҳбарининг бевосита назорати остида бўлади. Адлия вазири ҳам мазкур кенгаш мажлисларида иштирок этиши мумкин. Олий суд кенгашининг функцияларига куйидагилар киради:

- судьяларни лавозимларига тайинлаш ва озод этиш;
- Президентнинг ўз қонуний мажбуриятлари ва ваколатлари сунистъемол қилганликда айблаш берилган аризаларни кўриб чиқиш;
- суд масалаларига оид қонунчилик ташабbusи билан мамлакат парламенти, яъни Мажлисга мурожаат этиш;
- кассация шикоятларини кўриб чиқиш ва бошқалар.

Даражаларидан қатъи назар судьяларнинг тайинланиши, бошқа ишга ўзгартириш ва алмаштириш масалаларига оид барча ишлар Кенгаш аъзоларининг розилиги билан суд ҳокимиютининг раҳбари томонидан белгиланади. Шу билан бирга, судьяларнинг интизоми, судьялар ва уларнинг қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш ва суриштирув масалалари, албатта, Олий суд кенгашининг розилигидан сўнг амалга оширилади.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига келадиган бўлсак, у муайян бир тартиб асосида амалга оширилади: Олий суд кенгаши қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун маҳсус қўмита ташкил этади. Мазкур қўмита томонидан ишлаб чиқилган ва муҳокамадан ўтган қонун лойиҳаси Олий суд кенгаши томонидан қабул қилинади ва Мажлиснинг муҳокамасига тақдим этилади.

Эрон Ислом Республикаси Конституциясига мувофиқ, судьянинг содир этган жинояти ёки ҳукуқбузарлiği тўғрисидаги аниқ далилларни тақдим этган ҳолда кўриб чиқилган суднинг маҳсус қарорисиз, уни ўз эгаллаб турган лавозимидан вақтингчалик четлатишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, суд ҳокимиюти раҳбарининг Олий суд раиси ва Бош прокурор билан маслаҳатлашувлари асосида чиқариладиган маҳсус қарори билан аниқланадиган "жамият манфаати учун" бўлган ҳоллардан ташқари судьянинг иш жойини ўзгартириш ёки лавозимидан озод этиш мумкин эмас.

Олий Суд. Олий Суднинг асосий вазифаларига Эрон судларида қонуннинг аниқ ижроси устидан назорат, суд ҳокимиюти жараёнларини амалга оширишда ягоналикни ўрнатиш ва қонун бўйича юклатилган бошқа вазифаларни бажариш киради. Бундан ташқари, Олий Судга суд иш юритуви амалиётини бирхиллаштириш вазифаси юклатилган. Жиноят-процессуал Кодексига 1982 йил 28 августда киритилган кўшимчаларга биноан, Олий суд муайян суднинг қарори адолатлилиги тўғрисида ўз фикрини билдирса, ушбу суд унинг (Олий суднинг) розилиги билан ўзгартирилган хукмни

чиқариши мүмкін. Акс ҳолда, бундай ишлар судлар Бөш Бошқармасига ишларни қайта күриб чиқиш учун берилади. Агар ушбу ҳолатда ҳам тегишли суд Олий суд фикрига монанд қарор чиқаришдан бosh тортса, иш Коллегия аъзоларининг кўпчилик овози билан охирги ҳал қўлиувчи қарорни қабул қилиш учун Олий суд Коллегиясига берилади.

Эрон Ислом Республикаси Адлия вазирлиги. Адлия вазирлиги суд фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ҳисобланган кўпгина давлатлардан фарқли ўлароқ, суд тизимида умуман ҳеч қандай вазифани бажармайди. Адлия вазирлигининг буйсунувига факат суд экспертизаси, кўчмас мулкни ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш давлат нотариал бошқармаси, босма нашриёт ва бир қатор эксперт-юристларнинг штати киради. Адлия вазири суд ҳокимияти раҳбарининг тақдимига биноан, Мажлис томонидан лавозимига тайинланади. Унинг функциясига ҳокимиятнинг учта тармоғи – суд, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари ўртасидаги алоқани таъминлаш ҳамда судга оид қонунларни Мажлис муҳокамасига тақдим этиш киради.

Суд ҳокимияти раҳбари назарий жиҳатдан Адлия Вазирига ўзининг ҳамма молиявий ва маъмурий ҳукуқларини, шу билан бир қаторда, судяларни мустасно қилган ҳолда, тегишли лавозимларга ишга қабул қилиш ҳукуқини ҳам бериши мүмкін. Бундай ҳолларда Адлия Вазири ижро ҳокимиятининг вакили сифатида тўлақонли ваколат ва мажбуриятларнинг эгасига айланади.

Маъмурий адолат суди. Маъмурий адолат суди Эрон суд тизимида нисбатан янги тузилма ҳисобланади ва унга факат давлат хизматчилари томонидан содир этилган маъмурий ҳукуқбузарликни ҳал қилиш ваколати берилган. Маъмурий адолат суди суд ҳокимияти раҳбари назорати остида бўлади. Ушбу судни ташкил этиш тўғрисидаги 1982 йилги қонунга биноан, унинг ваколатига қўйидаги масалаларни ҳал этиш киради:

- фуқаролар томонидан вазирликлар, ташкилотлар, давлат компаниялари, муниципалитетлар (маҳаллий ҳокимият органлари), инқиlobий ташкилот ва муассасаларнинг адолатсиз, ноқонуний қарорлар ва ҳаракатлар устидан берилган шикоятлари, даъволари ва протестларини кўриб чиқиш;
- мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан фуқароларнинг ариза, шикоят, протестларни кўриб чиқиш, фуқаролик ҳукуқларини тиклаш;
- амалдаги қонунчиликкка биноан вазирликлар, ташкилотлар ва давлат муассасалари хузурида ташкил қилинган комиссия, кенгаш ва бошқаларнинг ноқонуний қарорлари устидан фуқаролар томонидан берилган ариза, шикоят, протестларни кўриб чиқиш;

– “Хизматга ёллаш ҳақидаги Қонун” қоидаларига зид равища давлат муассасалари томонидан хизматчиларнинг хукуқлари бузилиган тақдирда, улар томонидан бериладиган ариза ва даъволарни кўриб чиқиш;

– ҳукумат ва ижро ҳокимияти маҳаллий органларининг Конституция ва шариат қонунларига зид ҳолда қабул қилинган низом, декрет, йўриқномалари ҳамда уларнинг ваколатларини сунистеъмол қилиши ҳолатлари юзасидан фуқаролар томонидан келтирилган ариза, шикоят, протестларни кўриб чиқиш.

Инспекция бош ташкилоти. Инспекция бош ташкилотининг функциялари доирасига қонунларнинг ижро этилиши ҳамда маъмурӣ органларда муайян ишларни олиб борилиши устидан назоратни амалга ошириш, барча масалалар юзасидан фуқаролик даъволарини кўриб чиқиш, кейинчалик суд органларига ошириш мақсадида ишларни дастлабки тартибда кўриб чиқиш ва хукуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш киради. Мазкур орган суд ҳокимияти раҳбарининг бевосита назорати остида фаолият юритади.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий прокуратура ва ҳарбий судлар, Инқилоб прокуратураси ва Инқилоб судлари, қамоқхоналар ташкилоти ва кучмас мулкларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш устидан ҳам назоратни суд ҳокимияти раҳбари амалга оширади.

Олий фуқаролик ва Олий жиноят судлари. Олий фуқаролик судини – унинг раиси, муқобил судья ҳамда асессор (эксперт) бошқаради. Дастлаб асессор фуқаролик ишига доир маълумотларни синчковлик билан кўриб чиқади ҳамда судга мазкур иш бўйича ёзма тартибда ўзининг хулоса ва фикрларини беради, олий фуқаролик судининг раиси ҳамда муқобил судья эса бевосита ишни кўриб чиқади. Агарда ишни кўриб чиқаётган судья малакали “мужоҳид” ҳисобланса, у ҳолда асессор яъни, экспертнинг хулоса бериши талаб этилмайди.

Олий фуқаролик судининг ваколатлари доирасига барча юридик ва даъвосиз ишларни кўриб чиқиш киради. Ушбу суднинг қарори охирги босқич бўлиб, унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Шу билан биргага, судьянинг ҳаракатлари суд мезонларига мос келмаслиги, бошқа судья томонидан судьянинг ҳаракатларида қонунларга ёки шариат нормалари га зид келадиган ҳаракат содир этилганлиги тўғрисида далил мавжуд бўлган ҳамда судьянинг малакаси ишни кўриб чиқишига етарли эмас, деб ҳисобланган ҳоллар бундан мустасно.

Қоидага кўра, кўрсатиб ўтилган ҳолларда иш судьянинг қарорини маъқуллаш ёки бекор қилиш мақсадида, Олий суднинг тегишли бўлимига берилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам иш дастлабки суд инстанциясига якуний қарорни (вердикт) чиқариш учун юборилади.

Олий жиноят судининг таркиби ҳам Олий фуқаролик судининг таркиби билан бир хил. Унинг ваколати доирасига энг оғир жиноий жазо тайинлашни кўзда тутувчи, тошбўрон қилиш, қўл-оёкларини бутга, яъни чормихга тортиб михлаш, сургун қилиш, тана аъзоларини кесиш, 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш, 2 млн. риалдан кўп бўлган миқдорда жарима тайинлаш, шунингдек судланувчи мулкининг 2/5 қисмини мусодара қилиш каби жазоларни назарда тутувчи жиноий ҳаракатларни кўриб чиқиш киради. Шу билан бирга, ушбу суднинг қарорлари устидан Олий суднинг тегишли бўлинмасига шикоят қилиш мумкин, лекин жиноят таркибининг мавжудлиги тўлиқ исботланган ва юқорида назарда тутилган миқдорлардан камроқ жазо тайинланган ҳоллар бундан мустасно. Бунда ҳам зиддиятларни ҳал қилиш Олий фуқаролик судидаги каби тизимда амалга оширилади.

Қўйи инстанциядаги фуқаролик судлари мерос, пул билан боғлиқ даъволар (2 млн. риалгача), умумий мулкни тақсимлаш каби ишларни кўриб чиқади. Уларнинг қарорлари устидан тушган шикоят ва протестлар Олий фуқаролик суди томонидан кўриб чиқилади, унинг қарори охирги инстанция бўлиб, у юзасидан шикоятлар бериш мумкин эмас.

Қўйи инстанциядаги жиноят судларида Олий жиноят судлари ваколати доирасига кирмайдиган, шунингдек маҳаллий ҳокимликлар ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари масалаларига оид ҳукуқбузарликларни кўриб чиқади. Уларнинг қарорлари устидан тушган шикоят ва протестлар Олий жиноят судлари томонидан кўриб чиқилади ҳамда унинг қарори охирги инстанция ҳисобланади.

Эрон Ислом Республикасида юқоридагилар билан бирга, мустақил қўйи фуқаролик судлари ҳам мавжуд бўлиб, улар 4 млн. Риалгача бўлган молиявий даъволарни, хужожатларни сохталашибдириш, шахсий тусдаги масалаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқади. Айрим ҳолларда уларга қўйи жиноят судлари ваколати доирасига кирадиган ишларни кўриб чиқиш ҳам топширилиши мумкин.

Эрон суд тизимида **маҳсус жиноят судлари** ҳам мавжуд бўлиб – улар ўз ваколатларига кўра, фуқаролик ва жиноят судлари га тенгглаштирилган жамоатчилик судлари ҳисобланадилар. Уларнинг ваколатлари доирасига оиласвий келишмовчиликлар, эр хотиннинг ажralиши, васийлик, мулкни мерос қолдирииш, оталикни белгилаш каби ва бошқа шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш киради. Ушбу суд энг қўйи инстанция суди бўлишига қарамай, унинг қарорлари якуний ва улар устидан шикоят қилиб бўлмайди.

Ҳарбий судлар ва ҳарбий прокуратуралар Эрон Ислом Республикаси суд тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади ва ушбу ҳокимииятга оид барча тамойиллар уларга ҳам татбиқ этилади.

Ҳарбий судлар ваколати доирасига армия, жандармерия, милиция ва Ислом Инқилобий қўриқчилари корпусларига дахлдор бўлган жиноятларни тергов қилиш ва кўриб чиқиш киради. Хусусан:

- ҳарбий хизматдан қочиш;
- ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш;
- куролни душманга топшириш;
- ҳарбий иншоотларни душманга топшириш;
- қўмондонлар буйруқ ва йўриқномаларини бажармаслик ва бошқалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳарбий хизматчилар, милиция ходимлари ҳамда адлия зобитлари томонидан содир этиладиган умумфуқаровий ҳукуқбузарликлар умумий юрисдикция судларида кўрилади.

Ислом инқилоб судлари. Эрон Ислом Республикасининг 1983 йил 1 майдаги “Ислом инқилоб судлари ва прокуратуралари тўғрисида”ги Қонунига кўра, мазкур органлар мамлакат суд тизимининг бир қисми ҳисобланади ва Суд ҳокимияти раҳбарига бўйсунади.

Уларнинг ваколат доирасига куйидагилар киради:

- Эроннинг ички ва ташқи хавфсизлигига қарши жиноятлар, шу жумладан, коррупция;
- давлат ва сиёсий арбобларни ўлдириш ва улар ҳаётига суюқасд қилиш;
- наркотик моддаларни тарқатиш ва контрабанда;
- пахлавийлар династиясини қайта тиклаш мақсадида фитна ўюштириш;
- давлат мулкини талон-тарож қилиш;
- ноқонуний молиявий-савдо операциялари.

Ислом инқилоб судлари куйидаги турларга бўлинади:

- иқтисодий ишлар бўйича Ислом инқилоб судлари;
- сиёсий ишлар бўйича Ислом инқилоб судлари;
- гиёхвандликка қарши курашиш бўйича Ислом инқилоб судлари.

1989 йилда бир қатор маҳсус ихтисослаштирилган инқилоб судлари ташкил этилган. Хусусан, коррупция ишлари, фоҳишибозликка қарши курашиш, болаларни ўғирлаш, номусга тегишга қарши курашиш, шунингдек қуролли тажовуз қилиш ҳамда одам ўлдиришга қарши курашиш бўйича инқилоб судлари шулар жумласидандир.

Диний шахслар учун маҳсус судлар. 1987 йилда Оятулло Ҳумайнийнинг “Дин арбоблари томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш бўйича маҳсус судларни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган. Ушбу ҳужжатга биноан, судья ва прокурор Ислом инқилоб суди томонидан тайинланади ва фақат унга бўйсунади. Шу жиҳатдан олганда, мазкур орган мамлакат суд тизимининг таркибига кирмайди ҳамда ушбу органларда суд юритиш ишлари фақат диний доираларда яширинча чиқарилган қарорларга биноан олиб борилади.

Ушбу судларда бўлиб ўтган ишлар орасида 1987 йилда “Озодлик ҳаракати”ни бошқарган Маҳди Хошимий ҳамда қувгинда юрган Оятулло Хусаннинг сафдоши бўлган Али Мунтазирий устидан олиб борилган суд ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Маҳди Хошимий ҳамда унинг иккита сафдоши ўлим жазосига ҳукм қилинган. Шунингдек, ушбу суд томонидан 1988 йилда бир қатор шиа диний оқими арбоблари, Мажлиснинг иккита аъзоси, Исфаҳон шаҳри шариат суди судьяси ўлим жазосига маҳкум этилган. 1999 йилда эса, ушбу маҳсус суд томонидан собиқ Ички ишлар вазири Ҳожатул-ислом Абдулла Нурий ва йирик дин арбоби Ҳожатул-ислом Кадивар исломда бошқарувнинг алоҳида тури бўлган “Вилояти фақиҳ”нинг асосий тамоилларини қоралаганликлари учун судланганлар.

Жиноят қонунчилиги. Эрон ҳуқуқий тизимининг ўзига хос томони шундаки, агарда фуқаролик судлари ўз қарорларини чиқарётгандарида қисман эски одатлар, инқилобгача мавжуд бўлган қонунларга ҳам асослансалар, жиноят судлари, маҳсус судлар ва инқилоб судлари фақат қатъий белгилаб қўйилган амалдаги қонунларга асосланиб иш кўрадилар.

Қонунда судьяларнинг ваколат доираси, уларнинг устидан прокурор назорати ўрнатилганлиги, ишнинг ҳар қандай босқичида прокурор ёки унинг ёрдамчиси протест келтириши мумкинлиги белгиланган бўлишига қарамасдан, Эрон Ислом Республикасида судьялар амалда деярли чексиз ваколатларга эгадирлар.

Эрон суд тизимининг ўзига хос хусусиятли томони шундаки, бу ерда ҳимоя қилиш институти кучсизланиб, деярли ишламайдиган ҳолга келган. Расман судланувчиларнинг малакали ҳимояланиш ҳуқуқи умуман чекланмаган, лекин амалда ушбу масалани тартибга соладиган бирор-бир норматив ҳужжат мавжуд эмас.

1986 йилда Мажлис томонидан Эрон адвокатлари ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида қонун қабул қилинган, лекин, Кузатув кенгаши айбланувчи ёки даъвогарнинг ҳар қандай шахсни ўзига ҳимоячи қилиб тайинлаши (ҳатто маҳсус билими бўлмаган ҳолларда ҳам) мумкинлигини сабаб қилиб, ушбу қонуннинг бир қатор моддаларини бекор қилган.

10. ЯПОНИЯ СУД ТИЗИМИ

Япониянинг замонавий кўринишдаги суд тизими 1947-1948 йилларда мамлакатда амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар натижасида ташкил топган.

Япония Конституциясининг VI боби 76-82-моддалари суд ҳокимиятига бағишланган. Япония суд тизими таркибига Олий суд, юқори судлар, худудий судлар, оиласвий судлар, бирламчи ва интизомий судлар киради.

Япониянинг мавжуд суд тизимида энг юқори бўғин суди **Олий суд** ҳисобланади. У жуда кенг ваколатларга эга бўлиб, олий конституциявий назоратни амалга ошириш билан бирга, олий суд инстанцияси сифатида барча қуий судлар фаолияти устидан умумий раҳбарликни олиб боради. Шунингдек, Олий суд нафақат судларнинг, балки адвокатларнинг ҳам фаолият кўрсатиш тартиб-қоидаларини ўрнатади. У томонидан ўрнатилган қоидалар төрговчи ва прокурорлар учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Олий суднинг мажлислари Токио шаҳрида бўлиб ўтади, унинг таркибига раис ва 14 нафар суд аъзолари киради. Олий суд охирги инстанция суди сифатида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича қуий судларнинг чиқарган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлари устидан тушган шикоятларни, қоида тариқасида, 5 нафар судъядан иборат таркибда кўриб чиқади. Олий суд ишнинг фактик ҳолатларига баҳо бериш юзасидан эмас, балки ҳуқуқий масалалар юзасидан берилган шикоятларни гина кўриб чиқиш учун қабул қиласди. Олий суд, албатта, шикоятларнинг қонунчилик ёки маъмурий ҳужожатларга қанчалик даражада конституциявийлигини, шунингдек Конституцияни шарҳлаш ёки унга ўзгартириш киритиш ёхуд Олий суднинг илгари ўзи чиқарган қарорига ўзгартириш киритишни талаб қиласидаган ишларни ҳам тўлиқ таркиб билан кўриб чиқади.

Япония Олий суди ҳар қандай қонун, фармон, қарор ёки маъмурий ҳужожатнинг конституциявийлиги масаласини кўриб чиқиб, ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Бундай қарор Олий суд таркибини камида саккизта аъзоси ёқлаб овоз берган тақдирдагина қабул қилинган, деб ҳисобланади. Қарорнинг нусхаси тегишлича парламент ёки ҳукуматга юборилади.

Олий суд суд амалиётини умумлаштиради, қуий турувчи судлар учун мажбурий характерга эга бўлган раҳбарий кўрсатмалар чиқаради, ўзининг қошида ташкил этилган прокуратура тўғрисидаги ҳамда суд органларини маъмурий бошқаруви ва ички интизоми тўғрисидаги низомларни ўрнатади.

Ушбу масалалар юзасидан қарорлар Япония Олий суди ва юқори судлари аъзоларидан ташкил топган коллегия томонидан қабул қилинади.

Юқори судлар (улар саккизта бўлиб, мамлакатнинг турли қисмларидағи йирик шаҳарларда жойлашган) апелляция инстанцияси сифатида З нафар судьядан иборат коллегия тарзида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича қуийи судларнинг ҳукмлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқади. Олий суд алоҳида ҳолларда ҳар бир юқори суднинг кўшимча бўлинмаларини (филиалларини) тузиши мумкин.

Япония суд тизимининг муҳим бўғини бўлиб, 47 та префектуранинг марказларида жойлашган **округ судлари** ҳисобланади (уларнинг кўпчилиги бошқа шаҳарларда ўз бўлинмаларига эга). Округ судлари биринчи инстанция судлари сифатида олий ва бирламчи судлар ваколати доирасига таллуқли ишлардан ташқари (худудий судлар баъзи бўлинмаларининг ваколатлари қисман чекланган) фуқаролик ва жиноят ишларининг аксарият қисмини кўриб чиқадилар. Ушбу судлар фуқаролик ишлар бўйича қуийи судларнинг чиқарган қарор ва ҳал қилув қарорлари устидан берилган шикоятларни ҳам кўриб чиқадилар.

Худудий судларда ишлар қоида тариқасида якка судья томонидан кўрилади, агарда гап даъво қийматининг юқорилиги ёки бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноят ишларини кўриш ҳақида кетаётган бўлса, бундай ишлар З нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Округ судлар таркибида чекланган ваколатларга эга бўлган кичик судьялар ҳам фаолият юритади.

Япония суд тизимида **оилавий судларга** алоҳида ўрин берилади. Улар худудий судлар билан тенг мақомга эга бўлиб, ўша худуддаги шаҳарларда тузилади. Уларнинг ваколатларига эр-хотин ўртасидаги мулкий ва номулкий характердаги низолар, мерос тўғрисидаги ишлар, шунингдек 20 ёшгача бўлган шахсларнинг ҳукуқбузарлигига оид ишларни кўриш киради (агар бундай турдаги шахслар томонидан содир этилган ҳукуқбузарлик жиддий жиноят ҳисобланса, у ҳолда, ушбу ишлар қўйилган айбловнинг асослантирилганлик масаласини атрофлича текширилгандан кейин худудий судларга ўтказилади). Оилавий судларда ишлар, қоида тариқасида, якка судья томонидан, алоҳида ҳолларда эса, З нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Кўпинча ушбу судлар муайян ишлар бўйича яратширув тартибини ҳам қўллашлари мумкин.

Бирламчи судлар энг қуийи бўғин судлари бўлиб (улар 600 дан ортиқ), юқори суммада бўлмаган фуқаролик даъволарини, шунинг

дек баъзи жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларни тайинлаш назарда тутилган (бу судлар З йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди) жиноят ишларини кўради. Бирламчи судларда ишлар якка судья томонидан кўриб чиқилади. Япон судларининг ҳеч қайси бирида қасамёд қабул қилган маслаҳатчилар институти мавжуд эмас. 1923 йилда ушбу институт қонунчилик тартибида таъсис этилганди, бироқ маълум бўлдики, ишларни улар иштирокида кўриш ҳуқуқига эга бўлган 99 фоиз кишилар уни қўллашни рад этдилар, чунки қасамёд қабул қилғанлар томонидан чиқарилган ҳукмлар устидан, қоидага кўра, юқори судга шикоят қилиш мумкин бўлмаган. 1946 йилги конституция ва сўнгти пайтларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида ушбу судлар тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Интизомий судлар (575 та) даъво қиймати 900 минг иенадан юқори бўлмаган айрим кам аҳамиятли фуқаролик ишлари ҳамда майда жиноий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқадилар. Бундай ишлар юридик маълумотга эга бўлиши шарт бўлмаган бир нафар судья томонидан кўрилади.

Конституциявий назоратни, яъни исталган турдаги қонунчилик ёки маъмурий ҳужжатларнинг конституцияга мувофиқлиги нафақат Олий суд, балки қуий бўғин судлари ҳам амалга ошириши мумкин. Уларнинг баъзилари ҳатто ички ва ташки сиёсий характердаги муҳим ҳукумат қарорларининг ноконституциявийлиги устидан прогрессив чораларни ҳам кўрганлар.

Суд қарорлари ва судларнинг алоҳида фикрлари эълон қилиб борилади. Ушбу амалиёт англо-саксон ҳукукий оиласи тажрибасига асосланган. Лекин, одатда қуий турувчи судлар томонидан ушбу тартибга амал қилинмайди.

Японияда 1947 йилдан буён маъмурий адлия (юстиция) тизими мавжуд эмас ва маъмурий органларнинг ҳаракатлари устидан берилган барча шикоятларни ҳудудий судлар биринчи инстанция сифатида фуқаролик ишларини кўришнинг ўзига хос шакли тарзида кўриб чиқадилар.

Япония Фуқаролик-процессуал кодекси низоларни ҳакамлик (арбитраж) шаклида муҳокама қилиш мумкинligини назарда тутади, лекин бундай процедурага кўпроқ префектураларга тегишли савдо билан боғлиқ ишлар юзасидан мурожаат қилинади.

Японияда Прокуратура Адлия вазирлиги тизимида киради. Прокуратура марказлашган орган бўлиб, унга Бош прокурор бошчилик қиласиди, лекин унинг структураси энг аввало, суд тизимида мувофиқлаштирилган; прокуратура органлари ўз фаолиятларини тегишлича Олий суд, юқори судлар, ҳудудий, оиласи ва бошқа судлар

қошида амалга оширадилар. Прокурорлар чекланган доирада, хусусан, мұхим жиной ишлар бүйича тергов ишларини юритадилар.

Конституцияга мувофиқ, жиноят ишларида айбланувчиларнинг ҳукуқлари адвокатлар томонидан ҳимоя қилинади, уларни айбланувчи мустақил ўзи танлайди, агар маблаги етарли бўлмаса, давлат томонидан тайинланади. Фуқаролик процессида кам таъминланган фуқароларга нисбатан моддий ёрдам кўрсатилади, у суд харажатларини тўлашни кечикириш ёки Япония ҳукукий ёрдам ассоциацияси томонидан адвокат тайинлаш йўли билан амалга оширилади (ассоциация ишда ютиб чиқишига умид бўлсагина адвокат тайинлайди).

Барча судьялар ўз лавозимларига 10 йил муддатга тайинланадилар. Тайинлаш Маҳкама, яъни ҳукумат томонидан Олий суд тушиб чиқсан номзодлар рўйхати асосида амалга оширилади. Олий Суд раиси император томонидан тайинланади. Ўн йил ўтгач, судья ўз лавозимиға қайта тайинланиши мумкин ва бу қонунда белгилаб қўйилган истеъфога чиқиш ёши (65-70 ёш) гача амалга оширилади. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, Япония Конституцияси судьяларнинг обрўсини оширишига қаратилган бир қатор нормаларни мустаҳкамлаб қўйган. Хусусан, барча бўғиндаги судларнинг судьялари импичмент жараёнига мувофиқ умумхалқ муҳокамаси (даврида) натижасида лавозимдан четлаштирилиши мумкин, бундай муҳокама парламентнинг маҳсус органлари томонидан судьяга қўйилган айблов асосида амалга оширилади. Ушбу ҳолат ташки жиҳатдан самарали бўлиб қўринса-да, кўпчилик япон ҳукуқшуносларининг фикрича, сайловчиларнинг Олий суд аъзолари фаолияти юзасидан етарли маълумотта эга бўлмасликлари ва шу асосда уларнинг сайлов жараёнига жиддий аҳамият бермасликлари бундай тартибининг мақсадга мувофиқлилиги юзасидан шубҳа уйғотади.

Японияда судьялик лавозимини эгаллаш, шунингдек прокурор ёки адвокат бўлиш учун қатъий саралаш қоидалари ўрнатилган. Ушбу лавозимларда фаолият олиб боришни истаган Япония университетларининг юридик факультетлари битирувчилари Адлия вазирлиги маҳсус комиссияси томонидан ташкил этилган имтиҳонлардан ўтишлари шарт. Ушбу комиссия томонидан қўйилган талаблар шу даражада юкорики, уларга 2-3 фоиз имтиҳон топширувчи-ларгина жавоб бера оладилар холос. Синовдан муваффақиятли ўтган номзодлар Олий Суд қошида ташкил этилган адлия ходимларини тайёрлаш бўйича марказда икки йиллик курсда таҳсил олишлари лозим. Мазкур курслар дастурига нафақат назарий машғулотлар, балки, судларда (8 ой) амалиёт, прокуратура ва адвокатурода (ҳар бирида 4 ойдан) амалиёт ўташ тартиби ҳам киритилган.

Ушбу курсни тугатган ва қайтадан имтихон топширган номзодларгина судья, прокурор ёки адвокат лавозимларини эгаллаш хукуқини құлға киритадилар. Адлия ходимларини тайёрлаш курсларини ҳар йили 500 га яқын янги кадрлар битириб чиқадилар. Японияда профессионал юристлар корпорацияси онгли равишда үзининг аъзолари доирасини чеклаб қўйган. Буни 120 миллиондан ахолига эга бўлган мамлакатда 2000 судья, 2100 нафар прокурор ва 12 000 га яқын адвокат фаолият юритишидан ҳам кузатиш мумкин.

11. ХИНДИСТОН СУД ТИЗИМИ

Хинди斯顿да бошқа федератив давлатлардан фарқли ўлароқ, қаттый марказлашган ягона суд тизими ўрнатилган. Ушбу суд тизими мамлакатнинг бирлигини мустаҳкамлаш ва қонунчиликни барча худудда бирдек кўлланилишини таъминлашга хизмат қиласди. Суд иерархиясининг қуиғи поғонаси бўлиб, Панчаятлар суди ҳисобланади. Ушбу судлар энг кам аҳамиятли фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқадилар. Ундан юқори поғоналарда мунсифлар, “индуслар суди”, кўшимча ва округ судлари туради. Штатлар суд тизимининг олий инстанция суди бўлиб, Штат юқори суди ҳисобланади. Улар биринчи инстанция ҳамда аппеляция инстанцияси суди сифатида ишларни кўриб чиқадилар.

Хинди斯顿 ягона марказлаштирилган суд тизимининг олий органи бўлиб, Олий суд ҳисобланади. У одатда ёши жихатдан энг каттаси бўлган бош судья ва 17 нафар аъзолардан ташкил топган. Олий суднинг аъзолари Республика Президенти томонидан бош судья ва Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда мамлакатнинг обрўли ҳукуқшунослари орасидан тайинланади. Олий суднинг аъзолари 65 ёшга тўлгандан кейин истеъфога чиқишилари лозим. Шунингдек, улар номақбул ҳатти-ҳаракат ёки касбий малакасизликлари сабабли ҳам Президент томонидан муддатидан олдин ўз лавозимларидан озод этилишлари мумкин. Олий суд аъзосини лавозимидан четлатиш тўғрисидаги Президентнинг қарори парламентнинг ҳар иккала палатаси мажлисида иштирок этувчи депутатлардан 2/3 қисми ёқлаб овоз берган тақдирда кучга эга бўлади.

Хинди斯顿 Олий суди биринчи инстанция суди сифатида федерация ва штатлар, шунингдек, штатлар ўртасида юзага келадиган низоларни кўриб чиқишига ваколатли ҳисобланади. У жиноий ва фуқаровий ишлар бўйича олий аппеляцион инстанция ролини ўтайди. Олий суд жорий қонунчилик доирасида суд юритиш масалалари бўйича кўрсатмалар чиқаради ҳамда Президентнинг илтимоси асосида муайян факт ёки ҳукуқ нормалари юэасидан турли хил хulosалар бериши мумкин. Хинди斯顿 Олий суди ва штатларнинг юқори судлари конституциявий назорат органи сифатида ҳам фаолият юритадилар. Ҳар қандай ишни кўриб чиқишида Олий суд Конституциявий қоидаларга шарҳлар бериши мумкин. У томонидан ифодаланадиган ҳукуқ нормаси мамлакатнинг барча судлари учун мажбурий ҳисобланади.

Олий суд Хинди斯顿 Конституциясига зид келадиган ҳар қандай қонунни ноконституциявий, деб эълон қилиши мумкин. Аксарият

ҳолларда бу тартиб фуқароларнинг асосий ҳукуқларини бузувчи қонунчиллик ҳужжатларига татбиқ этилади.

Олий суд ва Штатлар юқори судлари томонидан амалга ошириладиган конституциявий назоратдан ҳукуматнинг ўтган асрнинг 50-йилларида ер ислоҳотлари, князликларнинг собик ҳукмдорларига тўланадиган нафақалар ва алоҳида имтиёзларни бекор қилиш борасидаги ҳукуматнинг қарорларига нисбатан ҳамда 1970 йилда 14 та банкни миллийлаштиришга қарши бўлган муҳолифат кучлари томонидан фойдаланилган. Айни вақтда Олий суд ва Штатлар юқори судларининг конституциявий назорат тартибида қабул қилган прогрессив қарорларини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Хусусан, бундай қарорлар сўз ва матбуот эркинлиги ҳуқуқини, иш ташлаш эркинлигини кенгайтиришга, минимал иш ҳақини ўрнатишни, фуқароларнинг юридик ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлашни, миллий, каста ёки диний озчиликни манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутган.

Федерал суд тизимига, шунингдек аппеляцион судлар ҳамда сессия ва магистратлар судларидан ташкил топган қуи судлар ҳам киради.

Кейинги 20 йил ичida суд ҳокимиятининг ролини оширишга қаратилган ислоҳотлар, ушбу институтнинг мамлакатда ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қилмоқда. Бинобарин, мазкур органнинг бундай мақомда фаолият юритиши деярли диктаторлик ваколатларига эга бўлган ҳукуматнинг ҳамда турли хил сиёсий оқимлардан ташкил топган парламентнинг назорат остидан чиқиб кетишига ва конституцияга зид қарорлар қабул қилишини олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, ушбу ҳолат бир миллиарддан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган мамлакатда ижтимоий тангликтининг юқори даража бўлиб турган бир даврда кенг ҳалқ оммасига мафкуравий таъсир қилмасдан қолмайди. Шу сабабдан, Ҳиндистон суд тизими фаолиятининг шакли ва мазмунини демократлаштириш жараёнлари мамлакат иқтисодининг тез суръатларда ривожланиб бораётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

АСОСИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАР ЛҮГАТИ

Аналогия (юн. analogia - мувофиқлик, айнанлик, ўхшашлик) - бирор ҳаракат қонунда бевосита күрсатилмаган ҳолда шунга ўхшаш ҳодисани кўзда тутадиган ҳукуқий нормани мазкур ҳаракатга татбиқ этиш. Ҳукуқнинг айрим тармоқларида, жумладан, фуқаролик ҳукуқида бирор хил даъво тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, суд шунга ўхшаш муносабатларни кўзда тутадиган бошқа қонунни қўллади.

Ассиз (лотинча assisac-мажлис) - 1.Ўрта асрларда Англия судида кўзғатиладиган даъволарни алоҳида шакли ва қирол ҳокимиётининг қарорлари; 2.Бир қатор давлатларда присяжный (қасамхўрлар) иштирокида бўладиган сайдер судлар.

Ассизлар суди - Франция суд тизимида алоҳида ўрин эгаллаб, ҳар кварталда 15 кундан иборат сессия ўтказилиб, бу вақт оралиғида тўпланган барча ишлар кўриб чиқилади. Ассизлар суди нинг навбатдан ташқари сессияси эса, ишларнинг ҳажми кўпайиб кетганда маҳаллий апелляция суди раисининг Боз прокурорнинг бу ҳақдаги фикрини инобатга олган ҳолда чиқарган қарори билан чақирилади.

Атторней (инглиз) - 1.Англиядда ишончли вакил, ваколат берувчининг манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат; 2. Боз атторней Англиядда давлатнинг боз юрист маслаҳатчиси; министрлар кабинети аъзоси сифатида прокурорлик назорати функциясини ҳам амалга оширади; 3. АҚШда боз атторней федерал ҳукуматнинг боз юрист маслаҳатчиси ва ҳукуматнинг Олий Суддаги вакили; бир вақтнинг ўзида боз атторней Адлия Вазири ва Боз прокурор вазифасини ҳам бажаради.

Апелляция – бир қанча хорижий мамлакатлар ҳукуқида ҳали қонун кучига кирмаган суд ҳукмлари ва қарорлари устидан ўша суднинг ўзига ёки юқори турувчи суд органига шикоят бериш.

Бейлиф (инглиз-bailiff) - Англо-саксон ҳукуқий оиласига киравчи мамлакатларда шериф ёрдамчиси, суд органлари ҳузуридаги полиция ходими.

Вердикт (лотинча vere dictum, яъни тўғри ёки ҳақиқатни айтиш) - Баъзи давлатларда жиноят жараёнида судланувчини айбдор ёки айбсиз деб топиш тўғрисидаги қарор.

Глосса (юнон. glossa - эскирган ва кам ишлатиладиган сўз) - тушунарсиз атамаларни таржимаси ёки мазмунининг ифодаланиши. Қадимги ёзма манбалар, хусусан, қонунларга ёзилган илмий шарҳлар ва суд қарорларида матнларнинг ҳошияларида қайд (глосса)ни шарҳлаш орқали унинг мазмунини тиклаш имконияти.

Доктрина - прецедент каби ҳукуқнинг расмий манбаси сифатида тан олинмайдиган, лекин иккиламчи манба сифатида ҳукуқ фактик ва реал таъсир ўтказадиган ҳукуқ манбаси.

Декрет (лот. Decretum – фармон, қарор) – умумий ёки хусусий ҳужжатнинг номи. Биринчи бор “Декрет” термини Қадимги Римда вужудга келган. Собиқ Совет Иттифоқида 1936 йилгача давлат ҳокимиятининг олий органлари чиқарган энг муҳим ҳужжатларнинг номи. Ҳозирги Францияда Декрет Президент ва бош вазир томонидан чиқарилади, бунда Президент Декретлари бош вазир ёки тегишли вазир ўз имзоси билан тасдиқланганидан кейингина юридик кучга эга бўлади. Англо-саксон ҳукуқий тизими мамлакатларида суд қарорларининг баъзи турлари Декрет деб аталади.

Деликт (лот. Delectum – бузиш, айб) – айнан айб (фуқаролик, маъмурий, интизомий ҳукуқбузарлик); Фуқаролик ҳукуқида бир шахснинг фуқаролик ҳукуқбузарлиги (деликт) натижасида бошқа шахсга мулкий зарар етказилиши туфайли муайян турдаги жавобгарлик юзага келиши деликт жавобгарлик ҳисобланади.

Деван (форс. Канцелярия, жамланадиган жой) - Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг айримларида - маъмурий ва суд ишлари бўйича ҳукumat муассасалари.

Инстанция – (лот. Instantia – бевосита яқинлик) маълум бир мауссасанинг ўша тизимдаги бошқа юқори ва қўйи турувчи муассасаларга нисбатан турган даражасини билдирувчи маъмурий ва суд ҳукуки ибораси.

Катта инстанция суди – Францияда фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди бўлиб, шахсларнинг фуқаролик ҳолати ва ҳукуқ лаёкати, кўчмас мулкка оид даъволар ҳамда мулкка нисбатан ундирувни қаратиш, ихтиrolар ва товарлар белгилари учун патентлар бериш, юридик шахсларнинг мол-мulkини тугатиш каби ишларни кўриб чиқади.

Квестор (лот. quaero) - 1. Қадимги Римда мансабдор шахслардан бири, Консулнинг молиявий ва суд соҳаси бўйича ёрдамчиси; 2. Италияда полиция маъмури.

Кичик инстанция трибунали - Франциянинг барча департамент ва округларнинг асосий шаҳарларида жойлашган бўлиб, унинг ваколатига қиймати 13 минг еврогача бўлган шахсий ва мулкий даъволарни ҳамда қарорлар устидан шикоят қилиш мумкин бўлган, қиймати 30 минг еврогача бўлган даъволарни кўриб чиқиш киради.

Кодекс - қонун ҳужжатларини ўз ичига олувчи тармоқ тўпламлари бўлиб, ўз ҳукуқий табиатига кўра, амалдаги ҳукуқни жамлаштирувчи ҳужжат ҳисобланади.

Коллизион нормалар - хукуқни құллаш жараёнида, баъзан муайян бир ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилған икки ёки ундан ортиқ хукуқий норманинг мавжудлиги аниқланиб қолади ва бу нормалардан қайси бирини құллаш кераклиги түғрисидаги масала вужудға келади. Бу масаланы ҳал этиш учун коллизион норма қабул қилинади. "Collision"- сүзи инглизча бўлиб, "тўқнашув" маъносини англатади. Нормалар коллизияси бир давлат миллий хукуқ тизими ичидаги нормалар ўртасида, хусусан, федератив давлат тузилишига эга бўлган давлатларда федерал қонунчилик нормалари билан федерация субъектлари қонунчилиги нормалари ўртасида, шунингдек икки давлат хукуқ тизими нормалари ўртасида ҳалқаро хусусий хукуқий муносабатларни ҳал этишда учраши мумкин. Коллизион норма ўзига хос "ҳакамлик" вазифасини бажариб, муайян ва айнан бир муносабатларни тартибга солишга "шай" турган икки ёки ундан ортиқ нормалар ўртасидаги "келишмовчилик"ни ҳал этади, яъни улардан қайси бири қўлланилишини кўрсатади. Давлатнинг миллий хукуқ тизими нормалари коллизияси қуидаги йўллар билан ҳал этилиши мумкин:

1) башарти коллизия ҳолатида турган нормалар нормалар бир орган томонидан қабул қилинган бўлса, нормаларнинг кейин қабул қилингани қўлланилади; 2) башарти коллизия ҳолатида турган нормалар икки хукуқ яратувчи орган томонидан қабул қилинган бўлса, уларнинг ичидаги мақоми юқори турувчи орган қабул қилған норма ишлатилади. Муайян бир давлат суд органлари олдида конкрет ҳалқаро характердаги фуқаролик, меҳнат ва оила муносабатларини ҳал этишда қайси давлат хукуқини, аниқроғи, хукуқ нормасини қўллаш масаласи, ўша давлатнинг ўз миллий қонунчилигига ёки ҳалқаро шартномаларда мустаҳкамланган коллизион норма асосида ҳал этилади.

Конституциявий кенгаш – Францияда конституцияга риоя қилинишини назорат этувчи маҳсус орган бўлиб, таркибига 9 йил муддатга тайинланадиган 9 нафар аъзо киради.

Мандамус суд бўйруғи – бу суд ёки бошқа органга қаратилған талаб бўлиб, унга кўра, ушбу орган умумий хукуқ қоидалари билан белгиланувчи мажбуриятларни бажариши лозим. Бўйрук судьяларга ҳам, бошқа шахсларга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин.

Медиатор – Францияда парламент воситачиси бўлиб, у Вазирлар Кенгашининг декрети билан олти йилга тайинланади. Фуқароларнинг арзномаларини депутатлар ва сенаторлар медиаторга топширадилар ва у мазкур арзномалар юзасидан қарор қабул қиласи.

Можаролар бўйича трибунал – Франция суд тизимининг икки тармоғи ўртасида жойлашган бўлиб, умумий ва маъмурий судлар орасида вужудга келадиган ваколатлар тўғрисидаги низоларни кўриб, ҳал қиласди.

Норматив шартнома - икки ва ундан ортиқ мустақил ҳуқуқ ижодкорлари ўртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиласдиган битим.

Олий адолат палатаси – Францияда парламент томонидан танланган депутатлардан иборат бўлиб, унинг ваколатига Республика Президентини давлатга хиёнат қилиш жинояти бўйича суд ишларини олиб бориш киради.

Омбудсман – (швед.ombudsman – бирор киши муносабатларининг вакили) баъзи мамлакатларда парламент томонидан сайланган ёки тайинланган, давлат органлари фаолиятининг қонунийлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кузатувчи мансабдор шахс.

Прерогатив бўйруқ – ўз ваколатларини амалга оширишда адолатсизликка йўл қўйган қуий турувчи суд, трибунал ёки бошқа орган (масалан, маҳаллий ҳокимият органлари)га нисбатан мажбурий фармойиш (Англия суд тизимида).

Прафект (лотинчадан praefectus - бошлиқ) - 1.Қадимги Римда – бир қатор маъмурий, суд ва ҳарбий лавозимлар номи; 2.Франция ва бошқа мамлакатларда – округ, провинция ва департаментдаги ҳукуматнинг олий амалдори; 3.Айрим мамлакатларда шаҳар полицияси бошлиғи.

Прецедент – суднинг (ёки маъмурий органнинг) ёзма ёки оғзаки қарори бўлиб, ушбу қарор келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласдиган намуна, этalon норма.

Раввинат судлари – Истроил давлатида яхудийлар ўртасидаги никоҳ, никоҳдан ажralиш, туғилиш ва ўлим ҳолатлари борасидаги масалаларни кўрадиган судлар.

Савдо трибуналлари – Франциядаги суд органларидан бири бўлиб, даъво қиймати 13 минг еврогача бўлган савдо операцияларига оид низоларни кўриб чиқувчи охирги инстанция судлари.

Сенат (лот. "senex" - оқсоқол, оқсоқоллар кенгаши) - АҚШ, Франция, Италия, Бразилия, Польша, Руминия, Чехия, Австралия, Бельгия, Канада, Испания, Венесуэла, Колумбия, Доминикан Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва айрим бошқа давлатларда парламентнинг юқори палатаси номи. 2. Айрим мамлакатларда давлат бошқаруви юқори органининг номи (мас. Берлин сенати). 3. Айрим мамлакатларда (қоидага кўра) олий суд таркибидаги

бўлимлар номи, масалан, ГФР Федерал Конституциявий судининг Сенати.

Сертиорари ордери – Англия юқори судининг ишни қўйи суд, суд трибунали, тегишли ҳокимият органи ёки мансабдор шахсдан ишни талаб қилиб олиш тўғрисидаги буйруғидир. Буйруқнинг номи лотинча “certiorari volumus” – “бизга маълум қилишингизни истаймиз” иборасининг қисқа шаклидан иборат.

Статут (лот. statuo - қарор қиласман) - 1.Бирор-бир шахс ёки органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги устав, низом; 2.Бир қатор давлатларда умуммажбурий ҳарактердаги қонунчилик ҳужжати номи. Хусусан, Буюк Британияда парламент қабул қилиб, Қирол томонидан тасдиқланадиган муҳим қонунлар.

Суд - жиноят, фуқаролик, маъмурий ва бошқа тоифага мансуб ишларни қонунчиликда белгилаб қўйилган процессуал тартибда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш шаклида одил судловни амалга оширувчи давлат органи.

Суд ҳокимияти - ҳокимиятларнинг тақсимланиши назариясига кўра, оммавий ҳокимиятнинг (қонун чиқарувчи ва ижро этувчи билан бирга) мустақил ва қарам бўлмаган соҳаси. Суд қилишни амалга ошириш, яъни жиноий, фуқаро, маъмурий ва конституциявий иш (низо)ларни процессуал қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ваколатлари, баъзида ҳуқуқ нормаларини, албатта, шархлаш (масалан, РФ Конституциявий Суди, АҚШ Олий суди) ваколати, ҳуқуқ ижодкорлиги ваколати (инглиз-саксон мамлакатларида судларида суд прецедентларини яратиш), назорат ваколатлари (масалан, ҳибсга олиш ёки ушлаб қолишнинг қонунийлигини текшириш) ва айрим бошқа иккинчи даражали ваколатлар (айрим мамлакатларда далил-исботларни аниqlаш, корпорацияларни рўйхатга олиш ва бошқалар) мажмунини, шунингдек юқорида айтиб ўтилган ваколатларни амалга оширувчи давлат органдари тизимини ифодалайди. Суд ҳокимиятининг ваколатлари асосий (мутлақ) - суд қилишни амалга ошириш ва ёрдамчи ваколатларга ажратилади.

Шариат (араб. – тўғри йўл) – Куръони Карим ва бошқа мусулмон ҳуқуки манбаларида ўз ифодасини топган юридик ва диний нормаларнинг ийғиндиси.

Шериф (ингл. sheriff) - 1.Ўрта асрларда Англияда қиролнинг графлиқдаги молиявий, суд, ҳарбий ва сиёсий ҳокимиятга эга бўлган вакили; 2. Ҳозирги кунда Буюк Британия, Ирландия, АҚШда маъмурий – полициячи мансабдор шахс.

Шеффенлар (нем. Schoffen – раислик қилувчи) феодал ва буржуа судларида қасамёд қилганларнинг ўзига хос тури бўлиб,

мустақил ҳайъатни ташкил этмай, судья билан биргаликда масала ҳал қилинган.

Хабеас корпус - инглиз процессуал ҳуқуқининг институти бўлиб, айрим ҳолларда ушлаб олинган шахсни ёки судланувчини манфаатдор шахс томонидан озодликдан маҳрум қилиш учун асослар борлигини текшириш мақсадида олиб келишни талаб қилиш. Ушбу термин судьянинг озодликдан маҳрум қилинган шахсни олиб келиш учун берган бўйрганинг биринчи сўзларидан олинган: "Habeas corpus ad subjiciendum" ("Сен шахсни судга олиб келишинг шарт"). Мазкур институт XV асрда ташкил топган бўлиб, 1679 йилда "Хабеас корпус акти" қонуни билан тўлиқ шаклланган.

Қасамёд қилганлар суди - доимий судьялардан ташқари мутахассис судья бўлмаган - алоҳида қасамёд қилган (присяжний) маслаҳатчилар ҳайъатидан иборат суд. Судьялар ҳуқуқий масалаларни (жиноятни квалификация килиш, жазо чораси) кўриб чиқадилар, қасамёд қилганлар (присяжний) эса – фактларни (судланувчи айбдор ёки айбдор эмаслигини, даъво асосланганлигини) ўрнатадилар. Қасамёд қилган судьялар тегишли иш юзасидан вердиктлар қабул қиласидилар. Ушбу суд тизими демократик институтлардан бири бўлиб, унда фуқароларнинг одил судловда бевосита иштирок этиш тамойили намоён бўлади. Суд юритишнинг бундай шакли XII-XV асрларда Англияда вужудга келган бўлиб, у бугунги кунда дунёги кўпчилик давлатларнинг суд тизими амалиётида кўлланилмоқда.

ФОЙДЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Раҳбарий адабиётлар:

- 1.1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.3. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
- 1.5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –280 б.
- 1.6. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.–320 б.
- 1.7. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –368 б.
- 1.8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –174 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -280 б.
- 1.10. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18.–Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –280 б.
- 1.11. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий ҳужжатлари:

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010– 40 б.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда

2.3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1997 йилги қарори билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. – № 9. – 227-модда

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимиши такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони // Халқ сўзи. 1997. –26 июнь

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ти Фармойиши // Халқ сўзи. 2001. – 5 январь

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганигининг 60 йиллигига бағишендан тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПФ-3994 сонли Фармони // Халқ сўзи. 2008. –2 май

3. Махсус адабиётлар:

1. Антонов И. П. Основы правовой системы федеративной Республики Германия. (Теоретический и историко-правовой аспекты). – М.: Академия управления МВД России, 2003. – 147 с.
2. Брэбан Г. Французское административное право. -М.: Прогресс, 1988. -С.363.
3. Боботов С.В., Жигачев И.Ю. Введение в правовую систему США. -М.:Норма, 1997. –333 с.
4. Боботов С.В. Правосудие во Франции. -М.: ИЧП ЕАВ, 1994. -С.48.
5. Валери Жискар Де Эстен. Власть и жизнь. - М.:Международные отношения,1990. -С.228.
6. Введение в шведское право. – М.: Прогресс, 1986. – 387 с.
7. Гуценко К.Ф., Головка Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. - М.: Зерцало, 2001.-С.294.
8. Жалолов Ф. Германия Федератив Республикаси ҳуқуқий тизими. -Т.: ТДЮИ, 2005 – 36-б.
9. Инако Ц. Современное право Японии / Отв. ред. В. А. Туманов. – М.: Прогресс, 1981. – 291 с.
10. Le Conseil d'Etat. Son organization, son role. Paris., 1975, - p.14.

11. Марченко М.Н. Правовые системы современного мира. –М: Зерцало-М, 2001. –400 с.
12. Саидов А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. Т.: ТДЮИ, 2004. – 428 б.
13. Сайдуллаев Ш.А., Мирзараимов Б.Т. Англияда прецедент ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2008. – 64 б.
14. Правовые системы стран мира. Энциклопедический справочник./ Отв. ред.А.Я.Сухарев. –М.: Норма, 2003. -976 с.
15. Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира. -М.: Юрид.лит., 1993.
16. Романов АК. Правовая система Англии. Учеб. пособие. -М.:Дело, 2000. -344 с.
17. Рустамбаев М.Х. Современное состояние и перспективные задачи судебно-правовой реформы в Республике Узбекистан: Материалы международного симпозиума «Традиционное право Узбекистана и Японии». – Т.: 2002. – 10-бет.
18. Судебные системы европейских стран. - М.: Международные отношения, 2003. -С.281.
19. Сухарёв А.Я. Правовые системы стран мира. - М.: Норма, 2003. -С.854.
20. Хайитбоев Ф. П. Ҳозирги замон асосий-ҳуқуқий тизимлари: англо-саксон ҳуқуқ оиласи. Ўкув қўлланма. Т.: ТДЮИ, 2006. – 61 б.
21. Шарифходжаев М., Абдумажидов Г., Шодиев Н., Рахимов Ф. Сила – в справедливости // Труд. – 2001. – 28 сентябрь.
22. Шумилов В.М. Правовая система США: Учеб. пособие. -М.: ДЕКА, 2003.-400 с.
23. Ҳайитбоев Ф.П., Нажимов М.К. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлар. – Т.: ТДЮИ,- 242 б.

Интернет саҳифалари:

1. <http://www.yuridlit.ru>
2. <http://www.allpravo.ru>
3. <http://www.troek.net/zakaz.htm.ru>
4. <http://www.lawbook.ru>
5. <http://www.books.ru>
6. <http://www.iimes.ru/rus/stat/2003/12-11-03.htm>
7. <http://www.russobras.com/constitution.php>
8. http://kommentarii.org/strani_mira_eciklopediy/braziliy.html
9. <http://www.bookz.ru>

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Хорижий мамлакатлар суд тизимининг умумий тавсифи	11
Англия суд тизими	22
АҚШ суд тизими	36
Бразилия суд тизими	39
Германия Федератив Республикаси суд тизими	44
Франция суд тизими	49
Финляндия суд тизими	61
Хитой Халқ Республикаси суд тизими	65
Эрон Ислом Республикаси суд тизими	67
Япония суд тизими	75
Ҳиндистон суд тизими	80
Асосий атама ва тушунчалар луғати	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	88

А.Я.Яшнарбеков

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СУД ТИЗИМИ

Мұхаррир: *Ш.Исматова.*

Техник мұхаррир: *А.Боймаматов.*

Компьютерда сақиғаловчи: *Б.Садрітдинов.*

Босишига рухсат этилди: 24.03.2011 й.
Қоғоз бичими А-5. Босма табоги 5,7. Адади 100 нұсха.
Буюртма № 21.
“Top Image Media” босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов күчаси, 74-үй